Учебно-вспомогательных учреждений при курсах не имелось, но в учебных целях использовались судебные учреждения Ташкента, куда учащиеся командировались для прохождения практик, или для слушания типичных дел, а также из этих учреждений брались окончательные дела для ознакомления, разбора и их практической проработки.

В летние каникулы 1927 года была внедрена обязательная 2-х месячная летняя практика [21, С.45].

Многонациональность курсов. В силу того, что в САЮК преобладали две основные группы учащихся – узбеков и казахов – преподавание на курсах велось на узбекском и казахском языках. Все учащиеся были разделены на две группы в зависимости от родственности языка:

1) узбекско-таджикская;

2) казах-киргиз-каракалпакская.

Узбекско-таджикская группа изучала законодательство УзССР, а казах-киргиз-каракалпакская группа изучала законодательство РСФСР, поскольку на курсах специалистов по законодательству Казахстана и Кыргызстана на тот момент не было.

Организационно-хозяйственные моменты.

Юридические курсы находились в городе Ташкенте. При САЮК было создано общежитие на 125 интернов. Но интерны туда не помещались, поэтому 20 курсантов были вынуждены жить на частных квартирах.

Санитарное состояние помещений было также неудовлетворительным. Кухня находилась в бывшем сарае и делила это место совместно с почтово-телеграфной школой. Отсутствовали столовая, комната для подготовки уроков, читальный зал. Учащиеся готовили уроки, обедали в своих спальных помещениях. Своих классов курсы не имели: 4 класса были арендованы в узбекском женском институте просвещения за плату – 2400 рублей на два года.

Мониторинг курсов показал, что они были ориентированы на уровень ниже среднего – профессионально технического учебного заведения. САЮК пересмотрел свои программы и количество часов по каждому отдельному предмету было изменено в зависимости от длительности срока обучения, необходимости и сложности предмета, с сохранением, однако, общего соотношения количества часов по всем предметам за оба года. Были выработаны и утверждены специальные программы по политграмоте и политэкономии.

Ввиду низкого уровня общего образования учащихся в первом полугодии 1926-1927 учебного года были введены предметы родного, русского языков и арифметики, которые продолжались и во втором полугодии.

Систематизация предметов. Позитивным моментом деятельности учебной части САЮК было то, что изучаемые предметы начали упорядочиваться. Некоторые дисциплины разделялись на самостоятельные. Например, государственное право было детализировано:

1) на общую теорию права и государства;

2) государственное устройство (конституции заинтересованных республик).

Предмет судебная экспертиза был разделен на две дисциплины:

1) судебную медицину;

2) технику расследования уголовных преступлений.

Учебный план был дополнен двумя предметами «нотариатом» и «судебно-следственным делопроизводством». Это было вызвано тем, что у учащихся отсутствовал стаж по судебной работе, поэтому руководство САЮК было вынуждено ознакомить учащихся:

1) с техникой канцелярской работы;

2) техникой ведения всех судебных и следственных дел;

3) делопроизводством нотариальных контор.

Тем не менее, данные юридические курсы, хотя и формально именовались как «повышение квалификации», на деле оставались промежуточным образованием между школой и техникумом

с незначительным акцентом на юриспруденцию. Это может быть продемонстрировано учебными планами САЮК и распределением часов по предметам за два учебных года:

Учебный план САЮК на 1926-1927 учебный год [21, С.51].

№	Название предметов	Общее число часов
1.	Родной язык	192
2.	Арифметика	128
3.	Русский язык	128
4.	Природоведение	64
5.	География и краеведение	96
6.	Политграмота	96
7.	Судоустройство	32
8.	Общая теория права и государство	64
9.	Государственное устройство СССР (конституция)	32
10.	Уголовное право (общая часть)	96
11.	Гражданское право (общая часть)	96
12.	Уголовный процесс	64
13.	Гражданский процесс	64
Всего		1152

Учебный план САЮК на 1927-1928 учебный год

№	Название предмета	Общее число часов
1.	Родной язык	64
2.	Политграмота	64
3.	Русский язык	64
4.	Государственное устройство СССР (Конституция)	32
5.	Уголовное право (кодекс)	96
6.	Гражданское право (кодекс)	96
7.	Уголовный процесс (кодекс)	96
8.	Гражданский процесс (кодекс)	96
9.	Трудовое право (кодекс)	64
10.	Земельное право (кодекс)	64
11.	Финансовое законодательство и гербовый устав	48
12.	Карательная политика и исправительно-трудовой кодекс	32
13.	Судебная медицина	32
14.	Техника уголовного расследования	32
15.	Нотариат	16
16.	Судебно-следственное делопроизводство	64
Итого		960 часов
	Практические занятия	
1.	Уголовный процесс и право	96
2.	Гражданское право и процесс	96
	Итого	192 часа

Мониторинг юридических курсов

Состав курсантов выпускников							
Порядок выпуска	Узбеки	Казахи, киргизы, каракалпаки	Европейцы	Другие нац.	Муж.	Жен.	Всего
1-й выпуск	30	5	5	2	41	1	42
2-й выпуск	9	10	5	-	23	1	24
3-й выпуск	3	10	1	-	19	1	20
4-й выпуск	-	-	19	-	14	5	19
5-й выпуск	13	24	29	14	76	7	83
6-й выпуск	58	54	-	7	117	2	119
Итого	113	106	65	23	290	17	307

Из таблицы видно, что первые выпуски (особенно второй, третий и четвертый) были сравнительно небольшие. Причиной тому было отсутствие общежития, что явилось препятствием для приезжающих из других областей лиц коренного населения. Вместе с организацией общежития для 5 и 6 выпусков количество выпускников увеличивается. Общее количество судебных работников за 6-летний срок их существования составило 307 человек. К этому числу необходимо добавить курсантов, снятых НКЮ до окончания курса, ввиду крайней необходимости практиков на местах, в общей сложности количество курсантов составило 350 человек [19, С.64].

Почти все окончившие курсы были привлечены НКЮ для практической работы. 5-й выпуск в количестве более 80 человек целиком пополнил собою кадры местных судебных работников по Средней Азии, а вместе с выпускниками предыдущих выпусков составил почти половину всего наличного кадра, занимая должности от делопроизводителя и заканчивая высшими должностями: Председателей областных судов, Областной прокуратуры и членов Верховного суда.

В дальнейшем курсы представляли собой вполне сложившееся и оформившееся учебное заведение, включенное в сеть профессиональных учебных заведений УзССР, готовых к преобразованию в юридический техникум с расширенной программой и 3-х летним сроком обучения.

Среднеазиатский юридический техникум. 8 сентября 1928 года по согласованию с комиссаром просвещения САЮК был реорганизован в Среднеазиатский юридический техникум (САЮТ).

Согласно постановлению СНК УзССР и Народного комиссариата просвещения Казахстана и Киргизии, САЮТ служил ядром подготовки судебных работников средней квалификации из коренного населения.

Окончившим САЮТ присваивалась квалификация народного судьи, народного следователя и помощника прокурора.

При САЮТ были организованы и краткосрочные курсы по переподготовке работников. Длительность курсов составляла 2 месяца. Занятия планировали проводить с 1 июля по 1 сентября – это было самое удобное время для подобного обучения. Местом организации курсов являлся г. Самарканд.

СНК было отпущено 10.000 рублей для организации упомянутых курсов. В 1931 году курс по переподготовке кадров посетили 4 прокурора, 3 народных секретарей, 8 следователей, 17 народных судей [28].

Из-за отсутствия полного архивного материала, в настоящей статье не представилось возможности установления даты окончания деятельности САЮТ.

Выводы. При анализе всех вышесказанных событий и реформ, разумеется, стоит отметить, что советская государственность только зарождалась и не сформировалась полноценно в течение десяти-двадцати лет. Это проявлялось в многочисленных бессистемных решениях народных комиссариатов юстиции и по просвещению, а также желанием решить проблемы, накопленные в течение десятилетий, сиюминутно.

Хотя в изначально большевики и отказались от профессуры и опытных практиков, утвердивших себя при царской власти, они в конечном итоге признали свои ошибки и принялись возвращать ценные кадры, поскольку их опыт и уровень навыков смог бы помочь запустить процесс воспитания цепочки поколения грамотных юристов.

К каким же выводам мы пришли? Казалось бы, юридическое образование не требует обращения к историческим событиям и историческим исследованиям. Однако в ряде существенных моментов его знание просто необходимо. Почему?

Во-первых, следует помнить, что защита конституционных прав и свобод человека и гражданина зависят, в первую очередь, от уровня образованности и квалифицированности кадровых служащих в сфере правоохранительной и судебной системы.

Во-вторых, в условиях постоянного обновления и ротации кадров, как по вертикали, так и по горизонтали, наличие профессионально подготовленных кандидатов на занятие вакантной должности имеет огромное значение. «Приверженность к делу партии и правительства», без должного подкрепления необходимыми знаниями не поможет заменить профессионала государственной службы.

В-третьих, спустя 100 лет после всех этих событий, юридическое образование в Республике Узбекистан претерпело колоссальные изменения и в своей сущности целостно отражает принцип системности. Однако, нежелание большинства руководства государственных учреждений отправлять ценных кадров на повышение квалификации (и в перспективе на повышение по карьерной лестнице) не дает сдвига в государственном управлении в целом, что в сущности является катализатором «кадрового голода» в государственной службе. И в этом отношении обращение к исходным точкам юридического образования в контексте советских реформ может быть ценным для нынешних реформаторов. В противном случае, есть риск остаться без грамотного сотрудника, а также нанести урон всей системе, куда приходят полузнайки.

В-четвертых, изучение истории показывает, что новое – это хорошо забытое старое. Так, методика современного преподавания, основанная на практикоориентированном подходе, не является заимствованной из системы образования зарубежных стран, следовательно, путем анализа прошлого, мы сможем обновить свои нынешние методы преподавания.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Асророва Л.К. Из истории Бухарских медресе. Т: Хилол нашр, 2017. 224 с.
2. Вечерние курсы судработников при Наркомюсте. // Известия ТуркЦИК. 12 февраля 1920 г.
3. Действия и распоряжения правительства. // Известия. 20 июля 1919 г.
4. Инструкция по выборам в народные суды Туркестанской Республики. // Известия. 19 ноября 1918 год.
5. Национальный архив Республики Узбекистан. Народный комиссариат юстиции Туркреспублики // Р.38. Оп.2. Д.73. Л.20
6. Национальный архив Республики Узбекистан. Протоколы заседаний коллегии Туркреспублики. // Р.38. Оп.2. Д.109. Л.32.
7. Национальный архив Республики Узбекистан. Протоколы заседаний коллегии Туркестанской Республики. // Р.38. Оп.2. Д.91. Л.19.
8. Национальный архив Республики Узбекистан. Переписка с комиссариатом юстиции. Р.25. 0п.1. Ед.хр.320. Л.11.
9. Национальный архив Республики Узбекистан. Р.360.Оп.1. д.39. Л.19.
10. Национальный архив Республики Узбекистан. Заявления и анкетные листы граждан на курсы работников. // Р.38.Оп.2. Д.81.
11. Национальный архив Республики Узбекистан. Народному комиссару просвещения. Январь 1922 г. // Р.360. Оп.1. Д.40. Л.151.
12. Национальный архив Республики Узбекистан. Совет Народных Комиссаров Туркестанской АССР //Р.25. 0п.1. Д.1523. Л.17.
13. Национальный архив Республики Узбекистан. Постановления Туркестанского ЦИК. //Р.38. 0п.2. Д.145. Л.197.
14. Национальный архив Республики Узбекистан. Материалы об организации высших юридических курсах при НКЮ. // Р.38. Оп.2. Д.412.
15. Национальный архив Республики Узбекистан. Список курсантов юридических курсов на общежитие мусульманской группы.// Р.38. Оп.2.Д.475.
16. Национальный архив Республики Узбекистан. Доклад заведующего отделом судоустройства

народного комиссара юстиции Туркестанской Республики о юридических курсах при НКЮ. // Р.38. Оп.2. Д.413.

17. Национальный архив Республики Узбекистан. Доклады о деятельности отдела судоустройства по заданиям XII Съезда. Р.25. Оп.1. Д.1802. Л.5-6.

18. Национальный архив Республики Узбекистан. Совет народных комиссаров ТАССР //Р.25. 0п.1. Д.1523. Л.38.

19. Национальный архив Республики Узбекистан. Тезис к докладу о деятельности юридических курсов. Р.360.Оп.1 Д.50. Л.29.

20. Национальный архив Республики Узбекистан. Отчет о деятельности судоустройства НКЮ УзССР. // Р.86. Оп.1. Д.2450. л.245-246.

21. Национальный архив Республики Узбекистан. О юридических курсах. Годовой отчет о работе САЮК 1926-1927 учебный год. // Р.904. Оп.1.Д.265. Л.57.

22. Национальный архив Республики Узбекистан. Р.904.Оп.9 Д.80. Л.21.

23. Национальный архив Республики Узбекистан. Определенное количество курсантов были вынуждены пропускать занятия из-за отсутствия у них зимней одежды / См.: Список курсантов юридических курсов на общежитие мусульманской группы.// Р.38. Оп.2.Д.475. Л.44.

24. Положение о курсах судебных работников при НКЮ.// Известия ТуркЦИК. №260.

25. Собрание узаконений и распоряжений Туркестанской Республики. 1922. С.20.

26. Рабочий факультет ТуркГУ начал свою работу 11 февраля 1920 года.

27. Туркестанская правда. 29 сентября 1923 г.

28. Национальный архив Республики Узбекистан. Р.904.Оп.9 Д.80. Л.21.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. БИЗНЕС ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

ТОПИЛДИЕВ Вохиджон Рахимжонович
Ўзбекистон миллий университети «Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими» кафедраси профессори, юридик фанлар номзоди
E-mail: vtopildiev@mail.ru

ДЖАМБАКИЕВА Феруза Бахтахуновна
Ўзбекистон миллий университети
«Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими» кафедраси ўқитувчиси
E-mail: feruzauzmu86@mail.ru

ВОСИТАЧИЛИК ШАРТНОМАСИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

For citation (иқтибос келтириш учун,для цитирования): ТОПИЛДИЕВ В.Р, ДЖАМБАКИЕВА Ф.Б. ВОСИТАЧИЛИК ШАРТНОМАСИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2021), Б. 24-31.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-2

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллифлар воситачилик шартномаси фуқаролик муомаласида кенг қўлланиладиган шартнома турларидан бири эканлигини таъкидлаган ҳолда воситачилик шартномаси конструкцияларини савдо фаолиятида қўлланилиши тадбиркорлар томонидан ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бир қатор чиқимларни камайтириш учун профессионал воситачилар ёрдамида фойдаланган холда ҳал этишлари ва воситачилик шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масаларини назарий ва амалий жиҳатдан ёритиб беришган. Шунингдек, мақолада воситачилик шартномасини янада такомиллаштириш, қонун хужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш борасида таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Воситачилик, воситачилик шартномаси, воситачининг жавобгарлиги, савдо фаолияти, комитент, учинчи шахс, товарлар етказиб бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш.

ТОПИЛДИЕВ Вохиджон Рахимжонович
Профессор кафедры «Гражданское общество и правовое образование» Национального университета Узбекистана, кандидат юридических наук
E-mail: vtopildiev@mail.ru

ДЖАМБАКИЕВА Феруза Бахтахуновна
Преподаватель кафедры «Гражданское общество и правовое образование» Национального университета Узбекистана
E-mail: feruzauzmu86@mail.ru

ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА НАРУШЕНИЕ ДОГОВОРА КОМИССИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье авторы подчеркивают, что договор комиссии является одним из наиболее распространенным видом договора в гражданско-правовом отношении, его применение в коммерческой деятельности теоретически и практически охватывает вопросы гражданской ответственности за нарушения договора комиссии со стороны предпринимателей и использование профессиональных посредников для снижения ряда затрат, связанных с производством и продажей их продукции. Кроме этого, в статье представлены предложения и рекомендации по дальнейшему совершенствованию договор комиссии, и внесение изменений и дополнений в законодательство.

Ключевые слова: Посредничество, договор комиссии, посредническая ответственность, коммерческая деятельность, комитент, третье лицо, доставка товаров, выполнение работ, оказание услуг.

TOPILDIEV Vokhidjon
Professor of department «Civil society and legal education» of the National University of Uzbekistan, Candidate of legal sciences
E-mail: vtopildiev@mail.ru

DJAMBAKIEVA Feruza Bakhtaxunovna
Lecturer of department «Civil society and legal education» of the National University of Uzbekistan
E-mail: feruzauzmu86@mail.ru

CIVIL LIABILITY FOR VIOLATION OF THE COMMISSION AGREEMENT

ANNOTATION

In this article, the author emphasize that the commission agreement is one of the most common types of agreements in civil law relations, its application in commercial activities theoretically and practically covered the issues of civil liability for violations by entrepreneurs through professional intermediaries to reduce a number of costs associated with production and selling their products. And also the article presents proposals and recommendations for the further improvement of intermediary agreements, and amendments and additions to the legislation.

Keywords: Mediation, commission agreement, mediation liability, commercial activity, principal, third party, delivery of goods, performance of work, provision of services.

Фуқаролик қонунчилигини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва халқаро стандартларга мувофиқ модернизация қилиш, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун замонавий фуқаролик-ҳуқуқий асос яратиш, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни либераллаштириш, иқтисодий муносабатларни тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк кафолатлари ҳимоясини кучайтириш, тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни фаол жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги ПФ-5464-сон Фармойиши [1] асосида тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қилувчи фуқаролик қонунчилигидаги ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизияларни бартараф этиш вазифалари белгилаб қўйилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш муайян даражада шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги механизмларини жорий қилиш, шу жумладан шартнома

турларини оптималлаштириш, дастлабки шартнома институтини ривожлантириш, шартнома тузиш эркинлигини кенгайтириш, шартномавий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш, шартномавий муносабатларда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишни тартибга солишни янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқий шартномаларнинг турлари, уларнинг қўлланиш соҳаси ва ижтимоий-иқтисодий функцияси кенгайиб бориши натижасида, шартномалар иқтисодий муомала иштирокчиларига товарлар етказиб бериш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш муносабатларининг асосий ҳуқуқий воситасига айланди. Бу ҳолат аввало қонун ҳужжатларида шартномаларга нисбатан ва уни тузувчи тарафларга нисбатан кенг эркинлик ва имтиёзлар берилиши билан боғлиқ. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 1-моддасида шартномалар эркинлиги, хусусий ишларга ўзбошимчалик билан аралашишга йўл қўйилмаслиги, фуқаролик ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширилиши каби асосий негизларнинг белгиланиши фуқаролик муомласида шартномаларнинг аҳамиятини ва уларга бўлган талабларнинг ошишига олиб келди.

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқий шартномалар тизимида хизмат кўрсатиш шартномалари алоҳида ўрин тутади. Бинобарин бозор муносабатлари шароитида субъектларга берилган имкониятлар, фан ва техниканинг ривожланиши бугунги кунда хизмат турларининг ортиб, кенгайиб боришига замин яратмоқда. Бу ҳолатни Бутунжаҳон Савдо Ташкилотининг «Хизматлар савдоси бўйича Бош келишуви»да бир неча юзлаб хизмат турлари белгиланлигидан ҳам кўриш мумкин [2, Б.89]. Т.Мўминовнинг фикрича, фан ва техниканинг жадал ривожланиши натижасида инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган янги техник воситалар ва ускуналар яратилиши янгидан янги хизмат турларини вужудга келтириш билан бирга, хизмат кўрсатишнинг мавжуд турларини янгича кўриниш ва мазмунга эга бўлишини таъминлади [3. Б.3].

Хизмат кўрсатиш шартномалари тизимида ўзаро ишончга асосланган ва муайян шахслар фойдасига у ёки бу юридик ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган шартномалар гуруҳи мавжудки, бундай шартномалар орасида воситачилик шартномаси алоҳида ўрин тутади.

Бугунги кунда воситачилик шартномаси фуқаролик муомаласида кенг қўлланиладиган шартнома турларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур шартнома иқтисодиётнинг кенг тармоқларини жумладан, мамлакат ички ва ташқи савдо муносабатларида, товарлар ва қимматли қоғозлар биржа савдосида, юк ташиш, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, туризм хизмати кўрсатиш ва бошқа соҳаларни қамраб олиши мумкин.

Воситачилик шартномаси конструкцияларини савдо фаолиятида қўлланилиши ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бир қатор чиқимларни камайтиради, чунки ишлаб чиқарувчилар ўзларининг шахсий савдо фаолиятига ихтисослашган соҳа ходимларига ва уларнинг кенг миқёсдаги ва қиммат нархлардаги маркетинг тадқиқотларини амалга оширишга эҳтиёж сезмаслиги мумкин. Улар ўз товарларини бозорда харидоргирлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни профессонал воситачилар ёрдамида ҳал этишлари осон кечади.

Фуқаролик ҳуқуқи субъектлари томонидан воситачилик шартномаларини тузиши уларнинг бир қатор қийинчиликлардан ҳоли қилсада, мазкур шартнома шартларининг бузилиши, улар учун ундан-да кўпроқ муаммо туғдириши мумкин. Шу сабабли шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик чораларининг такомиллаштирилиши ва бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликни такомиллаштириш долзарб вазифа саналади.

Воситачилик шартномаси шартларини бузганлик учун жавобгарлик масаласини таҳлил этганда ҳар доим қандай мажбурият бузилгани ва жавобгарлик кимнинг зиммасига юклатилишига алоҳида этибор бериш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 434-моддасида комитент ҳисобидан учинчи шахс билан тузилган битим учинчи шахс томонидан бажарилмаганлиги учун воситачи комитент олдида жавобгар бўлмайди, воситачи ушбу шахсни танлашда зарур эҳтиёткорлик қилмаган ёки битимнинг бажарилишига кафолат берган (делькредере) ҳоллар бундан мустасно, деб кўрсатиб ўтилган. Мазкур модданинг 5-қисмида воситачи учинчи шахс билан тузган битимни учинчи шахс бажармаган тақдирда, воситачи бу ҳақда дарҳол комитентга хабар бериши, зарур далил-исботларни тўплаши ва таъминлаши, шунингдек комитентнинг талабига кўра бундай битим юзасидан ҳуқуқларни талабларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда (ФКнинг 313-317, 319, 320-моддалари асосида) унга топшириши шартлиги белгиланган.

Цивилист олимлар О.Иоффе ва Н.Егоровлар мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни

ҳуқуқбузар учун қўшимча мажбуриятлар юкловчи ёхуд чекланган белгиловчи чора сифатида қарашса, [4, Б.7-8] В.Грибанов, Х.Рахмонқулов жавобгарликни бузилган ҳуқуқларни тикловчи, фуқаролик муомиласи нормал ҳолатига қайтарувчи таъсир чораси сифатида баҳолайди [5, Б.57].

Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари ва шартлари тўғрисида ҳам ягона фикр мавжуд эмас. М.Брагинский, В.Витрянскийларнинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асоси бўлиб субъектив фуқаролик ҳуқуқларини бузиш, жавобгарликни қўллаш шартлари бўлиб эса, субъектив ҳуқуқларни бузишни ҳуқуққа хилофлиги, зарарни мавжудлиги, оқибат ва ҳаракат ўртасида сабабий боғланиш, ҳуқуқбузар айби мавжудлиги хисобланади [6, Б.770].

Х.Рахмонқуловнинг фикрича, яхлит ҳуқуқбузарлик таркиби, шартнома мажбуриятлари бузганлик учун жавобгарлик асоси бўлиб қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги ва мажбуриятни бузган шахснинг айбининг мавжудлигида намоён булади [7, Б.56].

Н.Анваров биржа битимлари топшириқ ва комиссия шартномаларидан ташқари агентлик шартномалари орқали ҳам расмийлаштирилади, деб кўрсатади [8, Б.73]. Бироқ, РТХБ доирасида амал қилувчи намунавий шартномалар конструкцияларида топшириқ шартномаси ва комиссия (воситачилик) шартномалари моделлари белгилаб қўйилган.

Воситачилик шартномаси бўйича воситачининг жавобгарлиги, топшириқ шартномаси бўйича брокернинг жавобгарлиги ва комитентнинг жавобгарлиги, топшириқ шартномаси бўйича мижознинг жавобгарлиги асослари ва ҳажмлари бўйича деярли ўхшаш.

Агар шартнома конструкциялари бўйича тарафлар мажбурияти мазмуни ва ҳажмини мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик шартлари таҳлил этадиган бўлсак, комиссионернинг 12 та мажбурияти белгилаб қўйилган. Уларнинг фақат 4 тасини бузганлик учун санкциялар ўрнатилган. Комитент зиммасига 9 та мажбурият юклатилган ва 5 хил мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик санкцияси белгиланган. Бу ўринда, Х.Қўлдошев ҳар бир мажбуриятни бузганлик учун махсус санкция белгиланиши лозим, деган фикрга қўшилмаслигини таъкидлайди. Сабаб ушбу ҳолатда ФК ва амалдаги қонунларни мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи қоидалари керак бўлмай қолган бўлар эди. Бироқ, махсус норма умумий нормадан устувор, деган қоида ҳам мавжуд, шу сабабли ҳам мажбуриятлар ҳажми билан уни бузганлик учун жавобгарлик чоралари ўртасида муайян мутаносиблик бўлиши лозим ва бу ҳолат шартнома шартлари белгилаб қўйилган матнда ўз ифодасини топмоғи лозим [9, Б. 122].

Умумий қоидага мувофиқ, воситачи шартноманинг ҳақиқий эмаслиги учун жавобгар бўлиши мумкин. ФКнинг 434-моддасида комитент ҳисобидан учинчи шахс билан тузилган битим учинчи шахс томонидан бажарилмаганлиги учун воситачи комитент олдида жавобгар бўлмаслиги иккита ҳолатда мавжуд бўлади.

Биринчидан, воситачи ушбу шахсни танлашда зарур эҳтиёткорлик қилмаган бўлса. Масалан, воситачининг тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган тадбиркорлик субъекти билан шартномавий муносабатга киришиши ҳолатини кўрсатиш мумкин.

Иккинчидан, битимнинг бажарилишига кафолат берган (делькредере) ҳолларининг мавжуд бўлиши, яъни воситачи битимни ижро этилиши учун кафолат бериши ҳолларини кўрсатиш мумкин.

Қонун чиқарувчи томонидан назарда тутилган ҳолатлар мутлоқ характерга эга. Яъни, воситачини ушбу модда асосида масалан, учинчи шахслар томонидан битимни бажарилмаслигидан комитентнинг манфаатларини ҳимоялаш чораларини таъминламаганлик учун жавобгарликка тортиб бўлмайди. Бироқ, бундай ҳаракатсизлик ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун зарарларни қоплаш мажбуриятини келтириб чиқариши мумкин.

ФКнинг 434-моддасида, воситачи учинчи шахс билан тузган битимни учинчи шахс бажармаган тақдирда, воситачи бу ҳақда дарҳол комитентга хабар бериши, зарур далил-исботларни тўплаши ва таъминлаши, шунингдек комитентнинг талабига кўра бундай битим юзасидан ҳуқуқларни талабларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда унга топшириши шартлиги кўрсатилади. Ўзининг айбининг йўқлигини исботлаш мажбуриятни бузилишига йўл қўйган тараф зиммасига юкланади. Бу ерда қонунчилик томонидан шартнома шартлари бажарилмаган ҳолларда жавобгарликнинг мавжуд бўлишини белгилайди ва муайян маънода комитентнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш позициясида тургандек кўринади. Бироқ, аслида ушбу чоранинг белгиланиши комитентда қонунчиликда назарда тутилган асосларда учинчи шахсга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлишини таъминлайди. Асосийси, шартнома шартларини бажарилмаслигида воситачининг масъулиятсизликка йўл қўймаслиги, тегишли эҳтиёткорлик чораларини кўриб ҳаракат қилишига ундайди.

Воситачига комитент томонидан мажбуриятларни бажариши учун муайян кафолатлар ҳам назарда тутилган. Хусусан, ФКнинг 838 - моддасига асосан, воситачи ФКнинг 290-моддасига мувофиқ ўз қўлида бўлган, комитентга ёки комитент кўрсатган шахсга топширилиши керак бўлган ашёларни воситачилик шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлар воситачида бўлган комитентнинг барча мулкларига тааллуқли. Бу мулклар комитент томонидан учинчи шахс учун топширилиши лозим бўлган ёки учинчи шахсдан комитент учун топширилган мулклар бўлиши мумкин. Мазкур муносабатларни тартибга солиш ФКнинг 290 ва 291-моддаларига мувофиқ амалга оширилади. Бу борадаги махсус нормада (ФКнинг 838-моддаси) комитент ночор (банкрот) деб эълон қилинган тақдирда воситачининг мазкур ҳуқуқи бекор қилинади, унинг ўзи ушлаб турган ашёлар қиймати доирасида комитентга қўядиган талаблари ФКнинг 291-моддасига мувофиқ гаров билан таъминланган талаблар қаторида қаноатлантирилиши ҳақидаги қоидани белгилайди.

Бу борадаги яна бир кафолат ФКнинг 839 - моддасида белгиланган. Унга кўра, воситачи ФКнинг 343-моддасига мувофиқ воситачилик шартномаси бўйича ўзига тегишли бўлган суммаларни комитент ҳисобидан ўзига тушган ҳамма суммалардан ушлаб қолишга ҳақли. Бироқ, комитентнинг ўз талабларини қондириш навбати бўйича гаров сақловчилар олдида имтиёздан фойдаланадиган кредиторлари бу талабларни воситачи ушлаб қолган суммалардан қаноатлантириш ҳуқуқидан маҳрум этилмайди.

С.В.Скороходовнинг фикрича, комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқишлик воситачи учун жавобгарликни келтириб чиқаради. Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 995-моддаси 2,3-қисмида комитентнинг кўрсатмаларидан унинг розилигисиз четга чиққанлик учун жавобгарлик белгиланган. Жавобгарлик эса, воситачиликнинг турига қараб яъни, сотиш ёки харид қилишликка қараб ўзгаради [10, Б.134]. Ҳақиқатан ҳам, Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 995-моддаси комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқишлик ҳақида қоида белгиланган. яъни, мол-мулкни комитент билан келишилган нархдан арзон сотган воситачи мол-мулкни келишилган нархда сотиш имконига эга бўлмаганлигини ва арзон нархда сотиш натижасида яна ҳам кўпроқ зарарнинг олди олинганлигини исбот қилиб бермаса, орадаги фарқни комитентга тўлаши шарт. Шунингдек, агар воситачи мол-мулкни комитент билан келишилгандан юқорироқ нархда сотиб олган бўлса, бундай харидни қабул қилишни истамаган комитент воситачидан учинчи шахс билан битим тузилганлиги ҳақида билдириш олганидан кейин оқилона муддатда бу ҳақда воситачига маълум қилиши шарт. Акс ҳолда харид комитент томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

Комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқишлик ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра жавобгарлик тури ҳисобланмайди. Воситачи комитентнинг битим тузиш ҳақидаги топшириқларини бажармаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Собиқ иттифоқ давридаги Гражданлик кодексида воситачининг учинчи шахс билан тузган битимини бажармаганлиги учун жавобгарликни белгиловчи норма мавжуд бўлмаган. Бироқ, воситачининг зиммасига битимни ижро этиш мажбурияти юкланган эди.

Айрим муаллифлар томонидан учинчи шахс томонидан битимни ижро этилмаслиги деганда фақатгина ҳуқуққа хилоф равишда ижро этилмасликни тушуниш лозим. Агар учинчи шахс ўз мажбуриятларини ҳуқуққа мос равишда ижро этмаса, воситачининг жавобгарлиги вужудга келмайди, деб ҳисоблайди [11].

Юқоридаги фикрларга қўшилиш қийин, албатта. Чунки, воситачи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун учинчи шахс ҳам ўз мажбуриятларини бажармасликка ҳаракат қилиши мумкин. Бунда табиий равишда воситачининг жавобгарлик ҳолати юзага келади. Учинчи шахс эса, шартнома шартларини бузмасдан балки, воситачининг ҳаракатларига мутаносиб равишда ўз мажбуриятларини ижро этмаётганлигини кўриш мумкин.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Учинчи шахс билан тузилган битим бўйича воситачининг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарлик бўйича қилинган ҳаражатлар кимнинг зиммасида бўлади? Воситачилик шартномаси конструкциясида шартноманинг комитент ҳисобидан тузилиши назарда тутилади. ФКнинг 840-моддасида комитентнинг мол-мулки йўқолганлиги, етишмаслиги ёки шикастланганлиги учун воситачининг жавобгарлиги белгиланган бўлсада, воситачининг битим бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарлиги эътибордан четда қолиб кетган ва бу борада қонунчиликда бўшлиқ вужудга келган. Шу сабабли воситачилик шартномасининг тартибга солувчи 48-бобнинг 434-моддаси 7-қисм сифатида

қуйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ: «Учинчи шахс билан тузилган битим бўйича воситачи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун қилинган чиқим ва ҳаражатларни қоплашга мажбур».

Воситачи ва комитент ўртасидаги ҳуқуқий муносабат таҳлили шуни кўрсатадики, воситачи қуйидаги ҳолларда жавобгарлиги мавжуд бўлади:

А) комитентнинг мол-мулки йўқолганлиги;

Б) комитентнинг мол-мулки етишмаслиги;

В) комитентнинг мол-мулки шикастланганлиги (ФКнинг 840-моддаси).

Собиқ Иттифоқ даврида тадбиркорлик фаолияти учун ҳеч қандай ҳуқуқий имконият, шарт-шароитлар мавжуд эмас эди. Чунки, бу даврда ишбилармонлик туйғулари қадрланмас эди. Бу даврда амалга оширилган тадқиқотларда эса, воситачи шартнома нарсасини йўқотганда ёки унга бирон бир тарзда шикаст етказилганда воситачининг айбидан қатъий назар жавобгарлик мавжуд бўлади [12, Б.11].

Айрим муаллифлар воситачи фақатгина ўзининг айби учун жавобгар бўлиши лозим. Шу сабабли йўқотилиши ёки шикастланиш барча чораларни кўрилишига қарамасдан содир бўлиши ва бунда унинг қасди ҳамда қўпол эҳтиётсизлиги мавжуд бўлмаса у жавобгарликдан озод этилиши лозим [13, Б. 185]. Бошқа муаллифлар эса, жавобгарлик шартларини воситачининг тадбиркор сифатида иштирок этаётганлигига қараб ажратиш (дифференциялаш) лозим деб ҳисоблайди [14, Б.569]. Бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки, воситачилик шартномаси ҳақ эвазига битим тузишни тақазо этади. Шу сабабли воситачилик орқали муайян даражада фойда олишни мақсад қилади. Бундан кўринадики, воситачилик шартномаси сўзсиз ҳақ эвазига тузилади ва воситачининг муайян даражада фойда олишини таъминлайди.

Юқоридаги фикрларга С.В.Скороходов бошқача нуқтаи назар билан ёндошишни таклиф этади. У ўз фикрига асос қилиб, воситачилик шартномаси бўйича жавобгарлик чегарасини аниқлашда омонат сақлаш ҳақидаги қоидаларга таяниш лозим деб ҳисоблайди [10, Б.152]. Унга мувофиқ, профессионал бўлмаган омонат сақловчи ўзига топширилган мол-мулкни йўқолганлиги ёки шикастланганлиги сабабли мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликнинг умумий асосларида (омонат сақловчи сақлаш учун қабул қилинган ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун Фукаролик Кодексининг 333-моддасида назарда тутилган асосларга кўра жавобгар бўлади) профессионал омонат сақловчи эса, ашёнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши:

енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида;

ашёнинг уни сақлаш учун қабул қилиш чоғида омонат сақловчи билмаган ва билиши шарт бўлмаган яширин хоссалари туфайли;

сақланаётган ашёнинг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги юк топширувчининг қасддан қилганлиги ёки қўпол эҳтиётсизлиги натижасида юз берганлигини исботламаса жавобгар бўлади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳоллари ҳам учраб туради. Шу ўринда воситачилик шартномасини ҳақиқий эмас деб топишнинг ҳуқуқий оқибатларини ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли бўлар эди. Воситачи учинчи шахслар билан боғлиқ муносабатларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар соҳиби сифатида иштирок этади. Бинобарин, воситачилик шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, воситачилик шартномаси ижросини таъминлаш бўйича тузилган битимни ҳақиқий эмаслигига олиб келмаслиги лозим. Воситачилик шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тузилган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳажмини, унинг мазмунига таъсир этмасдан воситачи ва комитент ўртасидаги муносабатларга даҳлдор бўлади. Шунингдек, битимда иштирок этувчи учинчи шахслар манфаатларига мос келади. Мазкур қоида ФКнинг 114-моддасидаги ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмаслиги ҳақидаги қоидага ҳам мос келади.

Бу ўринда, бошқа бир ҳолатни ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. воситачилик шартномасини ҳақиқий эмас деб топилганда, воситачилик шартномаси ижросини таъминлаш бўйича тузилган битим кимлар учун амалда бўлади? Масала бир мунча оддий. Воситачилик шартномаси ҳақидаги нормаларнинг мукаммаллиги бу муносабат иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда ёрдам беради. Демак, воситачилик шартномаси ҳақиқий эмас деб топилганда, воситачи билан тузилган битим комитент ҳисобидан эмас балки, ўз номидан тузилган деб топилади.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг умумий қисмида битим тузиш, ижро қилиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи умумий конструктив қоидалар мужассамланган. Жумладан, воситачилик шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, воситачилик шартномаси ижросини таъминлаш бўйича тузилган битимни ўз кучида қолиши ФКнинг 128-моддасида мавжуд бўлган битимнинг бир қисми ҳақиқий саналмаслиги битимга ҳақиқий саналмаган қисм қўшилмаса ҳам у тузилган бўлар эди, деб тахмин қилиш мумкин бўлса, унинг бошқа қисмларининг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлмаслиги ҳақидаги қоидани қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Воситалик шартномасини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик муаммоларини тахлил этиш ва амалдаги қонун хужжатларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, амалдаги ФКга воситачилик шартномасининг тартибга солувчи 48-боби 434-моддасининг 7-қисми сифатида қуйидаги: «Учинчи шахс билан тузилган битим бўйича воситачи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун қилинган чиқим ва ҳаражатларни қоплашга мажбур», деган нормани киритиш лозим.

Иккинчидан, воситачилик шартномаси воситачилик топшириғига нафақат битим тузишни балки, учинчи шахс билан тузилган битимни ижро этишни назарда тутади. Шу сабабли ФКнинг 834-моддасига «Воситачи учинчи шахс билан тузган битимни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўлади. Воситачи томонидан учинчи шахслар билан тузган битимни бажармаганлиги муносабати билан қилинган ҳаражатлар воситачи ҳисобидан қопланади», деган нормани киритиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, воситачилик шартномаси ривожланган мамлакатлар ҳуқуқий тизимида тадбиркорлик муносабатларида кенг фойдаланиладиган шартнома сифатида характерланиб, халқаро ва ички савдо муносабатларида кенг қўлланилиб келинмоқда. Ҳозирги кунга қадар фуқаролик қонунчилигида воситачилик шартномасини қўллашда бир қатор муаммолар ўз ечимини топмаганлигидан далолат беради. Жумладан, воситачилик муносабатлари, воситачилик шартномаси предмети, объекти, мулк ҳуқуқининг вужудга келиши, воситачилик топшириғини бажариш вақти, битимнинг тузилган вақти, воситачилик шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари, воситачиликнинг бозор муносабатлари тизимида тадбиркорлик фаолияти сифатида ўзига хос хусусиятлари каби масалалар ўзининг аниқ ҳуқуқий ечимини топмаган. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида воситачилик шартномасини такомиллаштириш хамда замонавий фуқаролик ҳуқуқининг бу борадаги қарашлари ва ёндашувларини ўзгартириш зарурияти юзага келаётганлигидан далолат беради.

Юқоридаги ҳолатлар воситачилик муносабатларини цивилистика фани томонидан ҳар жиҳатдан ва атрофлича илмий тадқиқ этиш зарурати мавжудлигини англатади. Воситачилик шартномасини ҳар томонлама назарий ва амалий жихатдан ўрганиш ва воситачилик шартномасининг турлари тўғрисида илмий асосланган назарий хулосалар ишлаб чиқиш воситачилик муносабатларининг фуқаролик ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга замин яратади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши. 06.04.2019 й. // https://lex.uz/docs/4272621

2. Нарматов Н.С. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш муаммолари.-Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги АҚҲМИ, 2009. - 89 б. (Normatov N.S. «Problems of business regulation in the service sector»).

3. Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. номз. дис...Автореф. -2006. -3 б. (Muminov T.A. «Civil law issues of fee for service»)

4. Иоффе О. Ответственность по советскому гражданскому праву. -ЛГУ, 1955. -7-8 с. (Ioffe O. «Liability under Soviet Civil law»)

5. Гражданское право. Ч.1. 1993. -172-173 б.; Гражданское право. Особенная часть. Т.: ТГЮИ, 2009, -57 б. (Civil law. Part I. Civil law. Special part)

6. Брагинский М., Витрянский В. Договорное право. Общие положения. -М.: Статут, 1997. 699-770 с. (Braginsky.M and Vitransky.V «Contract law. General Provisions»)

7. Гражданское право. Особенная часть. -Т.: ТГЮИ, 2009.-56 с. (Civil law. Main Part.)

8. Анваров Н. Биржа битимлари. Магистрлик дисс. -Тошкент.: ТДЮИ, 2009. - 73 б. (Anvarov.N «Exchange operations. Master`s degree dissertation.»)

9. Қўлдошев Х. Биржа битимлари ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий томонлари. Т.: ТДЮИ, 2010. 122 б. (Kuldoshev X. «Theoretical and practical aspects of improving the legal framework of exchange transactions»)

10. Скороходов Сергей Викторович. Договор комиссии по законодательству РФ и практика его применения В предпринимательской деятельности [Электронный ресурс]: Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.03 .-М.: РГБ. 2003. application in business»).

11. Егоров А.В. Ответственность комиссионера за неисполнение сделки третьим лицом. // Закон. 2001. №12. (Yegorov A.V. Law. «Liability of the commission agent for non-performance of the transaction by a third party»).

12. Красавчиков О.А., Якушев В.С. Договор комиссии по советскому гражданскому праву. Свердловск. 1957. (Krasavchikov O.V. and Yakushev V.S. «Soviet Civil law: Commission Agreement»).

13. Ландкоф, С.Н. Торговые сделки: теория и практика / С.Н. Ландкоф. – Харьков : Юридическое издательство НКО УССР, 1929. – 272 с. – Режим доступа: по подписке. – URL: https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=236089 (дата обращения: 30.04.2021). – ISBN 978-5-4458-9378-3.

14. Гражданское право. Учебник. Част 2. Под ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. (editors: Sergeev A.P. and Tolstov Yu.K. Textbook: Civil law. Part II).

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

БАБАКУЛОВ Зафар Курбонназарович
Тошкент давлат юридик университети докторанти (DSc),
Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.D)
E-mail: md_15@list.ru

ТОВАР БЕЛГИСИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): БАБАКУЛОВ З.К. ТОВАР БЕЛГИСИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2021), Б.32-39.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-3

АННОТАЦИЯ

Товар белгиларидан ҳуқуқ эгасининг манфаатларига зид равишда фойдаланиш мулкий ва номулкий ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келиб, ҳуқуқбузарга нисбатан тегишли фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юкланади. Мақолада товар белгисидан лицензия шартномасига кўра лицензиарнинг айбли ҳатти-ҳаракатлари ва уларнинг мазмуни фуқаролик қонунчилигига кўра таҳлил қилинади. Товар белгисидан лицензия шартномасида лицензиарнинг айбли ҳатти-ҳаракатлари олимларнинг фикрлари асосида ўрганилади. Судларда ушбу хусусиятдаги низоли ишлар кўрилиши билан боғлиқ назарий ва амалий тавсиялар, шунингдек тегишли қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: товар белгиси, лицензиар, лицензиат, лицензия шартномаси, жавобгарлик, мажбурият, зарар.

БАБАКУЛОВ Зафар Курбонназарович
Докторант (DSc) Ташкентскогогосударственного юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам (Phd)
E-mail: md_15@list.ru

ВОПРОСЫ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ПРИ ИСПОЛЬЗОВАНИИ ТОВАРНОГО ЗНАКА

АННОТАЦИЯ

Использование товарных знаков вопреки интересам правообладателя ведет к нарушению имущественных и неимущественных прав, и подлежит соответствующей гражданско-правовой ответственности. В статье анализируются неправомерные действия лицензиара согласно лицензионному соглашению относительно товарного знака и их содержание в соответствии с гражданским законодательством. Анализируется правовая природа ответственности, возникающая из договорных отношений лицензиара. На основе мнений ученых в этой области рассматривается неправомерное поведение лицензиара согласно лицензионному соглашению на товарный знак. Разработаны теоритические и практические рекомендации связанные с рассмотрением судами споров подобного а также предложения по совершенствованию действующего законодательства.

Ключевые слова: товарный знак, лицензиар, лицензиат, лицензионный договор, ответственность, обязанность, ущерб.

BABAKULOV Zafar
Tashkent State University of Law, DSc candidate,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: md_15@list.ru

ISSUE OF LEGAL LIABILITY ARISING FROM THE USE OF A TRADEMARK

ANNOTATION

The use of trademarks contrary to the interests of right holder leads to a violation of property and non-property rights of the right holder, and therefore, is subject to appropriate civil liability. The following article investigates the wrongful actions of the licensor contrary to the license agreement regarding the trademark and its content in accordance with the provisions of civil law. Additionally, the legal nature of the liability arising from these contractual relations of the licensor will be analyzed. This will be followed by carrying out the study of the misconduct of the licensor from the trademark licensing agreement based on the opinion of reputable scientists in the field. As a result, the courts will develop theoretical and practical recommendations for resolving disputes of this nature, as well as proposals for improving the current legislation.

Keywords: trademark, licensor, licensee, license agreement, liability, responsibility, damage.

Интеллектуал мулк объектлари доираси кенг бўлиб, айни вақтда у янги-янги хусусиятдаги номоддий неъматлар ҳисобига бойиб бормоқда. Шахсийлаштириш воситалари даромад олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Моддий ашё ва унинг ишлаб чиқарувчисини ўзида акс эттирган товар белгиларининг ижтимоий муносабатлари қамроғи кенг бўлиб, унинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш ҳам шунчалик даражада чегарасиздир.

Товар белгилари билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида жавобгарлик мутлақ ҳуқуқ эгасининг ўзига тегишли ҳуқуқлардан эркин фойдаланишга қаратилган учинчи шахслар олдидаги кафолатидир. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик учинчи шахсларнинг товар белгисига нисбатан қонунга зид ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тийилишни таъминлаш ҳамда ҳуқуқни бузган шахсларга нисбатан ўзида моддий ҳуқуқий хусусиятда бўлган таъсир чораларни қўллашни намоён этувчи юридик усуллардан иборат. Мазкур усуллар учинчи шахснинг айбли хатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиққан ҳуқуқий оқибат ва сабабий боғланиш натижасида товар белгиси эгаси яъни мулкдорга етказилган зарар ва уни қоплаш билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуини ташкил қилади.

Товар белгилари муносабатларида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг келиб чиқиш асослари қарздорнинг тегишли шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги; товар белгисидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаганлиги натижасида сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарганлиги; учинчи шахсларнинг мутлақ ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз контрафакт маҳсулотлар ишлаб чиқарган ва уни реализация қилганлиги, товар белгиси билан бир хил ёки ўхшаш бўлган домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланиш ва ҳ.клар оқибатида мулкий зарар етганлиги натижасида пайдо бўлади. Барча келиб чиққанфуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликлар у шартнома ёки шартномадан ташқари ҳолатларда пайдо бўлганлигидан қатъи назар, ўзида хусусий ҳуқуқ ва оммавий-ҳуқуқий тартибга солиниш муносабатларини намоён этади.

Бошқа ҳуқуқий жавобгарлик чораларидан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик мазмунини олим Н.В.Витрук ўрганган ҳолда, «фуқаролик-ҳуқуқий жавогарликнинг асосий мазмуни бузилган ҳуқуқни тиклаш, етказилган зарарни юмшатишдан иборатдир. Мазкур хусусиятдаги жавобгарлик ҳуқуқни тикловчи-тўлдирувчи хусусиятга эга»лигини таъкидлайди [1, Б.229].

Жавобгарлик маълум функциялар орқали амалга оширилади. Ушбу функциялар жавобгарликнинг моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади. Қатор муаллифлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг функциялари сифатида олдини олувчи ва компенсация қилувчи турларини кўрсатишади [2, Б.425]. Айрим адабиётларда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик назорат қилувчи, олдини олувчи,

жазоловчи, тикловчи ва тарбияловчи каби функциялар орқали муносабат тартибга солиб борилади деб таъкидланади [3, Б.793].

Замонавий цивилистикада деликт ҳуқуқий муносабатлар ёки шартнома доирасида етказилган мулкий ва маънавий зарар турларининг хусусияти ва табиати жамият учун хавфлиликнинг ҳолатлари таҳлили натижасига эътибор қаратилади [4, Б. 574-578], [5, Б.329-333]. Бу борада Н.М.Коршунованинг фикрига қўшилган ҳолда,»барча ҳуқуқбузарликлар у ёки бу даражада жамият учун хавфли хусусиятга эга» [6, Б.489].

Товар белгилари билан боғлиқ муносабатларда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартнома ва шартномадан ташқари ҳолатларда пайдо бўлади. Лекин, аксарият ҳолатларда жавобгарлик шартномадан ташқари ҳолатларда товар белгисидан мутлақ ҳуқуқ эгасининг розилигини олмасдан фойдаланган ҳолларда юзага келади. Товар белгиларидан ноқонуний фойдаланганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни белгилашда, зарар етказган шахснинг хатти-ҳаракатлари ўрганилади ва ҳуқуқий баҳо берилади.

Ҳуқуқ эгасига етказилган зарар натижасида келиб чиққан жавобгарлик юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, нафақат хусусий ҳуқуқ, балки оммавий ҳуқуқнинг ҳам бузилишига олиб келувчи қонунга зид бўлган хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни ҳам ўзида намоён этади. Товар белгиси билан боғлиқ жавобгарликнинг оммавий-ҳуқуқий жиҳати истеъмолчи манфаатига, қолаверса давлатнинг хорижий давлатлар олдидаги иқтисодий имиджига қарши қаратилган бўлади. Қонунга зид асослар қарздорнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)га эмас, балки субъектив фуқаролик ҳуқуқи бузилганлигига нисбатан қўлланилади [7, Б.714]. Умумий қоидага кўра, қонун ҳуқуқбузарлик қарздорнинг қайси хатти-ҳаракатлари натижасида содир этилганлигига эмас, балки мажбурият бузилганлигининг асл ҳолати билан қизиқади [7, Б.714]. Ҳуқуқбузарликка мос жавобгарлик давлатнинг қонунлари асосида белгиланади.

Товар белгилари муносабатларида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома доирасидаги мажбурият, қарздорнинг кредитор томонидан талаб қилинган шартнома шартларида кўрсатилган талабларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигин оқибатида келиб чиқади. Келиб чиқадиган мажбурият Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 324-моддаси 1-қисмига мувофиқ қарздор кредиторга етказилган зарарни тўлаши билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 324-моддаси 2-қисмига мувофиқ қарздор томонидан мажбурият бажарилмаслиги оқибатида келиб чиққан жавобгарликни белгилашда суд зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.Қарздорнинг шартнома шартларини бажармаганлиги, қолаверса кредиторнинг шартнома шартларидан ташқари бошқа талабларини бажармаганлиги натижасида келиб чиқадиган зарар учун кредитор олдида мулкий жавобгар бўлади.

О.Оқюлов шартнома шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш асосларини қуйидаги тўртта таркибий қисмдан иборат эканлигини таъкидлайди:

1) шартнома шартларини бузганлик. Яъни шартнома бўйича зиммасига юкланган мажбуриятларга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, бошқача айтганда, ҳуқуққа хилофлилик;
2) шартнома шартларини бузишда айбнинг мавжудлиги;
3) жавобгарлик субъектининг мавжудлиги. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик турида жавобгарлик субъекти асосан ҳуқуқбузар ҳисобланади. Жавобгарлик субъектининг мавжудлиги жавобарликни қўллашнинг мутлақ зарурий қисми ҳисобланади;зарарнинг мавжудлиги. Зарар моддий ва маънавий кўринишларда бўлиши мумкин [8, Б.285-286.].

Бошқа бир адабиётда зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги ҳуқуқбузарликлар таркиби мавжуд бўлиши лозимлиги таъкидланади:зарар етказилганлиги (мавжудлиги); зарар етказувчи шахс ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ҳуқуққа хилофлиги;етказилган зарар билан ҳуқуққа хилоф қилмиш ўртасида сабабий боғланиш; зарар етказувчи шахснинг айби ёки зарар етказувчи шахс хатти-ҳаракатларини назорат қилиш мажбурияти юкланган шахснинг айби [9].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 867-моддаси 1-қисми 2-бандига мувофиқ лицензия шартномасининг муҳим шарти лицензиатнинг лицензия шартномаси асосида ишлаб чиқарилаётган товарнинг лицензиар ишлаб чиқараётган товар маҳсулоти сифати билан бир хил бўлиши лозим. Лицензиатнинг ушбу шартга амал қилиши унинг мажбурияти ҳисобланади. Қонунчиликда белгиланган мазкур шарт лицензиар товар бозорида ўз обрўсини сақлаши ва

даромад топиш манбаасини ҳар қандай хавф-хатардан химоя қилишга қаратилган. Қолаверса, ушбу шартнинг истеъмолчилар манфаати билан боғлиқлиги сабаб давлатнинг ҳам ушбу товар белгисини муҳофаза қилиш мажбурияти ҳисобланади. Истеъмолчи манфаати, аввало оммавий ҳуқуқ доирасида тартибга солинади ва ҳимоя қилинади.

Товар белгиларидан учинчи шахсларнинг лицензия шартномаси асосида фойдаланиши муносабатлари ўзида ҳам ижобий ҳам салбий жиҳатларни намоён этади. Хусусан шундай ижобий жиҳатларига лицензиар ўзи учун янги бозор майдонларини топиши; қўшимча даромад манбааларининг ошишига; ўз рақобатчилари билан тенг рақобатлашиш, ҳаттоки уларни бозордан чиқариб юборишига мажбур қилиш; товар белгиси қимматининг ошишига олиб келади. Лицензия шартномасининг салбий жиҳати лицензиатнинг маҳсулоти ҳар доим ҳам лицензиарнинг маҳсулоти каби сифатда бўлмаслиги ҳисобланади. Биргина ушбу иккинчи ҳолат юқорида таъкидланган ижобий жиҳатларнинг барчасини йўққа чиқаради. Бу эса лицензиарнинг обрўсига путур етишига ва охир-оқибатда унинг товар бозоридан рақобатчи маҳсулотларга бардош бера олмасдан чиқиб кетишига олиб келади.

Лицензия шартномаси асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг пасайши ҳар доим лицензиат томонидан қасддан содир этилади. Шартнома шартларига кўра лицензиатнинг лицензиар товаридан паст сифатда бозорга олиб кириши ва уни сотиши тегишли фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради. Лицензиатнинг шартнома шартларига зид фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни белгилашда ҳуқуқбузарликнинг моҳиятини тушуниш ва тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга. Шуни назардан четда қолдирмаслик керакки, лицензиатнинг лицензиар маҳсулотидан паст сифатда ишлаб чиқаргани ва уни сотиш учун тайёрлаб қўйганлиги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асосиниэмас балки, фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза функциясини қўллашни ўзида намоён этади. Яъни, лицензиар томонидан тайёрланган сифатсиз маҳсулотлар йўқ қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1036-моддаси 4-қисми 2-бандида белгиланган мутлақ лицензия шартномаси асосида юзага келадиган фуқаролик жавобгарлик мазмунига кўра, лицензиат лицензиар олдида субсидиар жавобгар бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1036-моддаси 4-қисми 2-бандида белгиланган оддий номутлақ лицензия шартномасига кўра қўшимча лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг лицензиар маҳсулоти билан солиштирилиши натижасида сифатсизлиги маълум бўлса,қўшимча лицензиат лицензиар олдида лицензиат билан бирга солидар тартибда субсидиар жавобгар бўлади. Яъни, кредитор лицензиардан ҳам, лицензиатдан ҳам ёки уларнинг икковидан ҳам зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин [9].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1107-моддаси 1-қисмига кўра, товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликни тўхтатиши ва товар белгисининг эгасига етказилган зарарни тўлаши шарт. Афсуски, лицензия шартномасида белгиланган мажбуриятни бажармаганлиги учун лицензиарга етказилган зарарни ҳисоблаш ва қоплаш тартиби ва асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланмаган. Шунингдек ушбу масала юзасидан биронбир суд тушунтириши ҳам мавжуд эмас.

Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигидан фарқли ўлароқ, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1515-моддаси 4-қисмида товар белгисига етказилган зарарни компенсация қилишда нисбатан аниқ мазмундаги қоида белгиланган. Товар белгисига етказилган зарар учун компенсация уч асосга кўра, яъни 1) суднинг қарорига кўра беш мингдан беш миллион рублгача бўлган миқдорида; 2) контрафакт товарлар қийматининг икки карра миқдорида; 3) товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи қийматининг икки карраси миқдорида.

Товар белгисига нисбатан етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни белгилашда қарздорнинг айбли хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) баҳоланиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 1-қисмига мувофиқ қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлмаган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади. Мазкур модданинг 2-қисмига кўра, айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади. Лицензиат мажбуриятни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асосларини кўриб чиқишда судлар қарздор (лицензиат ёки қўшимча лицензиат)нинг ҳуқуқи бузилмасидан олдинги лицензиарнинг шартнома шартларини бажаришда айбли хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бор ёки йўқлиги аниқланиши лозим.

Лицензия шартномаси бўйича лицензиат товарининг сифати лицензиар товари сифати билан аниқ мос келиши шарт бўлар экан, бундай ҳолатда лицензиар ҳам кейинчалик лицензиатнинг

ҳам ноқулай вазиятга солиб қўймаслиги, лицензиарнинг атайин лицензиат товарининг сифати тушиб кетиши ва бунинг оқибатида лицензиар жавобгарлиги келиб чиқишидан олдини олишда лицензиарнинг ҳам хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан муҳофаза қилиш зарурияти юзага келади.

Лицензиат билан шартнома муносабатлари амал қилган даврида лицензиар айрим ҳолатларда ўзига тегишли товарнинг сифати ва кўринишини ўзгартиради. Ўз навбатида лицензиар ушбу ўзгаришдан лицензиатни ҳам хабардор қилиб бориши лозим. Лицензиар мазкур шартни бажармаган тақдирда лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати лицензиар маҳсулоти сифати билан аниқ мос келмайди. Натижасида лицензиарнинг ушбу ҳаракатсизлиги учун лицензиат моддий зарар кўришига олиб келади. Маҳсулот сифати ва кўринишининг ўзгаргарганлиги тўғрисида лицензиатни хабардор этиш шартноманинг муҳим шарти ҳисобланади ва бу ўз навбатида лицензиарнинг мажбуриятидир.

Лицензия шартномаси бўйича товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга тақдим этиш ҳуқуқининг ўзига хос яна бир муҳим жиҳати, лицензиат шартнома бўйича нафақат товар белгисидан, балки лицензиарнинг махфий бўлган тижорат сиридан ҳам фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади. Шартномага кўра, лицензиарга тегишлимаҳсулотнинг сифати лицензиатнинг маҳсулоти билан аниқ мос бўлиши маҳсулот таркибидаги турли хил ингредиент ва қўшимчаларни бир ном остида бирлаштирган тижорат сири билан бевосита боғлиқ. Бу эса товар белгиси ва тижорат сирининг бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқлигини англатади.Тижорат сирининг ошкор бўлиши, ўз навбатида, товар белгиси қийматининг ҳам тушиб кетишига олиб келади. Шу сабабли ҳам лицензиар ҳар доими ҳам шартномаси шартларигаамал қилган ҳолда тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни лицензиатга тўлиқ тақдим этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 867-моддаси 1-қисми 5-бандига кўра лицензиат лицензиарнинг ишлаб чиқариш сирларини ва ундан олган бошқа махфий тижорат ахборотларини ошкор қилмаслиги лозим. Лицензия шартномаси бўйича лицензиатнинг ушбу шартга қатъий амал қилиши ва унинг ошкор бўлишидан муҳофазаланишни таъминлаш билан боғлиқ ҳолатлар лицензиарнинг доимий назоратида бўлади. Лицензия шартномаси бекор бўлган ҳолатларда ҳам лицензиат зиммасида тижорат сирини ошкор қилмаслик мажбурияти сақланиб қолади ҳамда уни кейинчалик ошкор қилиш лицензиат (қарздор)нинг лицензиар (кредитор) олдида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Умуман олганда, товар белгисидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари доирасида келиб чиқадиган ўзаро жавобгарлик ҳолатларининг таг замирида тарафларнинг шартнома мажбуриятини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун келиб чиқадиган моддий жавобгарлик ётади. Ушбу фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик зарар кўрган шахснинг мулкий аҳволини қарздорнинг ҳисобидан қоплашни назарда тутади. Шу нуқтаи назардан, қарздорнинг айбли хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни белгилашда кредитор мутлақ ҳуқуқларининг бузилганлиги доирасини аниқ белгилаш талаб этилади. Мазкур чегара, аввало шартномада кўрсатилган ҳар бир мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги нисбатининг олиниши ҳамда умумий ҳолдаги зарар ҳисобланаши билан белгиланади.

Товар белгисидан фойдаланиш билан боғлиқ лицензия шартномасида кўрсатилган мажбуриятни, ўзининг бепарволиги натижасида бажармаслиги оқибатида келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳаракат орқали келиб чиққан жавобгарлик билан бир хил мазмунга эга. Лицензиатнинг ҳаракатсизлиги натижасида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик кўп ҳолларда сублицензия шартномасига асосан келиб чиқади.

Лицензиарнинг лицензиатга оддий номутлақ лицензия шартномаси асосида берилган сублицензия шартномасини тузиш натижасида қўшимча лицензиатнинг ишлаб чиқараётган товари лицензиарнинг товар сифатига аниқ мос келмаслиги ҳамда бундан хабари бўлган лицензиатнинг ушбу ҳолатни олдини олиш учун тегишли чораларни кўрмаганлиги, хусусан бу ҳақида қўшимча лицензиатни огоҳлантирмаганлиги натижасида келиб чиқади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асосларига кўра, зарарни қоплаш фақат моддий кўринишда бўлади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддаси 2-қисмига мувофиқ кредиторнинг зарари деганда, уни мол-мулкининг йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шу билан бирга кредитор ҳуқуқлари бузилмаганда, одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Товар белгисига нисбатан етказилган зарар тўлиқ хажмда, бой берилган фойдани ҳам қўшиб ҳисобга олган ҳолда ундирилади. Умумий қоидага кўра, зарарни тўлаш мажбурияти бевосита зарар етказувчига юкланади. Айни пайтда қонунда етказилган зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказган шахсга эмас, балки унинг хатти-ҳаракатлари учун масъул бўлган ёхуд унинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиши лозим бўлган шахсларга ҳам юкланиши мумкин.

Айб зарар етказувчининг ўз қилмиши ва унинг оқибатларига руҳий психик муносабати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланган жавобгарликнинг умумий асосларига кўра, субъектив муносабат унинг намоён бўлиш шаклларига қараб қасд ва эҳтиётсизликка фарқланади. Қасд деганда, ҳуқуққа хилоф ҳаракат (қилмиш)нинг зарарли оқибатларини олдиндан кўриш, унинг рўй беришини исташ ёки унинг рўй беришига онгли равишда йўл қўйиши тушунилади. Эҳтиётсизлик муайян ҳолатларда зарур ва шарт бўлган диққат-эътибор, эҳтиётсизлик, жонкуярлик, ғамхўрлик, меъёр ва ш.к.лар йўқлигида намоён бўлади [9]. Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома доирасида товар белгиси эгасига етказилган зарар ҳар доим қасддан содир этилиб, улар хусусан лицензиат товарининг сифати лицензиар товарининг сифати билан аниқ мос келмаслиги; лицензиатнинг лицензиар билан бир ҳудудда рақобатлашиши; қўшимча лицензиатнинг сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришига йўл қўйиб берилиши;лицензиат ўз товар маҳсулотини лицензиар товари билан қиёсий реклама қилиши ҳамда лицензиарнинг шартнома бўйича бошқа кўрсатма ва топшириқларини бажармаслигида намоён бўлади. Ушбу ҳолатлар қарздор томонидан ҳар доим қасддан содир этилади ва охир оқибатда мутлақ ҳуқуқ эгасига зарар етиши билан тугайди.

Суд амалиётида товар белгиларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари билан боғлиқ низоларни кўриш ҳолатлари ҳам йилдан йилга ортиқ бормоқда. Хусусан суд статистикаси маълумотларига кўра 2017 йилда интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ жами 85 та иш кўрилган бўлиб, шундан 74 таси товар белгиларигатаалуқлидир. 2018 йилнинг биринчи чорагида кўрилган 17 та ишдан эса 15 таси товар белгилари низолари билан боғлиқ [10]. Товар белгиларидан ноқонуний фойдаланиш ҳоллатлари кўп ҳолатларда товар бозорида маълум ва машҳур товар белгилари билан боғлиқдир.

Тошкент шаҳар иқтисодий суди томонидан 2020 йил 28 февралда №4-10-2011/27-сонли даъвогар «FUTURE ENTERPRISES PTE» Сингапур компанияси жавобгар «TAHIR FORTUNA TRADE» МЧЖга нисбатан товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш ҳолати юзасидан даъво иши кўриб чиқилади [11]. Иш ҳолатларидан маълум бўлишича, «FUTURE ENTERPRISES PTE» Сингапур компанияси «MacCoffee» товар белгиси билан қадоқланадиган «учтаси бирда (3+1)» кофе ичимликларини ишлаб чиқариб келаётганлиги жавобгар «TAHIR FORTUNA TRADE» МЧЖ эса ушбу товар белгиси билан адаштирш даражасида ўхшаш бўлган «MicCoffee» белгиси остида худди шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарганилиги ва уни товар бозорига сотиш учун чиқарганлиги ва сотганлиги маълум бўлади. Натижада суд қарорига асосан «TAHIR FORTUNA TRADE» МЧЖга нисбатан «MicCoffee» белгиси кўрсатилган қадоқларни йўқ қилиш ва ушбу белги остида савдога чиқарилган маҳсулотларни қайтариб олиш ва уларни йўқ қилиш мажбурияти юкланади.

Хорижий давлатлар суд амалиётида миллий брендлар шу даражада кучли ҳимояланганки, ҳаттоки муайян бренд остида бошқалар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг хусусияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, шундай хусусиятдаги низоли ҳолат Германия суди томонидан кўриб чиқилган. Маълумки, «Mc Donald's Corporation» фирмаси (даъвогар) «Mc» ва «Mac» («Mc Donald's» «BIG MAC») товар белгилари остида ишлаб чиқариладиган гамбургер маҳсулотлари билан бутун дунёга машҳур.

Ишнинг мазмунига кўра, «Mc» ва «Mac» товар белгиларининг эгаси Германия давлатида ушбу белгиларни рўйхатдан ўтказган. Шу билан бирга, «Dieter Rahmer» фирмаси (жавобгар) ҳам ўзида «Mac» сўзларини ифодалаган «Mac Dog» «Mac Cat» белгиларидан кучук ва мушуклар учун қоришма озуқаларини ишлаб чиқараётганлиги асосида Германия патент идорасига рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилади.

«Dieter Rahmer» фирмасининг «Mac Dog» «Mac Cat» белгиларининг «Mc Donald's Corporation» фирмасига тегишли ўзида «Mc» ва «Mac» сўзларини ифодалаган товар белгиларига ўхшаш белгилардан фойдаланаётганлиги ҳамда ушбу ҳолат инсофсиз рақобат сифатида намоён бўлиш важи билан Германиянинг Инсофсиз рақобатни чеклаш тўғрисидаги Қонунининг 1-моддасига асосан Мюнхен маҳаллий судига мурожаат қилади.

Даъвогарнинг фикрича, «Dieter Rahmer» фирмаси онгли равишда «Mac» сўзининг кенг истеъмолчилар орасида машҳурлигидан фойдаланиб, унинг йиллар давомида тўпланган обрўсини

тўкиш мақсадида «Mac Dog» ва «Mac Cat» белгиларидан товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиб келган. Даъвогар ўз сўзида давом этиб, ўзида «Mac» сўзини ифодалаган товар белгилари кенг истеъмолчилар оммаси кўзи олдига гамбургер маҳсулотлари келишини, жавобгар эса ушбу сўзлар ифодаланган белгилардан кучук ва мушуклар учун озуқа маҳсулотларини тайёрлаб келганлиги ва уни сотганлигини, бу эса унинг товар бозоридаги обрўсига жиддий путур етказишини алоҳида қайд этиб ўтади. Натижада Германия Федерал Олий суди шикоятни қўллаб-қувватлаб «ушбу белгининг эгаси 1983 йилдан бери ўзида «Mac» сўзи ифодаланган товар белгиларидан фойдаланиб бозорда юксак обрўга эришган. Жавобгар томонидан «Mac» сўзидан фойдаланган ҳолда кучук ва мушуклар учун озуқа маҳсулотларини тайёрланиши ва сотилиши эса ушбу белги остида ишлаб чиқарилаётган гамбургерларни истеъмол қилувчиларнинг иштахасини бўғиши мумкинлигини ҳисобга олиб, инсофсиз рақобат сифатида баҳоланиши лозимлиги тўғрисида қарор чиқаради [12, Б.326-332].

Мутлақ ҳуқуқ эгасига етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни белгилашда етказилган зарарни ҳисоблаш ва уни қарздордан кредитор ҳисобига ундириш билан боғлиқ ягона қоиданинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ушбу ҳолатни О.Оқюлов баҳолаган ҳолда»объектни баҳолаш шунчалик қийин бўлса, у ҳолда объект билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарар, олинмай қолган (бой берилган) фойдани ҳисоблаш қанчалик мураккаб бўлишини тасаввур қилиш мумкин» [8, Б.291].

Судлар товар белгисининг бозор қийматига таяниблицензия шартномаси бўйича келиб чиққан зарарни ҳисоблаш асосларини аниқлаш ва тегишли фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни белгилашда товар белгисини яратиш билан боғлиқ қилинган харажатлар (дизайнерлик иши, маркетинг тадқиқоти, аудитория кузатувлари);ўрганилаётган товар белгиси остидаги маҳсулот сифатини тизимини яратишда сарфланган харажатлар;ўрганилаётган товар белгиси остидаги маҳсулот сифати ва нархидан истеъмолчиларни ҳабардор этишдаги харажатлар; товар белгисини муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилиш учун қилинган харажатлар;зарар ҳажмини аниқлаш, ҳуқуқбузарлик вақти, шунингдек ҳуқуқбузарликни асослашда далилларни тўплаш ва уни судга тақдим этиш учун қилинган харажатлар;товар белгисига нисбатан ҳуқуқ бузилиши натижасида истеъмолчилар ишончини ва бозордаги ишчанлик обрўсини тиклаш учун қилинган харажатлар;бозордан оладиган улушни тиклаш (маркетинг тадқиқотини олиб бориш, реклама) учун қилган харажатлари;товар белгиси остидаги маҳсулот сифатини тиклаш учун қилган харажатлар;товар белгиси савдосини йўлга қўйиш ва уни бошқаришда ходимлар малакасини ошириш учун қилинган харажатлар каби масалалар эътиборга олиниши лозим. Ўз навбатида лицензиатнинг ҳам товар белгисига доир ҳуқуқларини амалга оширишда келиб чиқиши эҳтимолий зарарларни ҳисоблашда товарнинг сифат стандартини сақлашга қилинган харажатлар;товар белгисини ҳудудларда оммалаштириш учун сарфланган харажатлар;товар белгиси билан маркировка қилинган товарларни сотиш ва уни бошқариш учун лицензиат ходимларини ўқитиш учун қилинган харажатлар;зарар ҳажмини аниқлаш, ҳуқуқбузарлик вақти, шунингдек ҳуқуқбузарликни асослашда далилларни тўплаш ва уни судга тақдим учун қилинган харажатлар ўрганиб чиқилади.

О.Оқюловнинг фикрича, «амалдаги молиявий меъёрий ҳужжатларда интеллектуал мулк объектларини пул қиймати мезонлари аниқ мавжуд эмас». Олимнинг фикрича, «бозор – қийматни белгиловчи асосий ҳакамдир. Бироқ интеллектуал мулк бозорида сотувчи – мулкдор ҳам, олувчи харидор ҳам бу масалада ўз субъектив нуқтаи назаридан эмас, балки илмий ва иқтисодий асосланган мезонлардан келиб чиқмоғи лозим [8, Б. 267-268].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддаси 4-қисмига мувофиқ зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш мажбурияти қўлланилиши мумкин. Демак, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни қўллашда ушбу тур бўйича айб мутлоқ зарурий эмас, балки нисбий зарурий қисм бўлиб чиқади.

Товар белгилари муносабатларида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ва уни белгилаш масаласи миллий қонунчиликда ўзининг тўлиқ якунига эга эмас. Шунга мувофиқ, халқаро қонунчилик талаблари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1107-моддасига қуйидагича қўшимча киритиш таклиф қилинди:

«Суд томонидан товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлик натижасида етказилган зарар ҳамда олинган фойда миқдорини аниқлаш имкони бўлмаса, келиб чиққан зарар компенсация қилиш ёки ҳуқуқбузар олган даромадини ҳуқуқ эгасига қайтариш йўли билан қопланади.

Ҳуқуқ эгаси ўз хоҳишига кўра зарар етказувчидан етказилган зарарни қоплаш ўрнига қуйидагиларга мувофиқ компенсация қилишни талаб қилишга ҳақли:

товар белгиси ноқонуний жойлаштирилган товарлар қийматининг икки баробари миқдорида;

ёки товар белгисидан қонуний фойдаланиш учун одатдаги ҳолатлардаги нархлардан келиб чиққан ҳолда товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқининг икки баробари миқдорида». Ушбу қоида товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарликнинг аниқ чорасини белгилаш имконини беради.

Иқтибослар/Сноски/ References:

1. Витрук Н. Общая теория юридической ответственности. – Litres, 2019.. –// https://books.google.co.uz/books.

2. Тархав В.А. Понятие и значение гражданско-правовой ответственности // Гражданско право. Часть 1 / под. ред. З.И.Цыбуленко. –М., 1998. – // https://scholar.google.com/scholar?cluster=5444528835671171069&hl=ru&as_sdt=2005&sciodt=0,5.

3. Хачатуров Р.Л. Липинский Д.А. Общая теория юридическое ответственности: монография. –СПб. Издательство Юридический центр Пресс. –2007. – // https://may.alleng.org/d/jur/jur583.htm.

4. Брагинский М.И. Витрянский В.В. Договорное право: Общие положение. – М., 1997.;

5. Грибанов В.П. Осуществление и защита гражданских прав. – М., 2000. –. https://private-right.ru/wp-content/uploads/Dogovornoe_pravo_T1.pdf.

6. Гражданское право современной России. Очерки теории. / Под. ред. Н.М. Коршунова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2006. – //C:/Users/User/Downloads/ Гражданское_право_современной_России._Очерки_теории 20(1).pdf.

7. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Общие положение. Книга первая. – М., 2007. – С.714. http://library.nlu.edu.ua/poln_text/knigi/dogovor_kn_1.htm.

8. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари / Масъул муҳаррир Ҳ.Раҳмонқулов. – Т.: ТДЮИ, 2004.

9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ: илмий шарҳлар. Т3. ЎзР Адлия вазирлиги. – Тошкент. Baktria press, 2013. – Б.254. https://www.osce.org/uz/uzbekistan/106233.

10. http://www.ima.uz/uz/services/sud-amaliyoti.

11. https://public.sud.uz/#!/sign/economy.

12. Mc Donald’s Corporation and Mc Donald’s Deutchland v Dieter Rahmer IIC. – 1999. – V.30. –. tib.eu/en/search/id/BLSE%3ARN062447990/Germany-MAC-Dog-Protection-of-well-known-marks/.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

РАХМАТОВ Анвар Исломович
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази директори
E-mail: yumominfo@gmail.com

СПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): РАХМАТОВ А.И. СПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2021), Б. 40-47.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-4

АННОТАЦИЯ

Мақолада спорт шартномаларининг энг кўп тарқалган субъектлари, шартномаларнинг тури бўйича спорт ташкилотларининг шартномавий мажбуриятлари, спорт клублари ва уларни «иш берувчи» сифатида намаён бўлиш жиҳатлари юзасидан тушунчалар берилган. Шунингдек, спорт ташкилотлари иш берувчи сифатида намоён бўлса, унда уларнинг профессионал ва ҳаваскор спортчилар олдидаги мажбуриятлари батафсил ўрганилган ва муаллиф томонидан шартномаларга киритилиши лозим бўлган бандлар юзасидан таклифлар берилган. Бундан ташқари, мавзу юзасидан маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий тадқиқот ишларидан иқтибослар келтирилган. Чет давлатлар қонунчилигидаги афзаллик ва камчилик жиҳатлар пухта ўрганилиб, амалиётдаги суд ишларидан намуналар келтирилган.

Калит сўзлар. Спорт ташкилотлари, спорт ташкилотларининг шартномавий мажбуриятлари, меҳнат шартномалари, клуб, профессионал спорт, тиббий ёрдам, иш берувчилар сифатида ишлайдиган спорт клублари.

РАХМАТОВ Анвар Исломович
Директор Центра повышения квалификации юристов
при Министерстве юстиции Республики Узбекистан
E-mail: yumominfo@gmail.com

ДОГОВОРНЫЕ ОБЯЗАТЕЛЬСТВА СПОРТИВНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются договорные обязательства спортивных организаций, наиболее распространенные субъекты спортивных договоров, договорные обязательства спортивных организаций по типам договоров, спортивные клубы и представления их в качестве «работодателя». Также, детально изучены обязательства спортивных организаций, представленых в качестве работодателей перед спортсменами-профессионалами и любителями. Со стороны автора даются предложения, которые должны быть включены в контракты по требуемым пунктам. Кроме того, приводятся примеры работ отечественных и зарубежных ученых по указанной теме. Подробно изучены преимущества и недостатки зарубежного законодательства, приводятся примеры из судебной практики.

Ключевые слова. спортивные организации, договорные обязательства спортивных

организаций, трудовые договоры, клубы, профессиональный спорт, медицинское обслуживание, спортивные клубы, работающие в качестве работодателей.

RAXMATOV Anvar
Director of the Lawyers‘ Training Center under
the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan
E-mail: yumominfo@gmail.com

CONTRACTUAL OBLIGATIONS OF SPORTS ORGANIZATIONS

ANNOTATION

The article provides aspects into the contractual obligations of sports organizations, the most common subjects of sports contracts, the contractual obligations of sports organizations by type of contract, sports clubs and how to represent them as an “employer”. In that regard if sports organizations are represented as employers, then their obligations to professional and amateur athletes are studied in detail and made suggestions by the author concerning the clauses that shall be included in the contracts. In addition, there are quotes provided from research works of local and foreign scientists regarding the subject. The advantages and disadvantages of foreign law are studied in-depth, and examples from case law are given.

Keywords: Sports organizations, contractual obligations of sports organizations, employment contracts, clubs, professional sports, medical care, sports clubs working as employers.

Ҳозирги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси халқаро даражада оптималлашиб, кундан кун сиёсий тус олиб бомоқда. Ўтган асрнинг сўнгги йигирма йиллигида спортнинг ривожланишида давлатнинг ролини мустаҳкамлаш тенденсияси юзага келди. Бунга ўз навбатида:

1) спорт соҳасидаги қонун ҳужжатларини қабул қилиниши;

2) спортни ривожлантириш ва молиялаштиришда ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органларининг иштироки;

3) спортнинг нафақат маданий балки бизнес ривожи;

4) спорт шартномалари субъектларининг кўлами кенгайиши ва бошқалар сабаб бўлмоқда дейишимиз мумкин.

Бугун кўплаб давлатлар спорт ва спорт шартномаларига оид қонун ҳужжатларини қабул қилишмоқда. Аммо, XX асрнинг 80-йилларигача спорт соҳасидаги турли қонун ҳужжатлари ҳар доим ҳам давлатлар томонидан қабул қилинмаган, аксинча спорт ташкилотлари томонидан мустақил ишлаб чиқилиб, амалга оширилган. Ҳақиқатан ҳам, ўша пайтларда спорт муносабатлари спорт ташкилотларнинг ички уставлари, хартиялари, регламентлари ва қоидалари билан тартибга солинган [1]. Бироқ, хозирда спорт соҳасидаги муносабатлар тури шунчалар кўпайдики, янги шартнома турлари ва қонун ҳужжатларини шунчаки, устав ва низомлар билан тартибга солиш мушкул масала.

Спорт шартномаларининг энг кўп тарқалган субъектларидан бири бу спорт ташкилотларидир. Спорт ташкилотларининг шартнома субъекти сифатида ўзига хос ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам мавжуд. Спорт ташкилотлари томонидан тузиладиган энг кенг тарқалган шартномалар қуйидагилар ҳисобланиб, мазкур шартномаларнинг тури бўйича спорт ташкилотларининг шартномавий мажбуриятлари ўзгариб туради:

меҳнат шартномалари (employment contracts);

ўйинчи билан тузиладиган шартномалари (player contracts);

мураббий билан тузиладиган шартномалар (coach contracts)

объектларни ижарага бериш шартномалари (contracts to lease facilities);

ҳомийлик шартномалари (sponsorship contracts);

кредит шартномалари (loan contracts) ва бошқалар.

Спорт ташкилотларининг мажбуриятларига келадиган бўлсак, спорт шартномасининг ажралмас субъекти сифатида улар профессионал спортчилар учун тўғри иш шароитларини таъминловчи «иш берувчи» сифатида ҳам намоён бўлади.

Иш берувчилар сифатида ишлайдиган спорт клублари ўз ходимларининг муносиб иш шароитларини таъминлаши керак, хусусан:

– спортчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва спорт тадбирлари пайтида бахтсиз ҳодисалар хавфини камайтириш;

– профессионал спорт иш берувчиси спортчилар учун минимал зарур соғлиқни сақлашни таъминлаш учун барча чораларни кўриши;

– ўз ходимларининг шахсий ва жамоавий эркинликларини ҳурмат қилиши ва уларга риоя этилишини таъминлаши;

– профессионал спортчига профессионал спортда ўсиши ва ўз фикрларини ифода этиш имкониятини бериш шарт.

Шунингдек, агар спорт клубининг иш берувчи сифатида вазифалари ҳақида янада аниқроқ гапирадиган бўлсак, биринчи навбатда клуб унинг ходимлари бўлган спортчиларни иш билан таъминлаши керак. Касбий спорт соҳасида бундай мажбурият меҳнат унумдорлигини аниқлашда муҳим рол ўйнайди [2].

Аксарият мамлакатлар қонунларида профессионал спорт турларида ходимларнинг шахсий ҳаёти дахилсизлиги назарда тутилган бўлсада, спортчилар ҳам ўз навбатида иш берувчи томонидан белгиланган талабларга жавоб беришлари керак.

Профессионал спорт иш берувчиси спортчиларнинг шахсий ва жамоавий эркинликларини ҳурмат қилишга ва одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлашга мажбурдир. Аксарият, МДҲ таркибидаги давлатлар қонунчилигида спортдаги ҳар қандай камситиш ва зўравонликнинг намоён бўлишига Спорт федерациялари (бирлашмалар, уюшмалар) қарши туриш мажбурияти борлиги назарда тутилган.

«Франциядаги миллий спортнинг жамоавий шартномаси»нинг 12.3.1.3-моддаси – иш берувчилар томонидан меҳнат шартномасини лозим даражада бажарилиши спортчиларга иш берувчиларининг режалари ва дастурларига киритилган мусобақаларда қатнашиш имкониятини беришни назарда тутади.

Аммо, агар бирон бир ходим ёлланган спортчи сифатида ишни бажариш ҳуқуқига эга бўлса, бу спорт клуби томонидан ёлланган спортчи ушбу клубда ўйнаш ҳуқуқини талаб қилиши мумкин дегани эмас. Буни Реймс апелляция судининг Ижтимоий масалалар бўйича палатаси томонидан «Жесс Бичетга қарши «Стад де Реймс» иши бўйича 2005 йил 28 сентябрда қабул қилинган қарорида кўришимиз мумкин, Реймс апелляция суди футболчининг «Стад де Реймс» клубнинг профессионал жамоаси томонидан қатнашиладиган ўйинларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслигини тасдиқлаган [3, Б.87 - 88].

Шу билан бирга, Франция Кассация судининг амалиёти ҳам маълум бўлиб, у спорт клубининг асосий жамоасидан ҳайдалган ва ўзини намаён қилишга имконият берилмаган хоккей ўйинчисига етказилган зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, Франция Кассация судининг Ижтимоий ишлар палатаси томонидан 15.05.2008 йилдаги 06.43343-сонли суд қарорида, иш берувчи спортчига нисбатан амалга оширган хатти-харакати билан ходимнинг спорт мартабасига жиддий зарар етказган деган хулосага келди [3, Б.87 - 88].

Спорт ташкилотининг иш берувчи сифатида қабул қиладиган бўлсак, унинг профессионал спортчига ҳақ тўлаш ва «тармоқлараро» меҳнат шартномасига мувофиқ унинг спорт ва меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мажбурияти ҳам борлигини таъкидлаш жоиз.

Масалан, Қозоғистон Республикасининг 2014 йил 3 июлдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги Қонунининг [4] 30-моддаси 1-қисмига кўра, спорт клуби спорт фаолияти тўғрисидаги шартномага мувофиқ профессионал спортчи, профессионал мураббий ва жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларга ўз вақтида тўловларни амалга ошириш мажбурияти борлиги кўрсатилган бўлса, Белорусия Республикасининг 2014 йил 4 январдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги 125-З-сонли Қонунида [5] спорт ташкилотларининг шартномадаги иш ҳақи билан боғлиқ харажатларга оид мажбуриятлари қуйидагича кўрсатилиши белгиланган:

– иш ҳақини тўлаш (энг кам иш ҳақининг давлат кафолатидан кам бўлмаган);

– мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган тақдирда (ҳар хил даражадаги мусобақаларда кўрсатилган натижаларга қараб, иш ҳақини ошириш миқдорини аниқ кўрсатган ҳолда) иш ҳақини ошириш;

– мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган тақдирда бир марталик мукофот (ҳар хил даражадаги мусобақаларда кўрсатилган натижаларга қараб иш ҳақи миқдорини аниқ кўрсатган ҳолда;

– жамоавий спорт турлари бўйича ютуқли ўйин, урилган гол, голли пас ва бошқалар учун мукофот берилиши мумкин);

– юқори касбий маҳорат учун ойлик иш ҳақига қўшимча, унинг миқдори спортчининг вазифаларини бажаришига қараб ўзгариши мумкин;

– шартнома муддати тугаши билан ишдан бўшатиш тўловини тўлаш;

– даволаниш учун йиллик нафақа тўлаш ва бошқалар.

Бунда бериладиган пул таркибининг ҳажмини аниқлашда шартномада инфляцияни ҳисобга олган ҳолда даврий индексация қилиниши назарда тутилиши мумкин.

Спортчининг меҳнат фаолиятини ҳуқуқий қўллаб-қувватлашни шакллантириш ва ривожлантириш ҳозирги пайтда жамият ва давлат ҳаётида долзарб ва муҳим йўналиш ҳисобланади. Айни пайтда Россияда спортчи ва спорт ташкилоти ўртасидаги шартномавий муносабатларни тартибга солиш соҳасида қонунчилик шаклланмоқда. Спорт (шу жумладан, профессионал) соғлом миллат шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Профессионал спортчи ҳеч нарса ишлаб чиқармайди, ҳеч қандай хизмат кўрсатмайди. Шунга қарамай, бу жамият учун фойдалидир, яъни ёш авлодга ўрнак бўлади, соғлом турмуш тарзига қизиқишни шакллантиради.

Яқин вақтгача қонунчиликда спортчи ва спорт ташкилоти ўртасидаги шартномавий муносабатлар тартибга солинмаган эди. Россия Федерациясининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги янги Қонунни қабул қилиниши, шунингдек, Меҳнат кодексига киритилган ўзгартиришлар (хусусан, «Спортчилар ва мураббийлар ишини тартибга солиш хусусиятлари» янги 54.1-бобни киритиш) муҳим босқич бўлди.

Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 348.12-моддасида таъкидланишича, спортчи билан тузилган меҳнат шартномасида спортчининг ташаббуси билан (ўз илтимосига биноан) меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, спортчининг фойдасига нақд тўловни тўлаш мажбурияти тўғрисидаги шарт назарда тутилиши мумкинлиги белгиланган [6].

Континентал хоккей лигаси хоккейчиларининг шартномасини на меҳнат шартномаси, на фуқаролик, на аралаш шартномаси билан боғлаш мумкин эмас. Шубҳасиз, бундай битим атипик келишув[3] сифатида тан олиниши керак, аммо бундай битим ҳам фуқаролик, ҳам меҳнат қонунчилигининг асосий тамойиллари ва нормаларини, шунингдек унинг тарафларининг субъектив ҳуқуқларини бузмаслиги керак. Бунда, ходимлар билан тузиладиган ярим кунлик, муддатли, вақтинчалик ва мавсумий шартномалар тузиш мумкин бўлади. Масалан, 2010 йилда Еурофоунд тадқиқотлари «атипик» шартномаларни, яъни, ярим кунлик иш (ҳафтасига 10 соатдан кам), қисқа муддатли шартномалар, нол соатлик шартномалар ва ёзма бўлмаган шартномаларни ўрганиб чиққан. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ишнинг атипик шакллари билан шуғулланадиган ишчилар тури мавсумий шартномалар бўйича кам малакали ишчилардан тортиб, қисқа, вазифаларга йўналтирилган шартномалар бўйича юқори малакали мутахассисларга қадар жуда хилма-хил ходимларни ишга жалб қилинишига сабабчи бўлади.

Спортчи ва спорт ташкилоти ўртасидаги шартномани фақат фуқаролик қонуни ёки меҳнат қонуни деб аташ мумкин эмас. У фуқаролик қонунчилиги ва меҳнат шартномасининг хусусиятларига эга, шунингдек фуқаролик шартномаси элементлари бўлган меҳнат шартномаси ёки бу бошқа, мутлақо янги аралаш шаклдаги шартнома ҳисобланади.

Спорт шартномаларида меҳнат муносабатларининг белгилари қуйидагилар ҳисобланади:

1) иш берувчи томонидан тасдиқланган штат жадвалига мувофиқ лавозимга мувофиқ ишлаш;

2) ходимнинг маълум бир меҳнат функсиясини шахсий бажариши. Спортчи учун бу икки элементнинг комбинацияси – мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва қатнашиш;

3) ички меҳнат қоидаларига риоя қилиш;

4) иш берувчининг ходимнинг ишини ташкил этиш, унга нормал меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш мажбурияти;

5) меҳнат учун ойлик иш ҳақи.

Ушбу хусусиятлардан камида биттасининг йўқлиги муносабатларни фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солишга имкон беради.

Профессионал спортчи ва спорт клуби ўртасида меҳнат муносабатлари мавжудлигини тан олиш учун учта асосий шартни бажариш керак:

1 - клуб томонидан спортчига унинг фаолияти учун мукофот тўлаш;

[3] *Атипик келишув (шартнома)* – бу стандарт шартномага мос келмайдиган шартнома ҳисобланиб, одатда буни меҳнат шартномаларида кўришимиз мумкин.

2 - спортчининг клуб томонидан қўйилган талабларни бажариши;

3 - у билан клуб ўртасидаги ўзаро бўйсуниш муносабатлари мавжудлиги.

Профессионал спортчига унинг фаолияти учун клуб томонидан тўланадиган ҳақ, у бажарган ишига муносиб бўлиши ва харажатларни қоплаш маблағидан фарқ қилиши керак. Масалан, спортчининг спорт фаолияти билан боғлиқ транспорт харажатларини қопланиши бу иш ҳақи ҳисобланмайди.

Амалда, баъзи бир спорт турларида меҳнат функсияси мавжуд бўлганда бошқача вазият юзага келади: спортчи клубда машқ қилади, ушбу клуб учун мусобақаларда қатнашади, клуб унга меҳнат шароитларини яратади, аммо спортчи аъзолик бадалларини тўлайди, бу худди меҳнат учун жазодек гап.

Юқорида айтилганлар барча спортчилар меҳнат муносабатларига кирмайди, шунинг учун меҳнат шартномасини тузиш керак деган хулосага келишимизга имкон беради.

Спорт ташкилотининг яна бир мажбуриятларидан бири бу профессионал спортчига спорт маҳоратини ва малакасини ошириш имкониятларини бериш.

Франция касбий ривожланиш одатда иш сифатини ошириш ва ишчиларнинг малакасини оширишга қаратилган. Спорт соҳасида бундай машғулотлар муайян аниқ эҳтиёжларни қондириш учун амалга оширилади. Мисол учун спортнинг серфинг тури бўйича кўплаб малакали инструкторлар кўпинча денгизнинг ўзи тўғрисида жуда кам маълумотга эга эканлиги аниқланди. Тўғри улар денгизчилар эмас, бироқ объектив маълумотларга асосланиб касбий ривожланиш ва билимларни ошириш, иш билан боғлиқ хавфларни олдини олиш ва тўғри баҳолаш учун имкон беради [3, Б.78].

Спорт клублари спорт ҳуқуқининг субъекти сифатида ўқув, рақобатбардош, жисмоний тарбия ва маърифий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бироқ, қонунчиликда уларга жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда давлат ва маҳаллий ҳокимият органларига ёрдам бериш учун бир қатор ваколатлар берилган бўлсада, уларнинг спорт соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқланмаган.

Н.А.Овчинникова Россия Федирациясининг спорт бўйича қонунчилигини таҳлил этган ҳолда фикрилашича, спорт клубларининг ҳуқуқий мақоми «амалдаги қонунчилик, низом, шунингдек спорт мусобақаси ташкилотчиси томонидан тасдиқланган битим билан белгиланади. Профессионал спорт клубининг асосий вазифалари жамоани шакллантириш, ушбу жамоанинг мусобақаларда иштирок этишини таъминлаш ва тайёрлашдан иборатдир. Шу билан бирга, жамоани клуб томонидан ҳар томонлама таъминланиши умумий жараёнда ҳал қилувчи вазифа ҳисобланади» [7].

Профессионал спорт турлари ва унинг субъектларини аниқлашга қизиқарли ёндашув, Беларус Республикасининг 04.01.2014 йилдаги 125-З269-сонли Қонунида [5] келтирилган. Қонуннинг 55-моддасига кўра, профессионал спорт – спортнинг юқори спорт натижаларига эришишга йўналтирилган ва спорт тадбирларини ташкил этишдан ва (ёки) уларда қатнашишдан мукофот (даромад) олиш билан боғлиқ тадбиркорлик, меҳнат ва қонун билан тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ўз ичига олган таркибий қисмидир.

Мазкур қоннунинг 56-моддаси профессионал спорт субъектларига бағишланган бўлиб, профессионал спорт субъектлари таркибига профессионал спорт соҳасида фаолият юритувчи юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар, бирлашмалар), клублар, жисмоний тарбия ва спортнинг бошқа ташкилотлари, профессионал спортчилар, профессионал мураббийлар, профессионал спорт соҳасидаги фаолиятни амалга оширадиган спорт судялари, профессионал спорт соҳасидаги фаолиятни амалга оширадиган бошқа шахслар киради [5].

Бизнингча, профессионал спортчининг меҳнат муносабатларининг муҳим белгилари (биргаликда бошқалар) меҳнат жараёнининг биргаликдаги ёки мавжуд бўлган меҳнат жараёнинг ўзаро таъсир кўрсатиши, бунинг учун доимий мукофотланиш (иш ҳақи) олиш ва меҳнат вазифаларини бажаришда ўзаро мажбуриятларни бажариш муносабатларидир, деб таҳмин қилиш мумкин. Луис Мария Касорла Приетонинг таъбири билан айтганда, профессионал спортчи меҳнат шартномаси бўйича спорт мусобақаларида иштирок этиши ва кўрсатган хизматлари учун спорт ташкилоти (масалан, спорт клуби)дан молиявий имтиёзлар олаётган бир вақтда, ҳаваскор спортчи меҳнат муносабатларига киришмайди ҳам ва бундай фаолият учун ҳеч қандай молиявий компенсация олмайди ҳам [8, Б.64-94]. Ваҳоланки, ҳаваскор ҳам профессионал ҳам спорт муносабатлари субъекти ҳисобланади.

Шу каби номутаносибликлар ўртасидаги фарқларни аниқлаштириш, спорт шартномалари тузишда субъектлар профессионал ёки ҳаваскорга бўлинишлари, бунга қўйиладиган шартларга аниқликлар киритилиш лозим.

Бироқ, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи фуқароларни икки тоифага бўлиш мумкин. Биринчиси, ўз соғлиғини мустаҳкамлаш ва танланган спорт турларида спорт маҳоратини ошириш учун шуғулланадиганлар. Иккинчи гуруҳ – спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва қатнашиш учун шуғулланувчилар, яъни ҳаваскор спортчилар. Биринчи тоифани спорт ҳуқуқи субъектларига киритиш мумкин эмас, чунки уларнинг спорт ташкилоти билан ўзаро муносабатлари фуқароликка оид қонунчиликда назарда тутилган характерга эга бўлиб, жисмоний тарбия ва соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида, уларнинг спорт тадбирларида қатнашиш ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўзда тутилмайди [9]. Спорт мусобақаларига тайёргарлик кўрадиган иккинчи тоифадаги фуқаролар эса спорт муносабатларининг қатнашчилари ҳисобланади. Шунинг учун, ҳаваскор спортчилар сифатида улар ҳам спорт ҳуқуқининг субъекти мақомига эга бўлишга ҳақли.

Аслида спорт ҳуқуқи субъектлари ҳилма-ҳил бўлиб, биринчи навбатда уларнинг ҳар бирини спортга бўлган муносабатининг даражаси аниқланиши лозим, шундагина асосий субъектларни аниқлаган ҳолда уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларни бериш мумкин бўлади. Қолаверса, спорт бу инсоннинг жисмоний ривожланишини яхшилаш, саломатликни мустаҳкамлаш, ижодий узоқ умр кўриш, жисмоний тарбия олишдаги воситадир деган хулосага келишимиз мумкин.

Умуман олганда спорт ташкилотларининг шартномавий мажбуриятлари миллий қонунчилигимизда ёритилмаган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 январдаги «Олий маҳорат спорт мактаблари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 18-сон қарори билан тасдиқланган «Олий маҳорат спорт мактаблари тўғрисида Низом»нинг 13-банд, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010-йил 23-сентабрдаги «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 211-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси давлат буджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари тўғрисида»ги Низомнинг [10] 17-бандида спорт мактабларининг умумий мажбуриятлари келтириб ўтилган бўлиб, улар:

ўқув-машқ ва тарбия жараёнини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш, ходимлар ва ўқувчи-спортчилар томонидан ўз мажбуриятлари, ўқув дастурлари ва топшириқларининг бажарилишини таъминлаш;

спорт турлари бўйича тасдиқланган ўқув дастурлари асосида мактабнинг йиллик ўқув режасини, ўқув жадвалини ва ўқув-машқ жадвалини ишлаб чиқиш;

спорт турлари бўйича дастурлар талабларига ва ўқув режаларига мувофиқ ўқув-машқ ва тарбиявий жараённи амалга ошириш;

ўқув-машқ жараёни ўтказилаётган даврда ўқувчи-спортчилар ва спорт мактаби ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш;

ўқув-машқ ва тарбия жараёнини жорий назорат қилиш, ўқувчи-спортчиларни тест синовидан ўтказиш ва уларнинг назорат нормативлари топширишини таъминлаш;

спорт мактабининг моддий-техника базаси ва мол-мулкининг сақланишини ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлашга мажбурдирлар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган норма маъмурий характерга эга эканлигига қарамасдан спорт ташкилотларининг шартномавий мажбуриятларига киритишга монеълик қиладиган ҳолати йўқ, шу билан бирга спорт ташкилотларининг қайси фаолият турларига ихтисослашганлигига қараб юқоридаги мажбуриятлар кенгайтирилиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги «Давлат таълим муассасалари ҳузурида спорт клубларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 542-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат таълим муассасалари ҳузуридаги спорт клублари тўғрисида»ги Низомнинг [11] 8-бандида спорт клубларининг мажбуриятлари белгиланган бўлиб улар қуйидагича:

қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига риоя этиш;

ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш, шу жумладан, молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ахборот билан клуб аъзоларининг танишиши эркинлигини таъминлаш;

рўйхатдан ўтказувчи орган билан тадбирлар ўтказишни келишиб олиш ва унинг вакилига ўтказилаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

спорт клуби вакилларининг чет мамлакатларга спорт клубининг фаолияти билан боғлиқ ташрифлари уюштирилиши ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни ўз вақтида хабардор қилиш.

Муаммони ҳал қилиш вариантларидан бири бу спорт турлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишдир. Аммо мавжуд муаммоларни тўлиқ ҳал қилиш учун амалдаги қонунчиликка ўзгартириш киритиш керак, унда бундай шартномаларни тузиш тартиби ва асосий шартлари белгиланади. Амалиётда ушбу масалалар қонуннинг қайси соҳаси билан тартибга солиниши борасидаги тортишувлар мавжуд экан, бизнинг спортчиларимиз қонуний томондан ҳимоясиз қолишаверади ва шу сабабли энг самарали натижани кўрсата олмайдилар.

Спорт ташкилотларининг спортчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва спорт тадбирлари пайтида бахтсиз ҳодисалар хавфини камайтириш мажбурияти алоҳида диққатга сазовордир.

Қозоғистон Республикасининг 2014 йил 3 июлдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунининг [17] 30-моддасида профессионал спорт клублари ўзларининг маблағлари ҳисобидан профессионал спортчиларни, профессионал мураббийларни ва жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни мажбурий равишда дастлабки, даврий ва навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиши, шу билан бирга уларнинг иш жойини (лавозимини) ва ушбу тиббий кўриклар давомида ўртача иш ҳақини сақлаб қолишини кафолатлаши назарда тутилган. Бундан ташқари, спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш пайтида ёки тўғридан-тўғри уларда қатнашиш пайтида профессионал спортчи жароҳат олган тақдирда, профессионал спортчига малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши ташкил қилиниши, шунингдек бундай бахтсиз ҳодисани тергов қилиш ва қайд этилишини таъминлаш хам белгиланган. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги профессионал спортчи, профессионал мураббий ва бошқа мутахассисларни меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ҳодисаларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларига ўргатиш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кўрсатмалар, иш жойида стажировка ўтказиш каби мажбуриятлари кўрсатилган.

Спорт ташкилотлари спортчилар учун минимал даражада соғлиқни сақлашни таъминлаш учун зарур бўлган барча чораларни кўриши шарт.

Қонуннинг 18-моддасида спорт футбол клуби таътил кунлари барча тиббий ёрдамнинг давомийлиги, шу жумладан психосоматик хизматлар ва реабилитация фаолиятини таъминлаш каби мажбуриятлари белгиланган бўлса, 8-моддасида футболчиларга ёрдам бериш учун тиббий-ижтимоий хизматни ташкил этиш ва сақлаш, шунингдек, зарур гигиена талабларига риоя қилган ҳолда футбол дарслари ўтказиладиган спорт базаларини ва ўйин майдончаларини ташкил этиш кераклиги белгилаб қўйилган [4].

Бундан ташқари, Бутунроссия спорт федерациялари спорт ташкилотлари билан спортчилар ўртасида тузилган шартномаларда спортчиларнинг тиббий кўриклари (текширувлари) натижалари илова қилинган-қилинмаганлиги ҳолатларини таҳлил қилишини ҳисобга олсак спорт ташкилотларининг спортчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш мажбурияти шартномаларда императив тарзда киритилиши шартноманинг эрк мухторияти масаласига таъсир қилмайди деган хулосага келамиз.

Спорт ташкилотларининг шартномавий мажбуриятларига қуйидагиларни ҳам киритиб ўтишимиз керак:

1) халқаро ва миллий даражада профессионал спорт субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш;

2) спорт захирасини тайёрлашни амалга ошириш;

3) спорт инфратузилмаси ва моддий-техник базасини ривожлантириш;

4) аҳоли ўртасида спортни оммалаштиришни ташкил этиш;

5) профессионал спортнинг фахрийлари ва ногиронларига ёрдам кўрсатиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, спорт ташкилотларининг ўз фаолиятини профессионал ва холисона амалга ошириши, ахлоқий меъёрларга риоя қилиши, профессионал спорт субъектларининг шаъни ва қадр-қимматини сақлаб қолиши, уларнинг имиджини кўтариши;

манфаатлари у вакили бўлган профессионал спорт субъектларининг қонуний манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиши;

спорт турлари бўйича спорт мусобақалари қоидалари, спорт мусобақаларини ўтказиш (ўтказиш қоидалари) тўғрисидаги қоидаларни билиши ва ўз фаолиятларини амалга оширишда уларга риоя этилишини таъминлаши;

спортдаги допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ёрдам бериши;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиши;

шунингдек, спорт шартномаларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бошқа мажбуриятларини амалга ошириши, аслида, Спорт ташкилотларининг нечоғлик аҳамиятли эканлигини кўрсатади ҳамда рейтингини кўтарилишида муносиб ҳизмат қилади. Зеро, биз таъкидлаб ўтган мажбуриятлар бўлмаганида Спорт ташкилотларининг мавжудлигидаги маъно йўқолган бўлар ва спортчилар учун унинг кераги ҳам бўлмасди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. О.А. Шевченко «Гражданско-правовые аспекты договорных обязательств в области спорта» Теория и практика Физической культуры. Научно-теоретический журнал №8 – 2003г. –М.

2. А.А. Беляев. Правосубъектность спортивных организаций. –2011г. – М.

3. Pautot S., Pautot M. Les contrats de travail des sportifs [Трудовые контракты спортсменов]. P. 87 - 88.

4. Қозоғистон Республикасининг 2014 йил 3 июлдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни // URL: https://www.pavlodar.com/zakon/?dok=05638&uro=080030 .

5. Закон Республики Беларусь О физической культуре и спорте от 4 января 2014 г. № 125-З // URL: https://kodeksy-by.com/zakon_rb_o_fizicheskoj_kulture_i_sporte.htm.

6. Россия Федерацияси Меҳнат кодекси. 26.12.2001 г.–М. // URL: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34683/.

7. Овчинникова Н.А., Каткова В.В. Правовое регулирование независимой оценки квалификации работников в сфере физической культуры и спорта / Н.А. Овчинникова, В.В. Каткова // Актуальные проблемы правового регулирования спортивных правоотношений: сб. материалов VII Всероссийской научно-практической конференции с международным участием. Челябинск (Россия) — Минск (Республика Беларусь). 2017.

8. Правовая доктрина регулирования труда в сфере профессионального спорта и пути ее реализации в России. Монография. М., 2015.

9. Малеина М. Н. Природа и содержание договора на оказание физкультурно-оздоровительных услуг.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентабрдаги 211-сон «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори // URL: https://lex.uz/ru/docs/1683015.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги «Давлат таълим муассасалари ҳузурида спорт клубларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 542-сон қарори қарори // URL: https://lex.uz/ru/docs/3824 011.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ХАСАНОВА Фарангис Акрамовна
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
«Халқаро хусусий ҳуқуқ ва фуқаролик-ҳуқуқий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: fxasanova@uwed.uz

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ХАСАНОВА Ф.А. ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2021), Б. 48-52.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-5

АННОТАЦИЯ

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик фуқаролик ҳуқуқида марказий ўрин эгаллайди. Жавобгарликни белгилашдан асосий мақсад мажбурият ижро этилмаганлиги сабабли кредиторда вужудга келадиган салбий оқибатларни бартараф этиш ҳисобланади. Цивилистикада фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси бўйича баҳс-мунозаралар ва турли қарашларнинг мавжудлиги ушбу мавзуни доим долзарб қилади. Ушбу мақолада турли олимлар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасига берилган таърифлар таҳлил қилинган, уларга муаллиф фикрларини билдириб, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка ўз таърифини берган. Шунингдек, мақолада фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтирувчи белгиларнинг ҳар бири қисқача таҳлил қилинган. Мавзуни ёритишда илмий ишлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Германиянинг фуқаролик қонунчилигидан ҳам фойдаланилган.

Калит сўзлар: фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, санкция, зарар, айб, неустойка, сабабий боғлиқлик, мажбуриятни асл ҳолида бажариш

ХАСАНОВА Фарангис Акрамовна
Старший преподаватель кафедры
«Международное частное право и гражданско-правовых дисциплин»
Университета мировой экономики и дипломатии
E-mail: fxasanova@uwed.uz

ПОНЯТИЕ И ПРИЗНАКИ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ ОТВЕСТВЕННОСТИ

АННОТАЦИЯ

Гражданско-правовая ответственность занимает центральное место в гражданском праве. Основной целью применения ответственности является устранение негативных последствий для кредитора в связи с неисполнением обязательства. Существующие споры и различные взгляды на понятие гражданско-правовой ответственности в цивилистики эта проблема всегда актуальна. В статье анализируется различные определения понятий гражданско-правовой ответственности, каторые были даны разными учеными, приводятся авторские взгляды на них и дается собственное определение гражданско-правовой ответственности. В статье, также дается краткий анализ каждого элемента гражданско-правовой ответственности. Помимо научных работ, для освещения

темы использовались нормы гражданского законодательства Узбекистана, Казахстана и Германии.

Ключевые слова: гражданско-правовая ответственность, санкция, вред, вина, неустойка, причинная связь, исполнение обязательств в натуре.

KHASANOVA Farangis
Senior Lecturer of Department of International Private Law and Civil Law disciplines
University of World Economy and Diplomacy
E-mail: fxasanova@uwed.uz

ANNOTATION

Civil liability is central to civil law. The main purpose of the application of liability is to eliminate the negative consequences for the obligee in connection with the failure to fulfill the obligation by the obligor. The existing controversial and different views on the concept of civil liability in civil law make this topic always relevant. The article analyzes the definitions of the concept of civil liability, which were given by various scholars, provides the author's views on them and gives definition of civil liability by author. The article also gives the brief analysis of each element of civil liability. In addition to scientific works, the provisions of civil legislation of the Republic of Uzbekistan, the Republic of Kazakhstan and Germany were used to highlight the topic.

Keywords: civil liability, sanction, harm, guilt, penalty, causation, specific performance

---

Инсонлар жамиятдаги муносабатларини нормалар орқали тартибга солиниши кераклиги қадимдан англаб етганлар. Шу сабабли ҳам қадим даврлардан бошлаб турли ижтимоий нормалар вужудга келган. Уларнинг вужудга келиши ва ўзгариб бориши жамият эҳтиёжларига боғлиқдир. Жамиятнинг ривожланиши билан эса нормалар ҳам такомиллашиб боравергan. Кўпгина олимларнинг фикрича энг дастлабки нормалар одатлар кўринишда бўлган. Ибтидоий жамиятда одатлар деярли барча муносабатларни тартибга солган. Жумладан, турли диний ва бошқа маросимлар инсонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда алоҳида ўрин эгаллаган. Ҳуқуқий нормалар эса қолган нормаларга қараганда кечроқ вужудга келган десак муболаға бўлмайди. Чунки уларнинг вужудга келиши давлатларнинг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқдир. Масалан, қадимги Рим империясининг вужудга келиши бугунги кунда мавжуд бўлиб келаётган хусусий ҳуқуқ нормаларининг вужудга келишига асос бўлган.

Ҳуқуқ нормалари орқали муносабатлар тартибга солинар экан, уларга амал қилинишни таъминлаш «жавобгарлик» деб номланувчи институт орқали амалга оширилади. Бугунги кундаги ҳуқуқ тармоқларининг барчасида жавобгарлик институти мавжуд бўлиб, ушбу институт орқали ҳуқуқ нормаларининг узлуксиз ишлаши таъминланади.

Фуқаролик ҳуқуқида жавобгарлик институти марказий ўрин эгаллайди десак муболаға бўлмайди. Ушбу институт юридик адабиётларда жуда мунозарали ҳисобланади ва шу сабабли фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳақида олимларнинг фиклари турличадир. О.С.Иоффенинг фикрича жавобгарлик бу – ҳуқуқбузарлик учун санкциядир, аммо санкция деганда ҳар доим ҳам жавобгарлик тушинилмайди. О.С.Иоффе жавобгарлик ҳуқуқбузарлик учун шунчаки санкция эмас, балки шахсий ва мулкий характердаги маълум маҳрум бўлишларни келтириб чиқарадиган санкциядир, деб таъкидлайди [1, Б.465]. Шунингдек, унинг фикрича фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик субъектив фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки янги ёки қўшимча фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятини юклаш кўринишидаги ҳуқуқбузар учун салбий оқибат келитириб чиқарувчи ҳуқуқбузарлик учун санкциядир. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, қонун ёки шартномада белгиланган санкция эканлиги бир қанча ўзбек олимлари томонидан ҳам таъкидланган [2, Б.301; 3, Б.400].

Бошқа бир гуруҳ олимлар, жумладан, М.И. Брагинский, Ю.К. Толстой, А.П. Сергеев, И.А. Зенин, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни етарлича тор маънода тушинадилар [4, Б.171]. Юқорида қайд этилган олимларнинг ишларида мажбуриятни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қарздор учун салбий мулкий оқибатларнинг вужудга келишини англатиши белгиланган. Уларнинг фикрича, мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликнинг икки шакли мавжуд: етказилган зарарларни қоплаш ва неустойка тўлаш.

«Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузарнинг шахсига бевосита таъсир қилиб эмас, балки

унинг мулкига нисбатан ундирув қаратиш орқали таъсир этиб, жабирланувчи тарафнинг бузилган мулкий ҳолатини асл ҳолатда тиклаш, агар бунинг иложиси бўлмаса, мулкий зарарни қоплаш орқали мулкий талофатларни бартараф этиш мақсадига эга бўлади» деб ҳисоблайди академик Ҳ.Раҳмонқулов [5, Б.139].

Н.Эгамбердиеванинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг мустақил тури бўлиб, ҳуқуқбузарга нисбатан белгиланадиган санкция сифатида, ҳуқуқбузарнинг қўшимча мулкий ҳаражатни қилишга ҳамда янги мажбуриятни бажаришга мажбур қилади ёхуд мол-мулкдан, мулкий манфаатдан маҳрум бўлишига олиб келади [6, Б.9].

И.Б.Новицкий ва Л.А.Лунцлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка энг содда таърифни берган. Уларнинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бу мажбуриятни бажармаслик оқибатидир.

Юқорида келтирилган барча фикрлардан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарилк юридик жавобгарликнинг мустақил тури ҳисобланишини ва у қарздорга нисбатан белгиланадиган санкция эканлиги хулоса қилишимиз мукин. Аммо, санкиция қандай кўринишда бўлиши кераклиги бўйича эса цивилист олимлар турли фикрдалар. Қарздорни қўшимча мулкий ҳаражатларни ва/ёки янги мажбуриятни бажаришга мажбур қилиш фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг классик шакли ҳисобланади. Кўп олимлар мажбуриятдаги қарздорнинг маълум ҳуқуқларидан маҳрум бўлишини фуқаролик-ҳуқуқий жавобгалик шакли сифати қабул қилмаслигига қармасдан, Е.Б.Казакова ва О.О.Потолоковалар [7] фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қарздорни субъектив ҳуқуқлардан маҳрум қилиш кўринишида ҳам бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Қарздорни жавобгарликка тортишдан асосий мақсад кредиторнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, қарздорнинг маълум ҳуқуқларидан маҳрум этиш орқали бунга эришиб бўлмаслигини кўришимиз мумкин. Шундай экан, қарздорни маълум ҳуқуқлардан маҳрум қилиш фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шакли ҳисобланмайди.

Баъзи олимлар қарздорни ўз мажбуриятини асл ҳолида бажаришга суд қарори орқали мажбурлаш фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг яна бир кўриниши деб ҳисоблайдилар. Фикримизча қарздорни ўз мажбуриятини бажаришга суднинг қарори асосида мажбурлашни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг бир шакли дейиш тўғри бўлмайди. Чунки суд қарори чиқмасдан аввал ҳам қарздор шартнома ёки қонун асосида унда вужудга келган мажбуриятини бажариши шарт бўлган. Бундай вазиятда эса суднинг қарори қарздорда аллақачон мавжуд бўлган унинг бурчини ижро этишга мажбурий чораларни кўриш учун аҳамиятли ҳисобланади. Е.А.Суханов ҳам қарздорни мажбуриятини асл ҳолида бажаришга мажбурлашни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шакли деб ҳисобламайди. Унинг фикрича қарздорни ўз мажбуриятини асл ҳолида бажаришга мажбурлаш, қарздорнинг лозим даражада бўлмаган хатти-ҳаракати унинг учун салбий оқибатлар олиб келмайди [8, Б.587].

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қарздор томонидан мажбуриятнинг ижро этилмаслиги ёки лозим даражада ижро этилмаслиги оқибатида кредиторнинг бузилган ҳуқуқини (ҳуқуқларини) тиклашга қаратилган мулкий характердаги чоралар мажмуаси деб ҳисоблаймиз. Ушбу чоралар зиённи қоплаш, нейустойка тўлаш ва фоизлар тўлаш кўринишида бўлиши мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шаклларига нисбатан континентал Европа мамлакатларининг ҳуқуқи бошқача ёндашади. Масалан, Франция, Германия, Швецария каби давлатларнинг қонунчилиги шартнома бўйича мажбурият бузилганда кредиторга аввало, қарздордан мажбуриятни натура ҳолида бажаришни талаб қилиш ҳуқуқини беради [9, Б.204, 367]. Демак, ушбу давлатларнинг қонунчилигида қарздорнинг жавобгарилиги нафақат унга қўшимча ёки янги мулкий мажбурият юклашда, балки шартнома бўйича мажбуриятини натура ҳолда бажаришда ҳам номоён бўлади.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимида мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарлик бўйича қоидалар континентал ҳуқуқ тизимида белгиланган қоидалардан фарқ қилади. Унга кўра кредитор ўзининг бузилган ҳуқуқларини кўрган зарарини қоплаш орқали тиклаши мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келиши учун тўртта белги, яъни қилмиш, айб, айб ва оқибат ўртасидаги тўғридан-тўғри сабабий боғлиқлик ва зарарнинг бўлиши жуда кўплаб цивилист олимлар томонидан таъкидланади. Ушбу концепциянинг асосчилари М.М.Агарков, Г.К.Матвеев, О.С.Иоффе, К.К.Яичков, О.А.Красавчиков, Н.С.Малеинлар ҳисобланади. В.В.Витрянский [10, Б.702, 705] М.Сулейменовлар [11] юқоридаги концепцияга қўшилмайдилар ва уларнинг фикрича бу жиноят ҳуқуқидан олинган.

В.В.Витрянский ва М.И.Брагинскийнинг фикрича фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг

ягона ва умумий асоси субъектив фуқаролик ҳуқуқининг бузилишидир. Албатта, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келиши учун юқоридаги тўртта шартларнинг ҳаммасининг бўлиши талаб этиладиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, зарарни қоплашда. Аммо, кўп ҳолларда тўрт унсурнинг барчаси бирданига қўлланилмайди. Масалан, неустойкани ундириш учун зарар ва сабабий боғлиқликни исботлаш талаб этилмайди, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан вужудга келадиган жавобгарликда айб аҳамиятсиз ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, В.В.Витрянский ва М.И.Брагинскийларнинг фикри ўринли деб ҳисоблаймиз.

Қилмиш ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишида бўлиши мумкин. Қилмиш фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг вужудга келиши учун асосий белги ҳисобланади. Чунки, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, яъни юридик факт бўлмас экан, бошқа белгилар ҳам вужудга келмайди. Аммо, шу билан бирга фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг вужудга келиши учун қарздонинг биргини қилмишнинг ўзи кифоя эмас. Шу ўринда ҳуқуққа хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) деганда фақатгина амалдаги нормаларга зид бўлган ҳаракатни тушуниш керак эмас. Чунки шартнома тарафининг шартнома шартларига мос бўлмаган ҳаракати ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтиради. Шунингдек, фуқаролик қонунчилигининг катта қисмини диспозитив нормалар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, тарафлар шартнома шартларини ўзларининг мақсад ва хоҳишларидан келиб чиқиб белгилашлари мумкин. Бундай ҳолатда қарздорнинг ҳаракати амалдаги фуқаролик қонунчилиги нормаларига зид бўлмасада, аммо шартнома шартларига зид бўлса жавобгарлик вужудга келиши учун асос бўлади. Шу ўринда Н.Д.Егоров «ҳуқуқа хилоф» тушунчасига билдирган қуйидаги фикрини асосли деб ўйлаймиз: «Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ мажбуриятларнинг ижросига нисбатан қўйиладиган талаблар нафақат қонунда, бошқа норматив ҳужжатларда, иш одатларида ёки одатда қўйиладиган талабларда, балки мажбуриятни вужудга келтирувчи асосларнинг ўзида ҳам белгиланган бўлади. Агар мажбурият шартномадан вужудга келса бундай ҳолда қарздорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати шартнома шартларини бузишда намоёно бўлади» [12, Б.491]. И.Б.Зокиров, Р.Д.Рузиев ва В.Р.Топилдиевлар ҳам қарздорнинг шартномадан ёки бошқа бир томонлама битимда белгиланган мажбуриятини бажармаслиги бошқа шахсга ғайриқонуний равишда зарар етказса, бундай ҳоллар ҳуқуққа ҳилоф ҳисобланишини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрига қисман қўшилган ҳолда, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартнома ва бир томонлама битимлардан вужудга келиши мумкинлигини, аммо бунинг учун доим ҳам зарарнинг мавжудлиги талаб этилмаслигини айтиб ўтиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фуқаролик ҳуқуқида зарар етказишдан вужудга келадиган жавобгарлик шартнома шартларини бузганлик учун вужудга келадиган жавобгарликдан фарқ қилади. Биринчи ҳолатда етказилган зарар ундирилиши бўйича қуйилган талаб қаноатлантирилиши учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтирувчи барча шартлар бўлиши керак. Шартномавий муносабатлардан мавжуд жавобгарликда эса кредитор нафақат етказилган зарарни, балки неустойка ва ўзганинг пул маблағларидан фойдаланилганлиги учун фоизларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Охирги икки ҳолатда эса зарарнинг вужудга келганлигини исбот қилиши талаб этилмайди.

Худди шундай ҳолат тўғридан-тўғри сабабий боғликнинг мавжудлигини исботлашда ҳам мавжуддир. Яъни, агар кредитор етказилган зарарни талаб қилаётган бўлса зарар ҳуқуққа хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) сабабли вужудга келганини исботлаши керак бўлади. Агар, кредитор неустойкани талаб қилаётган бўлса, бундай ҳолатда сабабий боғлиқликнинг мавжудлиги аҳамиятсиз ҳисобланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг шартларидан яна бири айбнинг мавжудлиги ҳисобланади. Қарздор мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айби бўлган тақдирда жавобгар бўлиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 1-қисмида белгиланган. Аммо, қарздор мажбуриятини лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади. Ҳудди шундай норма Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 359-моддаси 1-бандида белгиланган. Қозоғистон Фуқаролик кодекси жиноят ҳуқуқидан олинган ва фақатгина (исключительно) психологик мезонларга (қасд ва эҳтиётсизлик) қаратилган асосланган (ориентированний) айб тушунчасидан воз кечиб, унга қарздор хатти-ҳаракатининг объектив категориясини киритди [13]. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 333-моддаси 1-қисмига мувофиқ ҳам қарздорни жавбогар деб топиш учун у ўз мажбуриятини қасддан ёки эҳтиётсизлиги сабабли бажармаганлиги эмас, балки у ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни кўрганлигини аниқлаш керак ҳисобланади.

Бу умумий қоида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг махсус нормаларида қарздорнинг қасди ёки эҳтиётсизли (баъзан эса қўпол эҳтитсизлиги) уни жавобгарликка тортишда аҳамиятли эканлиги белгилаб қўйилган.

Германия фуқаролик қонунчилиги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг зарурий шартларидан бири айбнинг мавжудлиги ҳисобланади. Германия Фуқаролик тузугида «айб» тушунчаси ишлатилмайди, унинг ўрнига «қасд» ва «эҳтиётсизлик» тушунчалари қўлланилади. Германия ФКнинг 276-моддасида «Агар бошқа ҳолат белгилаб қўйилган бўлмаса, қарздор қасд ва эҳтиётсизлиги учун жавобгар бўлади. Иш муомиласи бўйича қарздордан талаб қилинадиган ғамхўрлик даражасига риоя қилмаслик эҳтиётсизлик ҳисобланади» деб белгилаб қўйилган [14].

Демак, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг вужудга келиш асоси қилмиш, яъни ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бўлса, шартлари эса мажбуриятнинг тури ва тарафларнинг ким эканлигига қараб турлича бўлиши мумкин. Шунингдек, шартномавий муносабатларда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келиши учун ҳар доим ҳам айбнинг бўлиши талаб этилмайди. Ҳатто, шартнома шартларида ҳам мажбуриятини бажармаган тараф учун орттирилган жавобгарлик юклатилган бўлиши мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Иоффе О.С. Избранные труды по гражданскому праву. – М.: Статут, 2000. — 782 с.

2. Zokirov I.B. Fuqarolik huquqi: Universitetlarning yuridik fakultetlari, yuridik institute va huquq asoslari o'qitiladigan oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik. I qism. / Mas'ul muharrir: H.Rahmonqulov. – 4-nashr. Qayta ishlangan va to'ldirilgan. – T.: TDYI nashriyoti, 2006. -301-bet

3. Fuqarolik huquqi: [O'quv qo'llanma]. Umumiy qism / R.Dj.Ruziyev, V.R.Topildiyev; mas'ul muharrir B.B.Samarxo'jayev. – T.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011. – 400-bet.

4. Е.М. Михайленко. Гражданское право: общая часть. Конспект лекций. – М.: Юрайт, 2009. – 174 с.

5. Раҳмонқулов Ҳожи-Акбар. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). /Ҳуқуқшунослик ихтисослиги бўйича олий ўқув юртлари «Хусусий ҳуқуқ» йўналиши магистратура талабалари учун. – Т.: ТДЮИ, 2005 й.

6. Н.Ҳ.Эгамбердиева. «Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари». Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2006 й.

7. Казакова Евгения Борисовна, Потолокова Оксана Олеговна Гражданско-правовая ответственность // Наука. Общество. Государство. 2018. №2 (22). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/grazhdansko-pravovaya-otvetstvennost (дата обращения: 01.05.2021).

8. Гражданское право/ под. ред. Е.А.Суханова: в 4 т. 3-изд. М., 2004. Т. 587 с.

9. SchulzeReiner, ZollFryderyk (ed.): The law of obligations in Europe. – Munchen: SellierEuropeanlaw, 2013, pages 204, 367.

10. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая. Общие положения: Изд. 2-е. М.: Статут, 2003.

11. М.Сулейменов. Институт ответственности в литературе и законодательстве. // URL: https://www.zakon.kz/203608-otvetstvennost-v-grazhdanskom-prave.html.

12. Гражданское право. Том1./ Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. М., 2002. С. 491.

13. Комментарий к Гражданскому кодексу Республики Казахстан (Общая часть). Отв. ред.: Сулейманов М.К., Басин Ю.Г. // URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1019750#pos=4087;-56.

14. German Civil Code BGB. // URL: https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_bgb/englisch_bgb.html#p0832.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

МИРСОАТОВ Хабибулла Қудратуллаевич
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси
E-mail: habibullo2020@gmail.com

МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): МИРСОАТОВ Х.Қ. МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2021), Б. 53-58.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-6

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф томонидан меҳнат ҳуқуқини тартибга солиш борасида амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотларни ҳаётимизга жорий қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан меҳнат соҳасида прокурор томонидан меҳнат соҳасидаги назоратининг стататистик маълумот ва халқаро тажрибани таҳлили асосида Ўзбекистонда ушбу соҳада қонунчилик ва амалиётни такомиллаштиришга қаратилган фикрлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: меҳнат ҳуқуқи, прокуратура органлари, адолатли меҳнат шароитлари, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, ишга қабул қилиш ёши.

МИРСОАТОВ Хабибулла Кудратуллаевич
Самостоятельный соискатель Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: habibullo2020@gmail.com

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИНСТИТУТА ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА В ЗАЩИТЕ ТРУДОВЫХ ПРАВ

АННОТАЦИЯ

В статье автором анализируются организационно-правовые основы реализации правовых реформ в области трудового права. Автором выдвигаются мнения, направленные на совершенствование законодательства и практики в указанной сфере на основе статистических данных и анализа международного опыта прокурорского надзора в области труда.

Ключевые слова: трудовое право, органы прокуратуры, справедливые условия труда, возраст приема на работу.

MIRSOATOV Khabibulla
Tashkent State University of Law, independent researcher
E-mail: habibullo2020@gmail.com

ISSUES OF IMPROVING THE INSTITUTE OF PROSECUTOR'S CONTROL IN THE PROTECTION OF LABOR RIGHTS

ANNOTATION

This article analyzes the organizational and legal framework for the implementation of legal reforms in the field of labor law. The author puts forward ideas aimed at improving the legislation and practice in this area in Uzbekistan on the basis of statistical data and analysis of international experience of labor control by the prosecutor in the field of labor.

Keywords: labor law, prosecutors, fair working conditions, International Labor Organization, age of employment.

Дунёда инсон ҳуқуқлари, унинг ажралмас таркибий қисми саналган адолатли меҳнатга бўлган ҳуқуқни таъминлаш, ушбу жараёнларда давлатлар зиммасига алоҳида масъулият юклаш масалалари тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Айниқса ушбу жараёнлар, гендер тенглиги таъминлаш, ёшларни меҳнатга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, болалар меҳнатига йўл қўймаслик масалаларида яққол намоён бўлади. Хусусан, БМТнинг 2016 йил 21 декабрдаги Халқаро миграция ва тараққиёт номли 71/237-сонли резолюциясида «Меҳнат соҳасидаги давлатларнинг саъй- ҳаракатлари етарли эмаслиги, ушбу соҳа миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда шахс, жамият ва давлат ҳаётининг энг долзарб муаммоларидан бири эканлиги қайд этилган» [1], [2]. Шу муносабат билан халқаро ҳамжамият томонидан барча давлатларда меҳнат соҳасида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказиш давр талаб эканлиги таъкидланмоқда.

Жаҳонда меҳнат муносабатларини конституциявий ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жавобгарлигини ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос йўналишларини аниқлаш асосида мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича миллий қонунчиликни кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, меҳнат соҳасида вояга етмаганлар ҳуқуқларини кафолатлаш, аёллар ва ногиронларнинг меҳнат ҳуқуқларини миллий даражада таъминловчи институтларнинг институционал асосларини такомиллаштириш, ушбу соҳага «ақлли тартибга солиш» моделларини жорий қилиш ва меҳнат низоларини ҳуқуқий тартибга солишнинг самаралироқ механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашнинг у ёки бу жиҳатлари айрим ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари ва ўқув адабиётларида ёритилган. Хусусан, меҳнат ҳуқуқи ва уни таъминлаш масалаларини илмий тадқиқотларида А.А.Иноятов, М.А.Усманова, М.Ю.Гасанов, Ю.Турсунов, Г.Д.Саттарова, Ш.А.Исмоилов, З.С.Расулов, М.А.Раҳимов, Б.Мусаевлар р [3], [4], [5], [6] ёритишган. Чет эл олимларидан N.F.Abdulatif (Австралия), M.Alhmoudi (БАА), L.M.Hernandez (Буюк Британия), N.Le Feuvre (Швейцария), J.Fudge (Канада), J.Conaghan (Буюк Британия), D.Carrion (Канада), G.James (Буюк Британия) асарларида меҳнат ҳуқуқини таъминлаш ва унинг конституциявий ҳуқуқий принцип сифатидаги аҳамиятининг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этишган. МДҲ мамлакатлари олимларидан Н.Л.Лютов, Е.С.Герасимова, Е.В.Красноярова, И.А.Автушко, Н.П.Слугина, Т.М.Москвичеванинг ишларида ушбу соҳадаги масалалар очиб берилган.

Мамлакатимизда меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга оид конституциявий ҳуқуқларни таъминлашда прокуратура органларининг ролини ходимлар манфаатларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уни халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб, мазкур соҳа муайян даражада ривожлантирилди, хусусан, меҳнат муносабатлари ва бандликнинг давлат сиёсатидаги роли ҳамда аҳамиятини ошириш, ушбу соҳада маъмурий ислоҳотларни ўтказиш орқали давлат бошқарувини такомиллаштириш, меҳнат соҳасида халқаро конвенцияларни ратификация қилиш, ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Меҳнат соҳасида низоларни олдини олиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, ушбу соҳада қонун устуворлигига эришиш, меҳнат шароитларини яхшилаш кўп жиҳатдан бу борадаги

қонунчиликни такомиллаштиришга боғлиқ. Ўзбекистонда ушбу муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, миллий қонунчилик ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) тегишли конвенциялари ва тавсияларига асосланади.

Рақамларга эътибор қаратиладиган бўлса, юртимизда сўнгги йилларда меҳнат бозорида бир қатор жиддий ўзгаришлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Хусусан, иш билан банд бўлганлар сони 1,5 баробарга (8,8 млн.дан 13,5 млн.гача), иш берувчилар сони 4,5 баробарга (203,2 мингдан 928,9 минггача) ошди. Бу эса иш берувчи ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари фаол ривожланиш талабларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириб боришни талаб этади [7].

Шу мақсада, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Ушбу кодекс лойиҳасида меҳнат соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш масалаларига алоҳида урғу берилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан белгилаб берилганидек, «Янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш» [8] ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида белгиланганидек, «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир».

Ушбу конституциявий ҳуқуқий норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациянинг 23-моддасида таъкидланган: «Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни ўз эрки билан танлаб олиш, меҳнатнинг адолатли ва қулай шароитлари бўлиши ва ишсизликдан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир», деган умум эътироф этилган нормага тўла мос келади.

Миллий қонунчилик ҳужжатларида халкаро умумэътироф этилган мазкур норма бир қатор қонун ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги (2019), «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги (2020), «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги (2018) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сон Қарорида ҳам ўз ифодасини топган [9].

Меҳнат соҳасида қонунчиликни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида прокуратура органларининг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 9-моддасига кўра, прокуратура органларига меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш ваколати юклатилган. «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг (янги таҳрири) 25-моддасига асосан, прокурор фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида ҳуқуқ бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятларни кўриб чиқади ва текширади.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида прокурорлар прокурорлик текширувини ўтказилади, мурожаатларини кўриб чиқади, судларга даъво аризалари киритади.

Статистик маълумотларга кўра, прокуратура органлари томонидан меҳнат қонунчилиги соҳасида 2018 йилда 2079 та, 2019 йилда 11265 та қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган. Прокуратура органлари томонидан 2019 йилда механатга доир қонунлар юзасидан 29889 та мурожаатлар кўриб чиқилиб, шундан 10629 таси қаноатлантирилган, 10896 нафар шахснинг бузилган хукуклари тикланган. 2018 йилда 3589 нафар фуқароларнинг кечиктирилган 4,1 млрд, сўм иш ҳақлари ундириб берилган. Рақамлар таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, прокуратура органлари меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади [10].

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан олиб борилган прокурор назорати тадбирлари натижасида аниқланишича, бугунги кунда хусусий корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорлар, иш берувчи-жисмоний шахслар томонидан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик ҳолатлари кенг тарқалган.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган тадбирлар ва таҳлиллар жараёнида қуйидаги меҳнат соҳасидаги қонунбузилишлар кўп кузатилишини қайд этиш зарур:

Биринчи, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ёки олий таълим муассасаларини битириб биринчи маротаба ишга кираётган ёшларни ишга қабул қилмаслик ёхуд уларга ушбу вазифаларни бажарганлик учун бошқа шахсларга тўланаётган ойлик кам миқдорда ойлик тўлаш ҳолатлари. Бундан ташқари, иш берувчилар томонидан ҳомиладор аёллар, ёш болалик аёлларни ишга олишда пайсалликларга солиш, уларни мавжуд иш ўринлари бўлсада бўш иш ўринлари йўқ деб қайтариш ҳолатларини учраши;

Иккинчи, ишдан бўшатишда касаба уюшмаларининг мажбурий розилигини олишга оид қонунчилик талабларига риоя қилмаслик, жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёзлар, жумладан қўшимча дам олиш, овқатланиш харажатларини қоплаш, дам олиш кунлари ёки байрам кунлари ишга ноқонуний жалб қилиш ёки уларга қонунда белгиланган қўшимча пулларни тўламаслик;

Учинчи, меҳнат учун ҳар йили бериладиган таътиллар графигига риоя қилмаслик, таътилдан асосий равишда чақириб олиш ёки ушбу даврда ишлатиш, дам олиш вақтига риоя қилмаслик, ҳафталик қонунчилик билан белгиланган умумий иш вақти режимини бузиш, ходимни ишдан бўшатиш тартибини бузиш, турли баҳоналар билан меҳнат дафтарчасини ходимга тақдим этмаслик, ҳужжатларни бериш учун қўшимча ишлаб беришни талаб қилиш, яқин қариндошлари ёки оила аъзолари вафот этганда ходимларга қўшимча рағбатлантириш чораларини қўллашда қонунчилик билан белгиланган талабларга риоя қилмаслик, ноқонуний равишда бир неча касб ва ишларда ишлатиш ва бошқалар.

МДҲ мамлакатларидаги прокуратуралар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширади. Масалан, Россия Федерацияси Меҳнат кодексига асосан, прокурор ходимнинг манфаатларини ҳимоя қилиб судга ариза билан мурожаат қилиш, меҳнат қонунчилиги ижроси юзасидан режадан ташқари текширувлар ўтказиш, мурожаатларни ўрганиб чиқишга ваколатлидир.

Бошқа хорижий мамлакатларда прокуратура органлари меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида асосий ваколатли орган саналмайди. Масалан, АҚШ Атторнейлик хизмати, яъни прокуратураси (United States Attorney) қонунчиликка кўра (28 U.S. Code §547) давлатга қарши жиноятларни таъқиб қилади, жиноят ишлари, фуқаролик даъволарида Ҳукумат манфаатларини ҳимоя қилади. Англия ва Уэльсда Қироллик прокуратураси хизмати қонунга мувофиқ (Prosecution of Offences Act 1985) полиция ва бошқа тергов органлари томонидан қўзғатилган жиноят ишларни тергов қилади, жиддий ёки мураккаб ҳолатлар юзасидан айбловларни аниқлайди, жиноят ишларини тайёрлайди ва судга тақдим этади, жабрланувчилар ва гувоҳларга кўмак кўрсатади.

Ушбу халқаро тажриба шуни кўрсатадики, прокуратура органларига меҳнат соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга масъул орган сифатида деярли барча ривожланган давлатларда тегишли ваколатлар берилган.

Прокурор назорати доирасида аниқланган ҳолатларни умумлаштирган ҳолда ва прокуратура органларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига ахборот технологияларини кенгроқ жалб қилиш таклиф қилинади. Бунда, прокуротура органлари томонидан меҳнат соҳасидаги электрон платформаларда ходимлар орасида қонунчилик талабларига риоя қилиниш ҳолатлари бўйича сўровномалар ўтказиш, уларни мурожаатларини бир вақтни ўзида меҳнат органлари ва прокуратура органларига келиш бўйича электрон тизимни яратиш таклиф қилинади. Бунда асосий эътиборни, меҳнат ва бандлик соҳасидаги давлат бошқарув органлари, иш берувчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини меҳнат соҳасида қонун бузилишларини олдини олишга қаратилган электрон ҳамкорлигини таъминлашга қаратиш мақсадга мувофиқ саналади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган

меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида» 2017 йил 4 октябрдаги СҚ-231-III-сон қарори билан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан бирон-бир шаклда фойдаланишнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик бўйича ушбу йўналишда комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган парламент назорати институти жорий этилди.

Маълумот учун ХМТ маълумотларига кўра 2020 йилги пахта-йиғим терими даврида мажбурий меҳнатга йўл қўйганлиги учун 42 нафар мансабдор шахс, шу жумладан, ташкилот раҳбарлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари МЖтКнинг 51-моддасига асосан жавобгарликка тортилган ва 6 та ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар судларга киритилган [11], [12]. ХМТ томонидан билдирилган таклифлар асосида мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун жавобгарлик чоралари миллий қонунчиликда кучайтирилганлигини қайд этиш зарур.

Ушбу соҳада ислоҳотларни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва унинг ҳудудий бўлинмалари зиммасига жамоа шартномаси ва меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, хусусан, мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олиш борасида ташкилотлардаги касаба уюшмалари бошланғич бўғинларининг жавобгарлик чораларини кучайтириш ва мажбурий меҳнат ҳолатлари аниқланган тақдирда улар тўғрисида прокуратура органларига зудлик билан маълум қилиш бўйича масъулиятни қонунчиликда юклаш таклиф қилинади.

3. Иш ўринлари бўла туриб ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш, иш ўринларин яшириш, муддатли меҳнат шартномасини тузишнинг чекланишига доир талабларни бузиш ва бошқа қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорликни таъминлаш таклиф этилади.

4. Мажбурий меҳнат ва одам савдоси билан боғлиқ ҳолатларни олдини олиш унга бутунлай барҳам бериш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини Прокуратура органлари деб номланган 255^1-модда билан тўлдириш таклиф этилади.

Бунда Прокуратура органлари ходимларига МЖтКнинг 50^1 (Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш), 51 (Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш) тўғрисидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш ваколати берилади. Мазкур функция Давлат меҳнат инспекцияси ваколатидан чиқарилади. Таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Зўраки ва мажбурий меҳнат тўғрисида»ги 1930 йилги 29-сонли ҳамда «Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида»ги 105-сонли Конвенциялар талаблари ижро этилади.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” (янги таҳрири) қонунинг Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви деб номланган 28-моддаси иккинчи қисми олтинчи абзацига “меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақида судга даъво ариза киритиш” деган жумлани киритиш таклиф қилинади. Бундан ташқари, мазкур моддага меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари томонидан амалга оширилган назорат тадбирлари ва унда аниқланган қонун бузилишлар ҳақида корхоналар жойлашган туман прокуратура органларига ахборот киритиш мажбуриятини юклаш зарур.

6. Прокурор назорати доирасида аниқланган ҳолатларни умумлаштирган ҳолда, Меҳнат кодексининг 269-моддасидан назарда тутилган меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида низоларни фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриш жараёнида прокурор иштирокини таъминлаш тартибини жорий этиш ва буни Бош прокурор буйруғи билан мустаҳкамлаш лозим.

Юқоридагилар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашда давлат органлари, айниқса прокуратура органларининг ролини ошириш долзарб вазифалардан бири саналади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. www.un.org
2. www.ilo.org
3. Мусаев Б. Правовые механизмы привлечения на работу иностранных граждан в Узбекистане // Review of law sciences. 2018. №3. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-mehanizmy-privlecheniya-na-rabotu-inostrannyh-grazhdan-v-uzbekistane (дата обращения: 03.04.2021).
4. МУСАЕВ, Б., 2021. Меҳнат миграцияси ва бандлик соҳасида хусусий Бандлик агентликлари фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиш бўйича Европа Иттифоқи тажрибаси. *Юрист ахборотномаси*, *2*(1), pp.119-131.
5. Bekzod, M., 2015, October. Experience of Uzbekistan in terms of legal regulation of foreign citizens' labor activities. In *The Eighth, International, Scientific Conference on Private and Public Law* (p. 64).
6. Мусаев Б. Международное частно-правовое регулирование трудовых отношений в узбекистане: унификация права и состояние коллизионного законодательства // Review of law sciences. 2020. №Спецвыпуск. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnoe-chastno-pravovoe-regulirovanie-trudovyh-otnosheniy-v-uzbekistane-unifikatsiya-prava-i-sostoyanie-kollizionnogo (дата обращения: 03.04.2021).
6. Қонунчилик палатасида янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси устида иш бошланди. 04.09.2020. // URL: https://parliament.gov.uz/uz/events/committee/31894/?sphrase_id=7314403.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
8. URL: https://mehnat.uz/uz/pages/uzbekiston-respublikasi-prezidentining-farmon-va-qarorlari
9. URL: www.stat.gov.uz.
10. Ўзбекистонда 2020 йил пахта мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат ҳолатлари юзасидан Халқаро меҳнат ташкилоти, халқаро экспертлар, дипломатик корпус аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва тавсиялар. 30.01.2021 // URL: https://mehnat.uz/uz/news/uzbekistonda-2020-yil-pahta-mavsumida-bolalar-mehnati-va-mazhburiy-mehnat-holatlari-yuzasidan-halqaro-mehnat-tashkiloti-halqaro-ekspertlar-diplomatik-korpus-azolari-tomonidan-bildirilgan-fikr-mulohaza-va-tavsiyalar
11. Third-party monitoring of child labour and forced labour during the 2020 cotton harvest in Uzbekistan // International Labour Organization, Fundamental Principles and Rights at Work Branch, Geneva: ILO, 2021. // URL: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---ilo-washington/documents/projectdocumentation/wcms_767756.pdf.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна
Заведующий отделом гражданско-правовых и международно-правовых дисциплин
Института государств и права Академии наук Узбекистана,
доктор философии по юридическим наукам(Phd)
E-mail: firuza_hamdamova@mail.ru

КОДИФИКАЦИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА: ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ХАМДАМОВА Ф.У. КОДИФИКАЦИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА: ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2021), Б. 59-64.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-7

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам кодификации предпринимательского законодательства. Автор отмечает наличие двух подходов к данному вопросу – монизма и дуализма. Также, в статье отмечается, что в настоящее время одновременно наблюдаются две тенденции – кодификация и декодификация предпринимательского законодательства. В статье дается обзор аргументов за и против принятия Предпринимательского кодекса, отмечается развитие международного предпринимательского права как института международного экономического права и учебной дисциплины. В заключение дается обзор перспектив принятия данного кодекса в Узбекистане.

Ключевые слова: монизм и дуализм в частном праве, предпринимательское право, кодификация предпринимательского законодательства, Предпринимательский кодекс, торговое право, коммерческое право.

ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна
Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти
бўлим мудири, юридик фанлар буйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: firuza_hamdamova@mail.ru

ТАДБИРКОРЛИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ КОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ: ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

АННОТАЦИЯ

Мақола тадбиркорлик сохасидаги қонунчилигини кодификация қилиш масалаларига бағишланган. Муаллиф бу масалага икки ёндашув-монизм ва дуализм мавжудлигини қайд этади. Мақолада ҳозирги вақтда бир вақтнинг ўзида иккита тенденция – тадбиркорлик сохасидаги қонунчилигини кодификациялаш ва декодификациялаш кузатилиши таъкидланади. Мақолада Тадбиркорлик кодексини қабул қилиш учун аргументлар келтирилади, шунингдек халқаро тадбиркорлик ҳуқуқи халқаро иқтисодий ҳуқуқ институти ва ўқув фан сифатида кўриб чиқилади. Хулоса кисмида Ўзбекистонда ушбу кодексни қабул қилиш истиқболлари ҳақида умумий маълумот берилади.

Калит сўзлар: хусусий ҳуқуқда монизм ва дуализм, тадбиркорлик ҳуқуқи, тадбиркорлик қонунчилигини кодификация қилиш, Тадбиркорлик кодекси, савдо ҳуқуқи, тижорат ҳуқуқи.

KHAMDAMOVA Firuza
Head of the Department of Civil and International Legal Disciplines of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences of Uzbekistan,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: firuza_hamdamova@mail.ru

BUSINESS LEGISLATION CODIFICATION: TRENDS AND PROSPECTS

ANNOTATION
Article is devoted to the issues of codification of business legislation. The author notes the existence of two approaches to this issue - monism and dualism. The article also notes that currently two trends are simultaneously observed - codification and decodification of business/ entrepreneurial legislation. The article provides an overview of the arguments for and against the adoption of the Entrepreneurial Code, notes the development of international business law as an institution of international economic law and an academic discipline. In conclusion, an overview of the prospects for the adoption of this code in Uzbekistan is given.

Keywords: monism and dualism in private law, business / entrepreneurial law, codification of business/ entrepreneurial law, Business/ Entrepreneurial Code, trade law, commercial law

Основные подходы к кодификации предпринимательского законодательства (монизм или дуализм). Сегодня одним из активно обсуждаемых вопросов в юридической науке является проблема кодификации предпринимательского законодательства.

Прежде всего, следует отметить, что на сегодняшний день в мировой практике сложились две системы правового регулирования предпринимательской деятельности: монистическая и дуалистическая [1]. В одних странах сложилась монистическая система частного права, а в других – дуалистическая. В первой системе коммерческие правоотношения регулируются при помощи Гражданского кодекса, а во второй системе они регулируются специальным Торговым (Коммерческим) или Предпринимательским кодексом.

Основу дуализма в частном праве заложил опыт Франции, где были приняты Гражданский кодекс Франции 1804 г. (известный как Гражданский кодекс Наполеона) и Торговый кодекс Франции 1807 г. В Австрии в 1811 г. принимается Общий гражданский кодекс, а в 1897 г. - Торговый кодекс. В Японии в 1896 г. принимается Гражданский кодекс, а в 1899 г. - Коммерческий кодекс.

Сегодня в ряде стран одновременно действуют Гражданский и Торговый кодексы, в других странах существует Гражданский кодекс и специальное законодательство (например, представительницей монистической концепции является Италия, где действует Итальянский гражданский кодекс 1942 г. и специальные законы). А в ряде стран приняты специальные кодексы. Так, на сегодняшний день со специализированными кодексами (торговыми, коммерческими либо предпринимательскими) существуют правовые системы Франции, Германии, Японии, Турции, Австрии, Эстонии и др. [2]. Так, в США практически во всех штатах приняты коммерческие (торговые) кодексы, разработанные на основе Единообразного торгового кодекса США [3].

В то же время в правовой системе России, Италии, Швейцарии Гражданский Кодекс используется для регулирования как гражданских правоотношений, так и гражданских отношений с участием специального субъекта – предпринимателя.

Следует отметить, что невозможно однозначно определить какая из систем лучше, каждая из них обладает спецификой механизма действия. Выбор того или иного варианта систематизации предпринимательского, включая торговое, законодательства зависит от воли законодателя, конкретной экономической и политической ситуации в стране и ее традиций.

Современные тенденции в развитии предпринимательского законодательства (кодификация и декодификация). Сегодня одновременно наблюдаются две тенденции – с одной

стороны, кодификация предпринимательского законодательства, т.е. переход от монизма к дуализму в частном праве, с другой стороны – декодификация, т.е. отказ от дуализма в частном праве.

Так, например, в рамках СНГ разработан модельный Торговый кодекс (Закон о торговле) [4]. В Казахстане принят Предпринимательский кодекс. [5]. В РФ рассматривается вопрос о принятии Торгового кодекса.

Вместе с тем, в ряде стран Восточной Европы наблюдается тенденция декодификации в сфере предпринимательского законодательства [6]. Если в 90-е годы прошлого века почти половина из 20 стран этого региона имела Торговые кодексы, то теперь их количество сократилось более чем вдвое. Так, 1 января 2013 г. **в Чехии** вступает в действие новый Гражданский кодекс, одновременно прекращающий действие Торгового кодекса 1991 г. Это событие, помимо прочего, знаменует собой важный этап дальнейшего сокращения сферы «дуализма» в частном праве Восточной Европы. Наряду с Чехией от Торговых кодексов в 2000-е гг. отказались Польша, Венгрия и Румыния, а в балканских странах (за исключением Болгарии) вопрос об обособленной кодификации торгового права в большинстве случаев даже не поднимался [6].

Новый румынский ГК, следуя «монистической парадигме», прямо устранил действие Торгового кодекса, применявшегося **в Румынии** с 1887 г. и «обновленного» в 1990 г.; тем самым «через 120 лет был устранен дуализм в вопросе «торговое право — гражданское право». Таким образом, и Румыния подтвердила общую современную тенденцию к отказу от обособленной кодификации торгового права.

Самостоятельная кодификация торгового права сохраняется лишь в Словакии, Болгарии и Литве. Предполагается, что соотношение Гражданского и Торгового кодексов в Словакии по-прежнему будет соотношением lex generalis и lex specialis, а само торговое право его сторонники рассматривают как «специальное частное право», считая гражданское право «общим частным правом» (такой взгляд на их соотношение в настоящее время господствует и в западноевропейских правопорядках).

В странах Латинской Америки доминирует процесс де-кодификации торгового законодательства, сопровождаемый попытками ре-кодификации гражданского законодательства, определяющей идеей которой стала коммерциализация гражданского права, что отражает приверженность идее отмены дуализма гражданского и торгового права [7].

Кодификация предпринимательского законодательства: аргументы за и против. Наличие указанных выше тенденций обуславливает необходимость анализа преимуществ и недостатков кодификации.

С одной стороны, кодификация позволит решить ряд практических задач: во-первых, упорядочение правовых норм, регулирующих торговую или предпринимательскую деятельность; во-вторых, обеспечение их формальной доступности для участников торгового оборота; в-третьих, выработка и нормативное закрепление единой терминологии; в-четвертых, устранение имеющихся пробелов в правовом регулировании торговли.

Принятие Предпринимательского кодекса позволит кодифицировать в виде обобщающего закона нормы по осуществлению и организации предпринимательской деятельности, устранить и громоздкость, и бессистемность законодательства, регулирующего предпринимательскую деятельность, охватить как частноправовые, так и публично-правовые элементы правового регулирования. Анализ развитых в правовом отношении государств показывает, что для зрелых рыночных экономик характерно наличие коммерческого (предпринимательского) права как отдельной отрасли права [8, С.80].

С другой стороны, к принятию комплексных кодифицированных законов следует подходить очень осторожно. Когда принимается отраслевой кодекс, здесь все понятно, есть единый предмет, специфический метод правового регулирования, а с комплексными актами все наоборот - объединяются нормы не по отраслевому признаку, а по сфере регулируемых отношений - и здесь неизбежно происходит столкновение норм различной отраслевой принадлежности [9, С.32]. Когда комплексные акты - обычные (текущие) законы, то все решается очень просто - кодифицированный, как правило, отраслевой акт обладает большей юридической силой и нормы комплексных актов должны быть приведены им в соответствие, а не наоборот.

При этом, в юридической литературе достаточно давно идет полемика относительно того, всегда ли процесс совершенствования законодательства должен завершаться его кодификацией.

Так, некоторые исследователи и эксперты отмечали, что в погоне за количеством принятых законодательных актов, забывают о качестве. Такое ощущение, что отдельные представители высшего законодательного органа просто соревнуются между собой в вопросе о том, кто еще какой кодекс предложит разрабатывать. И за примерами далеко ходить не нужно. Достаточно вспомнить печальный опыт разработки Транспортного кодекса РК. Сколько лет, государственных средств и усилий ученых и практиков ушло на то, чтобы создать этот законопроект. Колоссальные ресурсы были затрачены на то, чтобы, в конечном счете, сам же разработчик – Министерство транспорта и коммуникаций РК отозвало свой проект, не выдержав вполне заслуженной критики со стороны экспертов. Или Банковский кодекс РК, на разработку проекта которого ушла масса средств и усилий ученых и практиков, в итоге, отказавшись от разработки Банковского кодекса, группа энтузиастов уже занимается разработкой Финансового кодекса РК. Вместе с тем, на наш взгляд, идея разработки Предпринимательского кодекса – это *такая же утопия*, как и идея разработки Транспортного, Банковского или Финансового кодексов [9].

Вряд ли принятие одного закона, пусть даже кодифицированного сразу же решит все существующие проблемы. Практика показывает, что нельзя так бездумно и поспешно подходить к вопросу систематизации законодательства. По мнению некоторых исследователей, ничего кроме ненужного дублирования норм различных нормативных правовых актов, это не принесет. Конечно, можно поставить на утрату отдельные законы, например, об акционерных обществах или о товариществах с ограниченной и дополнительной ответственностью, включив их нормы в Предпринимательский кодекс, а что делать с нормами Гражданского кодекса РК, Уголовного кодекса РК, Кодекса РК об административных правонарушениях, Налогового кодекса, Таможенного кодекса РК и т.д.? Их, что тоже следует исключить и все перенести в новый кодифицированный закон? Тогда у нас будет в стране интересная ситуация - УК РК не будет устанавливать ответственность за преступления в сфере предпринимательства, поскольку это институт предпринимательского права и должен быть включен в новый Предпринимательский кодекс, а иначе, этот акт станет таким же отсылочным законом, каким на сегодня являются Экологический или Земельный кодексы.

Предпринимательский кодекс – единый отраслевой кодекс или комплексный нормативный акт. Сегодня действующие в ряде стран торговые кодексы затрагивают широкий круг вопросов, как правило, охватывающих не только торговую, но и иную предпринимательскую деятельность, что делает некорректным использование в отношении большинства из них термина «торговый кодекс». В этой связи более корректно использовать термин «предпринимательский кодекс».

Как известно, понятия предпринимательского и торгового права являются дискуссионными. Понятия предпринимательского и торгового права соотносятся как подотрасль и институт гражданского права, являющегося, в свою очередь, самостоятельной отраслью права. Анализ торгового законодательства всех зарубежных государств, имеющих кодифицированные акты, регулирующие торговую деятельность, показал отсутствие единого подхода к кодификации торгового права.

Для начала, при определении *понятия предпринимательского права* стоит отметить *природу* соответствующих отношений, которые носят двоякий характер. С одной стороны, это отношения, возникающие между лицами при осуществлении предпринимательской деятельности и выступающие предметом гражданско-правового регулирования. С другой стороны, это и публичные отношения, возникающие в связи с организацией предпринимательской деятельности и являющиеся предметом публично-правового регулирования. Так, отношения с участием предпринимателей регулируются частноправовыми и публично-правовыми методами [2].

Кроме того, для продуктивных рассуждений, прежде всего, необходимо определиться с терминологией. Разграничим «*хозяйственное право*» и *«предпринимательское право*». «Хозяйственное право», по сути, является родоначальником предпринимательского права в современном его виде. «Хозяйственное право» – более широкий термин по сравнению с «предпринимательским правом», поскольку хозяйственное право включает в себя помимо частноправового регулирования (гражданско-правовые отношения между предпринимателями) публичное регулирование предпринимательства.

Относительно же соотношения понятий «*предпринимательское право» и «коммерческое право»,* то здесь существует два подхода: 1. данные понятия как синонимы; 2. синоним торгового права и является частью предпринимательского права.

Принципиальные расхождения в подходах по вопросу кодификации появляются в результате разного понимания самой природы предпринимательского права. Существует три основных подхода к понятию «предпринимательское право». Предпринимательское право понимается как:

1. *Самостоятельная отрасль права*, которая имеет свой предмет и метод.
2. Часть гражданского права, его *подотрасль* (цивилистический подход).
3. *Комплексная отрасль права*. Предпринимательское право, как комплексная отрасль права включает в предмет регулирования 3 группы отношений:

а) отношения, связанные с государственным регулированием,

б) гражданско-правовые отношения, связанные с осуществлением предпринимательской деятельности,

в) внутрихозяйственные отношения (межцеховые, корпоративные и т.д.) [2].

Сторонники принятия Предпринимательского кодекса предлагают объединить в нем нормы частного и публичного права и тем самым обеспечить стыковку публичных и частных отношений, складывающихся в сфере предпринимательства. При этом одни ведут речь о едином отраслевом кодексе (сторонники предпринимательского права как самостоятельной отрасли права), другие - о кодексе как комплексном нормативном акте, который вобрал бы в себя нормы разных отраслей права.

По мнению С.С. Алексеева Кодекс предпринимательства должен строиться в качестве дополнительного - и в известном смысле вторичного - комплексного законодательного документа, опирающегося, прежде всего, на фундаментальные положения гражданского законодательства. По сути дела, получается, что данный закон только будет облачен в форму кодифицированного акта, а на самом деле он будет обычным (текущим) законодательным актом, регулирующим отношения в сфере предпринимательской деятельности, учитывая его вторичность по сравнению с Гражданским кодексом [10, С.62]. Более того, остается под вопросом целесообразность и необходимость принятия еще одного акта о предпринимательстве, когда эти отношения уже получили свою регламентацию в специальном законодательстве.

Формирование международного предпринимательского права. В завершение хотелось бы отметить, что в связи с глобализацией торгового и коммерческого сотрудничества субъекты делового мира – предприниматели (физические или юридические лица) часто осуществляют трансграничную деятельность с участием коммерческих партнеров, находящихся в стране, не являющейся страной их происхождения (например, регистрации).

Предпринимательская деятельность в международном масштабе регулируется международным предпринимательским правом, которое в свою очередь рассматривается как институт международного экономического права [11].

Следует также отметить, что во многих ВУЗах в последние два года была введена новая дисциплина «Международное предпринимательское право», направленная на изучение вопросов применения международно-правовых норм в сфере регулирования предпринимательской деятельности в международном масштабе.

С учетом вышеизложенного, представляется целесообразным рассмотреть вопрос о принятии модельных предпринимательских кодексов в рамках международных организаций и общих принципов предпринимательского права в современный период.

Перспективы принятия предпринимательского кодекса в Узбекистане. В последние годы в Узбекистане приняты ряд мер по совершенствованию правовой базы предпринимательской деятельности, создан институт Бизнес-омбудсмана.

В последние годы в Узбекистане обсуждался вопрос о разработке Предпринимательского кодекса. Практикующие юристы и правоведы-теоретики искали ответы на такие вопросы как: 1. Существует ли необходимость принятия такого кодекса? 2. Какова будет практическая значимость данного кодекса, не станет он дублированием положений других нормативных актов? 3. Будет ли это единый отраслевой кодекс или комплексный нормативный акт? 4. Является ли это насущной необходимостью или подражанием зарубежной практике и следованием тенденциям, существующим в некоторых регионах? 5. Насколько своевременно принятие данного кодекса в условиях динамично меняющейся экономики и цифровой трансформации? При этом, важно учитывать опыт стран, где

наблюдается не только кодификация предпринимательского законодательства, но и опыт стран, которые отказались от дуализма в частном праве.

Сейчас уже вопрос уже не стоит о целесообразности принятия кодекса, а о том, каким должен быть кодекс. Принятие кодекса предусмотрено в п.32 Национальной стратегии по правам человека, а также в Государственной программе на 2021 год. Ожидается, что принятие кодекса будет способствовать укреплению правовых основ деятельности субъектов предпринимательства.

В случае объективной необходимости принятия данного кодекса важно обеспечить его соответствие условиям цифровой экономики, а также учет возможных экономических кризисов, обусловленных пандемией и другими факторами.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Костина А.А. Учебник по публичному и частному праву: В 2 т. Т. II. Частное право. М,. Статут, 2008. (Kostina A.A. Textbook on public and private law: In 2 volumes. Vol. II. Private right. M,. Statute, 2008).

2. Мулина К.С. Подходы к кодификации предпринимательского права в России // Современные научные исследования и инновации. 2015. № 7. Ч. 4 // URL: http://web.snauka.ru/issues/2015/07/56530 (дата обращения: 11.01.2021). (2. Mulina K.S. Approaches to the codification of business law in Russia // Modern scientific research and innovations. 2015. No. 7. Part 4).

3. Единообразный торговый кодекс США / Исследовательский центр частного права; Перевод с английского. – М.: Международный центр финансово-экономического развития, 1996. – 427 с. –(US Uniform Commercial Code / Private Law Research Center; Translation from English. - M .: International Center for Financial and Economic Development, 1996. - 427 p).

4. Попондопуло В.Ф. Модельный торговый кодекс (закон о торговле) для государств - участников СНГ: концепция и структура. Эл. ресурс [URL]: https://lawbook.online/finansovoe-pravo-rossii-kniga/modelnyiy-torgovyiy-kodeks-zakon-torgovle-dlya-17867.html (Popondopulo V.F. Model Commercial Code (Trade Law) for the CIS Member States: Concept and Structure).

5. Текст документа доступен на https://online.zakon.kz/document/?doc_id=38259854#pos=3;-108.

6. Суханов Е.А. Восточноевропейские кодификации гражданского и торгового права. //«Вестник гражданского права», 2012, N 5.Эл. ресурс [URL]: https://center-bereg.ru/b2723.html (Sukhanov E.A. Eastern European codifications of civil and commercial law. // “Bulletin of Civil Law”, 2012, N 5.).

7. Батрова Т.А. Тенденции развития торгового права. Автореферат диссертации на соискание степени д.ю.н.. Москва, 2011. - 50с. Эл. ресурс [URL]:https://www.dissercat.com/content/tendentsii-razvitiya-torgovogo-prava (Batrova T.A. Trends in the development of commercial law. Abstract of dissertation for the degree of Doctor of Law. Moscow, 2011. – 50 p.).

8. Нугманов Т.Е. Проект Предпринимательского кодекса Казахстана и его совершенствование // Право и государство, № 2 (63), 2014 – (Nugmanov T.E. Draft of the Entrepreneurial Code of Kazakhstan and its improvement // Law and State, No. 2 (63), 2014).

9. Мороз С.П. К вопросу о кодификации предпринимательского законодательства Республики Казахстан // Право и государство, № 3 (60), 2013. – (Moroz S.P. On the issue of codification of the entrepreneurial legislation of the Republic of Kazakhstan // Law and State, No. 3 (60), 2013)

10. Алексеев С.С. Частное право: Научно-публицистический очерк. М., 1999. (Alekseev S.S. Private law: Scientific and publicistic sketch. M., 1999).

11. Каретко Н.М. Международное предпринимательское право как институт международного экономического права . Эл. ресурс [URL]:http://dspace.onua.edu.ua/bitstream/handle/11300/3642/Karetko.pdf?sequence=1&isAllowed=y (Karetko N.M. International business law as an institution of international economic law).

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

ИСМОИЛОВ Олимжон Юсупжон ўғли
Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси мустақил изланувчиси
E-mail: Olim.Ismoilov.91@inbox.ru

ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЧИЛИК: ТУШУНЧАСИ ВА ТАСНИФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ИСМОИЛОВ О.Ю. ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЧИЛИК: ТУШУНЧАСИ ВА ТАСНИФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ// Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2021), Б. 65-70.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-8

АННОТАЦИЯ

Мақолада латент жиноятлар тушунчасининг шаклланиши, латент жиноятларнинг турлари ва таснифланри ўрганилган. Турли хил олимларнинг латент жиноятларни тоифаларга ва турларга ажратиш бўйича фикр ва мулоҳазалари ҳақида фикр юритилади. Латент жиноятчилик статистикаси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: латент, латент жиноятчилик, латент жиноятчиликнинг турлари, келиб чиқиш сабаблари, латент жиноятларни таснифлаш.

ИСМОИЛОВ Олимжон Юсупжон угли
Самостоятельный соискатель Академии
Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан
E-mail: Olim.Ismoilov.91@inbox.ru

ЛАТЕНТНАЯ ПРЕСТУПНОСТЬ: ПОНЯТИЕ И КЛАССИФИКАЦИОННЫЕ ОСОБЕННСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуется формирование понятия латентных преступлений, изучены виды и классификация латентных преступлений. Обсуждаются взгляды и мнения различных ученых о классификации латентных преступлений на категории и виды. Проанализирована статистика латентной преступности.

Ключевые слова: латент, латентные преступления, виды латентных преступлений, причины возникновения, классификация латентных преступлений.

ISMOILOV Olimjoni
Academy of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan, Independent researcher
E-mail: Olim.Ismoilov.91@inbox.ru

LATENT CRIME: CONCEPT AND CLASSIFICATION FEATURES

ANNOTATION
The article examines the formation of the concept of latent crimes, studies the types and classification of latent crimes. The views and opinions of various scientists on the classification of latent crimes into categories and types are discussed. The statistics of latent crime are analyzed.

Keywords: latent, latent crimes, types of latent crimes, causes of occurrence, classification of latent crimes.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва жиноятчиликни жиловлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда 80 дан ортиқ қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ички ишлар органлари тузилмаси янгиланди, ходимларнинг 65 фоизи аҳолига яқин ишлаш учун маҳаллаларга йўналтирилди. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми яшайдиган махаллаларда жиноятчилик муаммосига бутун жамоатчилик эътиборини қаратиш ва унга қарши самарали кураш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Кейинги йилларда ҳуқуқни мухофаза қилувчи идораларнинг самарали меҳнати ва жамоатчиликнинг кучли назорати туфайли умумий жиноятчиликни камайиши кузатилмоқда. Шу билан бир қаторда, жамият учун хавфли бўлган латент (яширин) жиноятларнинг тури ва таснифий хусусиятларида бир оз бўлсада ўзгаришлар юз бермоқда.

Лотин тилидан таржима қилинганда «латент» (latens, latentis) яширин, кўринмас, ташқи кўринишга эга эмас деган маънони билдиради [1, Б.279]. Ушбу атама ижтимоий хаётни турли соҳаларида яширин, номаълум ва кўринмас ҳодиса ва жараёнларни ифодалашда кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида «латент» тушунчасига таъриф берилмаган бўлиб, «латентлик даври»га таърифи берилган. «Латентлик даври» яшириш давр: 1) физиологияда танага (орган, тўқима, ҳужайра ва бошқаларга) ҳар қандай ўзга жисм таъсир қилган вақтдан бошлаб, жавоб реакциясини олганига қадар бўлган давр ҳисобланади, 2) тиббиётда касаллик ривожланишининг яширин даври [2, Б.702], масалан, «коронавирус» (Covid-19) касаллигининг яширин даври (латентлик даври) 14 кун давом этиши кўпчиликга аён бўлди.

«Латент» тушунчаси юридик фанга жиноятчиликни барча кўринишларини синчковлик билан ўрганиш даврида кириб келган бўлиб, бу тушунча жиноятнинг ҳақиқатда содир бўлган, аммо турли сабабларга кўра яширин бўлиб қолган қисмини белгилашда қўлланилган [3, Б.164]. Юридик адабиётларда латент жиноятларнинг турли хил талқинлари мавжуд бўлсада, аксарият ҳолларда латент жиноятларнинг умумий тушунчасига унинг асосий, зарурий белгиси сифатида номаълум (яширин) жиҳати мавжудлиги олинади. Адабиётларда латент жиноятларни ифодалашда турли хил атамалар қўлланилади: «латент жиноят», «латент жиноятчилик», «яширин жиноят», «номаълум жиноят», «шубҳали (қоронғи) сонлар», «шубҳали атама» ва бошқалар.

Латент жиноятчилик ҳақида дастлабки фикрлар А.Кетле, Э.Ферри, Ф.Заҳаревич каби криминологларнинг асарларида учрайди. Биринчилардан бўлиб жиноятларнинг латентлик даражасини баҳолаган таниқли белгиялик криминолог А.Кетленинг таъкидлашича: «... биз билган умумий жиноий статистика, рўйхатдан ўтган ва суд ҳукми чиққан жиноятлар билан бир қаторда, яширин жиноятлар миқдори ўртасида деярли ўзгармас боғлиқлигини инобатга олмас эканмиз, жиноятчилик тушунчаси ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Бундай муносабат зарур ва такроран такидлаш жоизки, агар яширин жиноятлар ҳисобига олинмаганда эди, шу вақтгача жиноий статистика маълумотлари асосида қилинган таҳлилларнинг барчаси ёлғон ва маъносиз бўлар эди» [4, Б.4]. Ўз даврида, А.Кетле латент жиноятларга одил судловга номаълум бўлиб қолган жиноятлар сифатида таъриф берган [5, Б.262].

Жиноят сифатида рўйхатга олинган ва ҳақиқатда содир этилган жиноятлар нисбати билан латент жиноятлар ўртасидаги боғлиқлик масалаларни XIX асрда ғарб криминологлар Р.Майо-Смита, Р.Реснер ва бошқаларнинг асрларида учратиш мумкин. [6, Б.96].

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида (ўтган асрнинг 60-йилларида) латент

жиноятчилик муаммосига эътиборни қаратган биринчи криминолог олимлар А.А.Герцензон, Н.Н.Кондрашков, А.С.Шляпочников, Ф.М.Заҳаревич ва бошқал ҳисобланади.

Миллий криминология фанида латент жиноятчилик тушунчаси нисбатан камроқ ўрганилган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида нашр этилган юридик энциклопедияда «латент жиноятлар – жиноят ишлари олиб борувчи, тергов қилувчи давлат идораларига жиноят тўғрисида хабар келмаслиги ва аниқланмай қолиши» оқибатида юзага келган жиноятлар сифатида келтирилган [7, Б.222].

Юқоридагига ўхшаш тарзда латент жиноятчилик тушунчаси И.Фазилова, И.Исмаилова, К.Абдурасуловалар таҳрири остида чоп этилган криминология бўйича китобларда хам таърифланган [8, Б.70-77].

Юридик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, криминологияда латент жиноятчилик тушунчаси ҳақида умумий ҳамма бирдек қабул қиладиган тушунча мавжуд эмас. Латент жиноятларнинг энг содда, замонавий ва лўнда таърифи С.М.Иншаков томонидан берилган бўлиб, унга кўра, латент жиноятлар - бу содир этилган жиноятларнинг рўйхатдан ўтказилмаган қисмидир [9, Б.351].

С.М.Иншакованинг фикрига қўшилган ҳолда, мазкур тушунчани янада аниқлаштириш мақсадида, уни муҳим ўрин тутадиган қўйидаги ўзига хос хусусиятлар билан тўлдириш мумкин:

латент жиноятчилик - умумий жиноятчиликнинг таркибий қисми;

унинг ўзига хос сон ва сифат билан боғлиқ хусусиятлари мавжуд;

латент жиноятлар статистикаси, қоида тариқасида расман рўйхатга олинган жиноятлар сонига зид.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 30 декабрдаги ҚК-83, 08/УМ-706-18, 1, 84, 01-02/22-77-сон қарори билан тасдиқланган «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисидаги низом»да латент жиноятчилик тушунчаси батафсил ва тўғри берилган.

«Латент жиноят – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олдиндан номаълум бўлган ёки маълум бўлган бўлсада, ҳисобга олишдан қасддан яширилган, муқаддам рўйхатга олинмаган ёки рўйхатга олинган бўлсада, нотўғри ҳуқуқий баҳо берилиши натижасида жиноят деб топилмаган, жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган ижтимоий хавфли қилмиш», деб тариф берилган.

Латент жиноятчилик тушунчасига аниқ ифодалангандан сўнг, унинг таснифий жиҳатларини, ҳар бир турининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш унга қарши самарали кураш усулларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бугунги кунда латент жиноятчиликни турли хил мезонлар билан таснифлаш криминология фанида кузатилмоқда. Бунда содир этилган ходисани *аниқ ёки ноаниқлигига, яширин ёки яширилганлигига, жиноятларни латентлик даражасига, жиноятлар тоифасига* кўра гурухларга ажратиш кузатилмоқда.

Латент жиноятчиликни дастлаб таснифлашга ҳаракат қилган криминолог олимлар А.С.Шляпочников и Г.И.Забрянскийлардир [10, Б.98-103]. Улар барча латент жиноятларни жиноят содир этилган ҳодисанинг аниқ ёки ноаниқлигига қараб тўрт гуруҳга ажратишни таклиф этганлар:

биринчи гуруҳга содир этилганлиги аён бўлган жиноятлар киритилган. Ушбу жиноятлар ҳақида маълумот очиқ ва ошкора. Жабрланувчи ва уларнинг қариндошлари жиноятчини аниқлаш ва айбдорларни жазолаш учун тегишли органларга жиноят ҳақида хабар беришдан манфаатдор;

иккинчи гуруҳга ошкоралиги чекланган жиноятлар киритилган. Ушбу тоифадаги жиноятлар ҳақида жабрланувчилар ҳар доим ҳам турли сабабларга кўра (етказилган зарарнинг камлиги, вақтини беҳуда сарфламаслик ва б.) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришмайди. Бироқ, жабрланувчилар уларга нисбатан содир этилган жиноятни қариндошларидан, танишларидан яширишмайдилар;

учинчи гуруҳга кўп ҳолатларда содир этилган жиноят ҳақида фақат жиноятчи ва жабрланувчига аён бўлган жиноятлар киритилади. Жабрланувчилар ўзи жиноий тажовуз ҳолатини яширишдан манфаатдор бўлганлиги сабабли (шармандалик, қасос олиш ва бошқа ҳолатлар), бундай жиноятлар тўғрисида маълум қилмайди;

тўртинчи гуруҳга мавҳум жиноят киритилган. Кўп ҳолатларда жиноий ҳодиса ҳақида жабрланувчиларнинг ўзлари ҳам, билмасликлари мумкин.

Таснифлашда юқоридаги мезонга амал қилган Г.М.Аглямова [11, Б.55-60] латент жиноятларни бешта гуруҳга ажратган:

1) номаълум жиноятлар – ушбу жиноятлар ҳақида ҳеч ким билмайди ёки кимдир бу жиноятлар ҳақида тахмин қилиши (сезиши) мумкин.Масалан, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган

жиноятлар. Бунинг асосий сабаби – жабрланувчининг ҳуқуқий саводхонлиги пастлигидир;

2) аниқланмаган жиноятлар – бу туркумга, яққол содир этилган, бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар келиб тушмаган жиноятлар киради;

3) фош этилмаган жиноятлар – ушбу жиноятлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан турли воситалар, усуллар ва услублар ёрдамида фош этилмаган ва жазо муқаррарлиги таъминланмаган жиноятлардир;

4) очилмаган жиноятлар – аниқланган, фош этилган, тергов қилинган, бироқ айрим сабабларга кўра тўлиқ очилмаган жиноятлар.

5) жиноий статистикада қайд этилмаган жиноятлар.

Бу ерда айрим чалкашликларга йўл қўйилганлиги сезилиб турибди, чунки фош этилмаган ёки очилмаган жиноятлар латент жиноятлар таърифида келтирилган биринчи талабга яъни «ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олдиндан номаълум бўлган» деган шартга мос келмайди. Улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олдиндан маълум бўлганлиги учун ҳам «очилмаган ёки фош этилмаган» жиноятлар гурухига киритилган.

Латент жиноятларни таснифлашнинг янада соддалаштирилган тури А.И.Долгова и Е.О.Марлухина [12, Б.372] томонидан таклиф этилган. Улар латент жиноятларни яширин жиноятлар (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлмаган жиноятлар) ва яширилган жиноятлар (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлган, бироқ жиноятчилик статистикасида акс эттирилмаган, рўйхатга олинмаган жиноятлар)га ажратилган.

Бизнинг фикримизча, ушбу таснифлаш жиноятларнинг айрим турларини тоифалашда мураккаб ва қийин ҳисобланади.

Энг кенг тарқалган таснифлашни Х.Д.Аликперовым и Р.И.Расуловлар [13, Б.40] томонидан таклиф этилган. Улар мавжуд жиноятларни латентлик даражасидан келиб чиқиб турларга бўлишган:

1. Латентлик даражаси юқори бўлган жиноятлар;
2. Латентлик даражаси ўрта бўлган жиноятлар;
3. Латентлик даражаси паст бўлган жиноятлар.

Жиноятларни ушбу тоифада турланиши жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар учун жуда қулай бўлиб, куч ва воситаларни мақсадли равишда латентлик даражаси юқори бўлган жиноятларга йўналтириш имконини беради. Бироқ, бу тоифада жиноятларни турланиши фақат умумий хусусиятга эга бўлиб, латент жиноятларни моҳиятини ва келиб чиқиш сабабларини жиноий ҳодиса сифатида тушунишга ёрдам бермайди. Шунингдек, айрим жиноятлар, масалан геноцид (153-модда), терроризм (155-модда), қопорувчилик (161-модда) жиноятлари латент бўлиш эҳтимоли пастлиги сабабли, ушбу жиноятларни таснифлаш имкони мавжуд эмас. Шу сабабли ушбу жиноятларни учинчи, латентлик даражаси паст бўлган гуруҳга киритиш мақсада мувофиқ эмас.

Шунингдек, криминолог олимлар латент жиноятларни жиноятлар тоифасига қараб ҳам ажратишган: иқтисодий; коррупцион; экологик; маиший зўравонлик; компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган; бошқа турдаги жиноятлар.

Бу нисбий таснифлаш бўлиб, жиноятчилик даражасига қараб ўзгариши мумкин. Масалан, ушбу рўйхатга жинсий эркинликка қарши жиноятлар (номусга тегиш (118-модда), бесоқолбозлик (120-модда) жиноятларни киритиш ҳам мумкин. Жамиятнинг компьютерлаштирилишига қараб, туман ва қишлоқларда компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятлар ушбу тоифадан чиқариш мумкин.

Ҳар бир жиноят ўзига хос латентлик даражасига эга бўлиб, жиноий қилмишнинг моҳияти содир этилиш сабаблари, шароитлари ва омиллари билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, экологик жиноятларнинг латентлигининг асосий сабаблари фош этишнинг усул ва услубларининг номукаммалигидир. Шунингдек, ушбу ҳолатда жиноятнинг «қурбони» сифатида табиатнинг ўзи бўлиб, унга етказилган зарар ва жиноий қилмиш ҳақида хабар бера олмайди. Бундан ташқари, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши каби экологик жиноятларни аниқлаш ва расмийлаштириш учун махсус билим талаб этилиши, бу эса баъзан жуда қийин ва имконсиз ҳисобланади.

Иқтисодий ва коррупцион жиноятларнинг латентлашуви баъзи ҳолатларда, тизимнинг оммавий коррупцилашганлиги ҳамда иқтисодий ва мансабдорлик жиноятлари фош этиш учун етарли билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги сабаб бўлади.

Маиший зўравонлик ва жинсий эркинликка қарши жиноятларнинг латентлигининг ўзига хослиги, баъзи ҳолларда жабрланувчилар томонидан уларга нисбатан содир этилган жиноий тажовузларнинг овоза бўлиб кетишини истамаслиги ва миллий-ментал омиллар сабаб бўлади.

Компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиш содир этилган жиноятларнинг латентлик даражасининг юқори бўлиб қолишлигини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноятларни фош этишда касбий маҳорат ва етарли тажриба йўқлиги. Шунингдек, хорижий давлатлардан фарқли ўлароқ, миллий тизимнинг етарли даражада рақамлаштирилмаганлиги.

Республикамизда «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисидаги низом»да латент жиноятлар келиб чиқиш сабабларига кўра қуйидагича таснифланган:

– жабрланувчининг ўзига нисбатан содир этилган жиноятни ҳуқуқий билимларининг етарли даражада эмаслиги сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки ахлоқ нормаларининг бузилиши сифатида нотўғри баҳоланганлиги ва бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаганлиги;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мансабдор шахсининг малакаси етарли эмаслиги сабабли, содир этилган жиноятга нотўғри ҳуқуқий баҳо берилганлиги натижасида жиноят эмас деб топилганлиги;

– содир этилган жиноят корхона, муассаса, ташкилот ёки алоҳида шахсларга маълум бўлмаганлиги ёки маълум бўлсада, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаганлиги;

– жабрланувчи ўзига нисбатан жиноят содир этилганлигини аниқ била туриб, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга арз қилмаганлиги;

– жиноят тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яширганлиги.

Бугунги кунда кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилган ҳамда дарсликларга киритилган тасниф А.М.Алексеев ва А.Н.Роша [14, Б.30-45] томонидан таклиф қилинган. Муаллифлар латент жиноятчиликни қуйидаги турларга ажратишган:

1) табиий латент жиноятлар (табиий латент жиноятлар остида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноят ҳодиса факти аён бўлмаган ҳолатлар тушунилади);

2) сунъий латент жиноятлар (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари содир этилган жиноятлар тўғрисида керакли маълумотларга эга бўлишига қарамай, уларни қасддан рўйхатга олмаган, ҳисобдан яширилган жиноятлар);

3) чегарадош вазиятдаги латент жиноятлар (ушбу жиноятлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хабардор бўлишига қарамасдан, ходимларнинг қилмишни малакалашда хатоликка йўл қўйилганлиги сабабли жиноят сифатида рўйхатга олинмаган жиноятлардир).

Жиноятчиликка қарши муваффақиятли курашишининг асосий омили бу жиноятларининг нафақат рўйхатдан ўтказилган қисми, балки ҳақиқий ҳолати ва сони ҳақида тасаввурга эга бўлишдир. Жиноятчиликка қарши курашишда куч ва воситаларнинг тўғри йўналтириш, режалаштириш, келгусида жиноят ортиши мумкин бўлган соҳаларни башоратлашда аниқ рақамларга эга бўлиш талаб этилади. Бу масалада расмий статистика билан бир қаторда латент жиноятчилик динамикаси ва турларини илмий жиҳатдан таҳлил этиб бориш ҳам ижобий натижага эришишга кўмак баради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Словарь иностранных слов. – М., 1980.
2. Узбекистон Миллий Энциколопедияси 5-том. – Т. 2003.
3. Сазонова Н.В. Латентная преступность: понятие, причины, измерение: дис... канд. юрид. наук.: 12.00.08 / Н.В. Сазонова. Красноярск, 2004. – 164 с.
4. Цитир. по Горяинов КК, Овчинский ВС., Кондратюк Л.В. Улучшение взаимоотношения граждан и милиции: доступ к правосудию и система выявления, регистрации и учета преступлений.- М., http://www.indem.ru/cja/nasel.htm., 2001 г.
5. Кетле А. Ж. Социальная физика, или опыт исследования человеческих способностей. / Киев, 1911. – 262 с.
6. Ковалкин А. А.Латентная преступность и ее выявление органами внутренних дел: Учебное пособие. – Киев, КВШ МВД СССР, 1985, 96 с.
7. Таджиханов Юридик энциклопедия Т.: «Шарқ» 2001.
8. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмамилов, Қ.Абдурасулова, И.Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.

9. Иншаков С.М. Латентная преступность в Российской Федерации: 2001 - 2006 / Под ред.: Иншаков С.М. – М.: Закон и право, ЮНИТИ-ДАНА, 2007.

10. Забрянский Г.И., Шляпочников А.С. Выявление латентной преступности // Советское государство и право. – М.: Наука, 1971, № 5.

11. Аглямова Г.М. Причины латентной преступности: поиск новых подходов // Вестник Волжского университета им. В.Н.Татищева. Серия «Юриспруденция». – Тольятти: ВУиТ, 2007, Вып. 68.

12. Долгова А. И. Криминология: учебное пособие / – М.: Норма., 2010. – 152 с.

13. Марлухина Е.О. Криминология - учебное пособие. «Дашков и К» – М.: 2010г. – 372 с.

14. Аликперов Х.Д. Понятие и причины латентной преступности / Х.Д. Аликперов, Р.И. Расулов, – Баку, 1989. – 40 с.

15. Алексеев А.М., Роша, А.Н. Латентная преступность и эффективность деятельности правоохранительных органов // Вопросы борьбы с преступностью. – М.: Юрид. лит., 1973, № 19.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

РАХИМОВ Камолиддин Мухамаджонович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
бошлиғининг ёрдамчиси
E-mail:kamolr1985@mail.ru

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): РАХИМОВ К.М. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2021), Б. 71-79.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-9

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига доир қонун ҳужжатлари таҳлил қилиниб,уларнинг ривожланиш тенденцияси ўрганилган.Соҳага оид қонун ҳужжатлари даврлаштирилиб, яъни уч босқичга бўлиниб, ҳар бир давр алоҳида кўриб чиқилган ҳамда ҳар бир даврнинг ўзига хос томонларига урғу берилиб, эътиборга молик жиҳатлари ёритилган. Мақола муаллифи йўл ҳаракати хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларини ўрганиб чиқиш давомида уларнинг миқдорига эътибор қаратади ва уларни тизимлаштириш зарурати борлигини асослаб, хориж тажрибасига мурожаат қилиб, муаммони ҳал этишнинг ўзига хос ечими сифатида иккита йўл таклиф этган, яъни бири соҳага доир қонун ҳужжатларини мазмунан яқинларини бирлаштириш бўлса, иккинчиси кодификациялаш ҳисобланади.

Калит сўзлар: йўл ҳаракати, йўл ҳаракати хавфсизлиги, қонун, қарор, қонун ҳужжатлари, ички идоравий ҳужжатлар, тартибга солиш.

РАХИМОВ Камолиддин Мухамаджонович
Помощник начальника Университета общественной
безопасности Республики Узбекистан
E-mail:kamolr1985@mail.ru

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется законодательство Республики Узбекистан в области обеспечения безопасности дорожного движения и исследуются тенденции его развития. Законодательство в этой сфере было периодизировано, то есть разделено на три этапа, каждый период рассматривался отдельно, подчеркивались специфические аспекты каждого периода и освещались их особые стороны. Автор статьи при изучении законодательства о безопасности дорожного движения акцентирует внимание на их количестве и, исходя из того, что существует необходимость их систематизации, обращается к зарубежному опыту, предлагая два пути решения проблемы, то есть, первое, объединить содержание законодательства в области безопасности дорожного движения, второе его кодификация.

Ключевые слова: дорожное движение, безопасность дорожного движения, Закон, решение, законодательство, внутренние ведомственные документы, регламент.

RAKHIMOV Kamoliddin
Assistant to the Head of the University of Public Security
of the Republic of Uzbekistan
E-mail:kamolr1985@mail.ru

LEGAL FRAMEWORK FOR PROVIDING ROAD SAFETY

ANNOTATION

The article analyzes the legislation of the Republic of Uzbekistan in the field of road safety and examines the trends of its development. The legislation in this area was periodized, that is, divided into three stages, each period was considered separately, the specific aspects of each period were emphasized and their remarkable sides were highlighted. The author of the article focuses on their number in the study of legislation on road safety and, based on the fact that there is a need to systematize them, refers to foreign experience, offers two ways to solve the problem as a specific solution, that is, if you combine the content of legislation in the field of road safety.

Keywords: traffic, road safety, Law, decision, legislation, internal departmental documents, regulations.

Йўл-транспорт ҳодисаси (кейинги ўринларда ЙТҲ деб юритилади) сабабли вафот этаётган ва соғлиғи шикастланаётган одамлар, айниқса ёшлар ва болалар ўлимининг юқорилиги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш заруратини кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бирига айлантирмоқда. Инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи унинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташкил этади, уни ҳимоя қилиш ҳамда дахлсизлигини таъминлаш давлат зиммасидаги вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Конституциянинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга [1].

Яшаш, эркин ҳаракатланиш, Республика ҳудуди бўйлаб кўчиш хавфсиз бўлиши лозим. Йўлларда ҳаракатланиш ҳам худди шу каби хавфсиз бўлишини таъминлаш вазифаси юқорида таъкидланганидек, давлатнинг зиммасида. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлигини маъмурий, ҳуқуқий тартибга солиш орқали амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш (кейинги ўринда – ЙҲХТ) соҳасидаги ҳуқуқий асос «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун ҳисобланади. Мазкур қонунда давлатнинг ЙҲХТ, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, мулкини ҳимоя қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги асосий тамойиллар, вазифалар ва уларни амалга ошириш усул ва шакллари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – йўл-транспорт ҳодисалари юзага келиши сабабларининг олдини олишга, бундай ҳодисалар оқибатларининг оғирлигини камайтиришга қаратилган фаолият эканлиги кўрсатилган. Мазкур Қонуннинг 4-моддасида эса фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофазасининг, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек атроф муҳит ҳимоясининг устуворлиги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принципларидан бири сифатида белгиланган. ЙТҲ келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни олдини олиш чоралари кўриш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва ундан фойдланувчилар, айниқса ёшлар, болалар учун хавфсиз этиш орқали уларнинг ҳаёти ва соғлиғи сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминлаш соҳасини тартибга солувчи **50** дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Улар қаторига Ўзбекистон Республикасининг

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 июлдаги ПҚ–3127-сон қарори; Вазирлар Маҳкамасининг соҳага доир 30 дан ортиқ қарорларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатларининг ривожланиш тенденциясини кузатиш давомида уларни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

биринчи босқич – 1993 – 2010 йиллар;

иккинчи босқич – 2011 – 2015 йиллар;

учинчи босқич – 2016 – 2020 йиллар.

Биринчи босқичга (1993 – 2010 йилларга) назар ташланса, ушбу даврда 8 та қонун, 11 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинганлигини кўриш мумкин. Мазкур даврдаги эътиборга молик жиҳатлар шундаки, 1998 йил 19 августда Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни [2] қабул қилинган. Яна бир муҳим, 2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-155-сон «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» Қонун [3] қабул қилиниб, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган XI бобига 4 маротаба, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга 2 маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга киритилган 2 та ўзгартириш ва қўшимчалар автотранспорт воситаларидан фойдаланишнинг техник талабларига оид нормалар бўлган.

Мазкур босқичнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири автотранспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларни чалғитувчи воситалардан фойдаланишини таъқиқлашга ҳамда транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузишига қаратилган қоидаларни қонун ҳужжатларига киритилиши бўлди, деб айтиш мумкин.

Жумладан, 2006 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–73-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 128-1-модда, транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланганлиги учун жавобгарлик чораларини назарда тутувчи норма киритилган [4]. Автотранспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан ҳаракат вақтида телефонга чалғиш ЙТҲни вужудга келтирувчи энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чоралари самарадорлигини ошириш мақсадида янги киритилган модданинг санкциялари 2019 йил 3 декабрда ЎРҚ-586-сонли Қонун [5]билан янада кучайтирилган.

Бундан ташқари, 2007 йил 13 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-125-сонли Қонуни [6] билан транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатишни таъқиқловчи 128-2-модданинг киритилиши шу соҳадаги ҳуқуқбузарликларга самарали кураш воситаси бўлиб хизмат қилди.

Шу билан бирга, 2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-156-сон Қонун билан МЖтК янги 135-1-модда билан тўлдирилиб, ЙТҲ ва бошқа бахтсиз ҳодисалар туфайли автотранспорт воситасига мулкий шикаст етганда, зарарни қоплаш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаси киритилди ҳамда шу орқали транспорт воситаси мулкдорининг мулкий ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилди [7].

Иккинчи босқичда (2011-2015 йиллар) 4 та қонун, 5 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш орқали ҳуқуқбузарлик, ЙТҲларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга ўзгаришлардан бири шу даврда амалга оширилди. Хусусан, 2011 йил 26 апрелдаги Ўзбекистон

Республикасининг ЎРҚ-289-сон Қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган XI боби 5 та янги мазмундаги моддалар (125^1, 128^3-128^6) билан тўлдирилди, 12 та моддага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, айрим қўпол ҳуқуқбузарликлар алоҳида модда сифатида ажратилиб, уларнинг санкциялари кучайтирилди [8].

Жумладан, МЖтКга янги мазмундаги 125-1-модда қўшилиб, юк ташиш қоидаларини, худди шунингдек шатакка олиш қоидаларини бузганлик учун (128-3-модда), транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини оширганлиги учун (128-4-модда), транспорт воситалари хайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтганлиги учун (128-5-модда), транспорт воситалари ҳайдовчиларининг халақит бериши ёки авария ҳолатини юзага келтириши, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига чиқганлиги учун (128-6-модда), транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлик алоҳида моддалар билан белгиланди ҳамда уларнинг санкциялари аввалги ҳолатга нисбатан жиддий тарзда кучайтирилди.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 2015 йил 10 августдаги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-389-сон Қонуни билан 17-1-модда, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳамда 309-1-модда, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган ҳолларда жарима солиш тўғрисидаги қарор каби моддалар билан тўлдирилиб, йўл ҳаракати ҳуқуқбузарликларига қарши курашишнинг янги даври бошланди [9].

Учинчи босқичда (2016-2020 йилларда) йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида жиддий ўзгаришлар даври бўлиб, соҳани тубдан ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилди. Бу даврда 8 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та фармон ва қарорлари, 26 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-411-сон Қонуни билан йўл ҳаракатининг қатнашчилари бўлган пиёдалар йўлнинг қатнов қисмида, шу жумладан пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланиши, китобларни ёки даврий нашрларни ўқиши, видеоматериалларни томоша қилиши ҳамда аудиоматериалларни эшитиши, шунингдек эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланганлиги ҳамда транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда йўловчи томонидан тана қисмларини (қўлдан ташқари) салондан чиқарганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи қоидалар МЖтКнинг 138-моддасига киритилди [10].

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3127-сон қарорига мувофиқ ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш соҳасида комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирлар амалга оширилган ҳолда салмоқли ишлар қилинди [11].

Жумладан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари профилактикаси тизимини такомиллаштириш, назоратнинг юқори самарадорлигини, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам беришни таъминлайдиган йўл ҳаракатини автоматлаштирилган тартибга солиш тизимини кенгайтириш бўйича ички ишлар органлари ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тартиби белгиланди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, йўл инфратузилмасини тубдан яхшилаш, йўллар сифатини ошириш, шунингдек, йўл ҳаракати барча иштирокчиларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шарт шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 майдаги 377-сонли қарори қабул қилинди ва унга мувофиқ 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) ҳамда

2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясини 2018-2019 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда Йўл харитаси деб аталади) тасдиқланди [12].

Ушбу Концепция қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олган:

бир марталик — комиссион ва комплекс экспертизалар ўтказиш, фаолиятга доир бир марталик ҳужжатлар (масалан, қўшма қарор) ишлаб чиқишда ва ҳ.к.

Суд экспертиза муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш суд экспертларининг ўзаро фаолиятининг аниқ бир турига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон давлат суд экспертиза муассасаларида экспертиза тадқиқотлари сифатини ошириш учун ўз вақтида ва ҳар томонлама кўриб чиқишни талаб қиладиган юқоридаги масалаларни ҳал қилиш керак.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Хасанов Ш.Х. Суд-экспертлик фаолиятининг психологик жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №4 (2020), – Б.130-134.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни // URL: https://lex.uz/docs/1633102.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процесссуал кодекси (2019 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) // Расмий нашр –Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: «Адолат», 2019.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Суд экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2145-сон қарори // URL: https://lex.uz/docs/4172023.

5. Майлис Н.П., Моисеева Т.Ф. Стандартизация судебно-экспертной деятельности – необходимый аспект ее развития. // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России. 2018.

6. А.А.Зулфуқоров. Ички ишлар органларида суд экспертиза муассасаларининг суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишдаги ўзаро ҳамқорлиги борасида айрим фикрлар // «Ўзбекистон Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2020.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ТОШЕВА Динара Музрафовна
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги
Республика суд экспертизаси маркази Сифат бўйича менеджери
e-mail: lucky8682.dt@gmail.com

СУД-ЭКСПЕРТИЗА ЛАБОРАТОРИЯЛАРИДА ПРОФЕССИОНАЛ ТЕСТ ТЕКШИРУВЛАРИ ВА ЛАБОРАТОРИЯЛАРАРО СОЛИШТИРМА ТЕКШИРУВЛАРНИ ЎТКАЗИШ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ТОШЕВА Д.М. СУД ЭКСПЕРТИЗА ЛАБОРАТОРИЯЛАРИДА ПРОФЕССИОНАЛ ТЕСТ ТЕКШИРУВЛАРИ ВА ЛАБОРАТОРИЯЛАРАРО СОЛИШТИРМА ТЕКШИРУВЛАРНИ ЎТКАЗИШ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2021), Б. 102-109.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-13

АННОТАЦИЯ

Профессионалтесттекширувлариёкилабораторияларарасолиштирматекширувларўтказишйўли билан суд-экспертиза лабораторияларининг техник ваколатлилиги ва ходимларининг малакасини текшириш тадқиқот натижаларининг сифатини таъминлашнинг асосий йўлларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур мақолада ISO/IEC17025:2017 стандарт талаблари бўйича натижаларнинг ишончлилигини таъминлаш воситалари, хусусан, суд-экспертиза лабораторияларида профессионал тест ва лабораторияларарo солиштирув текширувларни ўтказиш мезонлари ва қонун-қоидалари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: сифат, аккредитация, лаборатория, ISO, менеджмент, провайдер, профессионал тест, лабораторияларарo солиштирув.

ТОШЕВА Динара Музрафовна
Менеджер по качеству Республиканского центра судебной экспертизы им. Х.Сулаймановой
при Министерстве юстиции Республики Узбекистан
E-mail: lucky8682.dt@gmail.com

ПРОВЕДЕНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ТЕСТИРОВАНИЯ И МЕЖЛАБОРАТОРНОГО СЛИЧЕНИЯ В СУДЕБНО-ЭКСПЕРТНЫХ ЛАБОРАТОРИЯХ

АННОТАЦИЯ

Одним из основных способов обеспечения контроля качества результатов исследований является проверка технической компетентности и квалификации сотрудников судебно-экспертных лабораторий посредством профессионального тестирования или межлабораторных сравнительных испытаний. В данной статье анализируются средства и процедуры обеспечения достоверности результатов в соответствии с требованиями стандарта ISO / IEC 17025:2017, в частности, проведение профессиональных тестирований и межлабораторных сравнительных испытаний в судебно-экспертных лабораториях.

Ключевые слова: качество, аккредитация, лаборатория, ISO, менеджмент, профессиональное тестирование, провайдер, проверка квалификации, межлабораторное сличение.

TOSHEVA Dinara
Quality manager of the Republican center of forensic expertise named after X.Sulaymanova under the ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan
e-mail: lucky8682.dt@gmail.com

PROFICIENCY TESTING AND INTERLABORATORY COMPARISONS IN FORENSIC EXPERTIZE LABORATORIES

ANNOTATION

One of the main ways to ensure quality control of research results is to test the technical competence and qualifications of forensic laboratory staff through proficiency testing or interlaboratory comparison tests. This article analyzes the means and procedures for ensuring the reliability of results in accordance with the requirements of the ISO / IEC 17025: 2017 standards, in particular, conducting proficiency testing and interlaboratory comparative tests in forensic laboratories.

Keywords: quality, accreditation, laboratory**,** ISO, management, provider, proficiency testing, interlaboratory comparison

---

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг иккинчи устувор йўналишида «Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, суд-экспертизаси соҳасидаги тадқиқот натижалари ишончлилигини таъминлаш, тадқиқот усулларининг самарадорлигини ошириш муҳим илмий–амалий мақсадларимиздан бири бўлиб ҳисобланади [1].

Ҳар қандай тадқиқот лабораториясининг асосий вазифаси ишончли ва сифатли натижалар олишдир. Лаборатория тадқиқотларни сифатли ўтказилишини кафолатлаши керак, яъни тадқиқот натижаларини керакли аниқлик билан доимий равишда олиши мумкинлигини намойиш этадиган ҳужжатлаштирилган усулларига ва умумий жараён ҳужжатларига эга бўлиши лозим.

Маълумки, ташкилот ёки тадқиқот лабораторияси томонидан бериладиган текширув натижаларига (эксперт хулосалари) бўлган ишонч унинг халқаро суд арбитражларидаги омад калити бўлиб ҳисобланади. Халқаро тажрибаларга асосан лаборатория томонидан берилаётган тадқиқот натижаларининг ва фаолиятининг ишончлилигини таъминловчи, ходимларининг касбий малакасини текширишнинг асосий воситаларидан бири бу уларнинг лабораторияларо солиштирма текширувлари ёки малака тести – халқаро провайдерлар профессионал тест текширувларида иштирок этишларидир. Лабораторияларо солиштирма текширувлари ёки халқаро провайдерлар профессионал тест текширувларида иштирок этиш ISO/IEC17025:2017 «Тадқиқот ва калибрлаш лабораториялари лаёқатлилигига қўйиладиган умумий талаблар» стандартининг энг асосий талабларидан бири бўлиб ҳисобланади [2]. Хусусан, стандартнинг 7.7.2 бандига кўра, лаборатория ўз фаолиятининг мониторингини тадқиқот натижаларини худди шундай бошқа лаборатория томонидан олинган натижалар билан ўзаро солиштириши керак. Бундай мониторинг олдиндан режалаштирилиши ва олинган натижалар таҳлил қилиниши лозим. Мониторинг халқаро провайдерлар малака тести - профессионал тест текширувларида иштирок этиш ёки лабораторияларо солиштирма текширувларини ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Стандарт талаблари тадқиқот ва калибрлаш лабораториялари фаолиятига нисбатан умумий қонун-қоидалар кўринишида ёзилган. Қонун-қоидаларида айнан суд-экспертлик фаолиятининг ўзига хосликлари инобатга олинмаган, шунинг учун ҳар бир ташкилот ёки лаборатория ўз

фаолиятидан келиб чиқиб, ўзининг ички жараён ҳужжатларида мазкур ўзига хос томонларини стандарт талабларига мослаштириб кўрсатиши лозим.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси марказида ISO/IEC17025:2017 «Тадқиқот ва калибрлаш лабораториялари лаёқатлилигига қўйиладиган умумий талаблар» стандарт талабларига кўра ишлаб чиқилган QOП 7.7 «Обеспечение достоверности результатов» умумий жараён ҳужжатининг 3.7, 3.8, 3.9–бандларига кўра, сифат назоратини таъминлашнинг 3 та даражаси кўрсатилган:

1-даражали сифат назорати - ҳар бир текширув босқичида тадқиқот натижаларини режали кузатиб бориш (масалан, назорат намунали тестлар, маълумот ва хулосаларни бошқа эксперт томонидан текшириб бориш, бўш намуналар ва б.)-миқдорий аналитик усулнинг аниқлигини текшириш ва кузатишни таъминлаш бўйича назорат диаграммаларини тузиш;

2-даражали сифат назорати - тадқиқот натижаларини текшириш бўйича режалаштирилган даврий ички тадбирларни ўтказиш (масалан, олдин ўтказилган тадқиқотларни такроран ўтказиш, тайёрланган назорат намуналарини текшириш, икки ёик ундан ортиқ ходимлар ёки ташкилотлар томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларини баҳолаш, «кўр» тадқиқотларни ўтказиш ва б.);

3-даражали сифат назорати – халқаро аккредитатланган ваколатли провайдерлар ёки лабораториялар томонидан ташкил этиладиган профессионал–малака тест текширувлари ёки лабораториялараро солиштирма текширувларда иштирок этиш орқали тадқиқот натижаларини сифат назоратини таъминлаш [3].

Қуйида мазкур сифат назоратини таъминлашнинг 3–даражасига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

ISO/IEC 17043:2010[4] стандарт талабига кўра, малака тести, ёки бошқача айтганда профессионал тест текширувлари – бу олдиндан белгиланган мезонлар асосида иштирокчиларнинг фаолиятига лабораториялараро солиштирув орқали баҳо бериш ҳисобланади. Бошқача айтганда, малака тести - бу лаборатор текшириш жараёнини ва олинган натижаларни референс лаборатория ва бошқа лабораториялар натижалари билан солиштириш орқали лабораториянинг ваколатлилигини кўрсатиш ва тасдиқлаш усулидир.

Малака тестларини лабораториялараро солиштириб ўтказишнинг бир неча схемалари мавжуд. Ҳар бир схема синов жараёнида бир хиллик ва артефактнинг барқарорлигини сақлаб қолиш учун ўзига хос ишлаб чиқилган. Акс ҳолда тест натижалари хатоликларга эга бўлиши мумкин ва фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолиши мумкин.

ISO/IEC 17043:2010 стандарти томонидан тавсия этилган малака тестининг энг кенг тарқалган 2 та схемаси, яъни кетма-кет иштирок этиш ва бир вақтда иштирок этиш схемалари мавжуд.

Кетма-кет иштирок этиш схемаси малака тестини ўтказишда энг кенг тарқалган бўлиб, бунда тест намуналари бир лабораториядан бошқасига навбат билан берилади ва охирида олинган натижалар малакани текширувчи мувофиқлаштирувчи лабораторияга қайтиб келади. Кетма-кет иштирок этиш схемаси ҳалқали-циклик ва яроқли тестлар кўринишида бўлиши мумкин.

1-расм. Халқали циклик тест схемаси.

[4] ISO/IEC 17043 стандартида малака тести ва малакани текширидиган провайдерлар ҳақида қўшимча маълумотлар келтирилган. ISO/IEC 17043 стандарт талабларини бажарадиган малака тестини ўтказувчи провайдерлар бу соҳада ваколатли бўлиб ҳисобланади.

Халқали циклик тест схемасида дастлаб мувофиқлаштирувчи лаборатория тест намунани (артефактни) текшириш учун маълумот (reference) лабораторияси юборади, сўнг навбат билан иштирокчи лабораторияларга юборади. Ҳар бир лаборатория тест намуналарини мустақил текшириб, натижаларини мувофиқлаштирувчи лабораторияга юборади ва тест намуналарини навбатдаги иштирокчи лабораторияга узатади. Ҳар бир иштирокчи лаборатория текширувларни ўтказиб бўлгач, тест намуна мувофиқлаштирувчи лабораторияга қайтиб келади. Мувофиқлаштирувчи лаборатория олинган барча натижаларни баҳолайди ва ҳар бир лабораториянинг натижаси бўйича ҳисобот юборади. Ҳалқали тест одатда узоқ муддатгача ўзининг зарур кимёвий ва биологик хоссаларини йўқотмайдиган тест намуналари-артефактлар билан ўтказилади (1-расм).

2-расм. Япроқли тест схемаси.

Япроқли тест схемасида тест намунасини текшириш учун учун ротацион лабораториядан бир неча марта фойдаланилади. Айрим ҳолатларда тест намуналари мувофиқлаштирувчи лаборатория ва иштирокчи лаборатория ўртасида бир неча қайтарилади ва юборилади (2-расм). Япроқли тест одатда тест намуналарининг сақлаш муддати қисқа бўлганда ёки иштирокчилар миллий метролик институтлар бўлганда (NMI) ўтказилади.

Бир вақтда иштирок этиш схемасида тест намуналари белгиланган бир муддат ичида барча иштирокчи лабораторияларга бир вақтда алоҳида-алоҳида текшириш учун юборилади (3-расм). Бир вақтда иштирок этиш схемаси ҳам малака текшириш тестлари орасида кенг тарқалган бўлиб, одатда стандарт намуналар бўлганда ёки текширувдан сўнг ташлаб юбориш мумкин бўлган бир марталик тест намуналарида қўлланилади.

3-расм. Бир вақтда иштирок этиш схемаси.

Бир вақтда иштирок этиш схемасининг 3 тури мавжуд:

-икки даражали тест;

-ажратилган танланган тест;

-қисман тест.

Малака текширишнинг икки даражали тест схемасида текшириладиган кўрсатгичнинг иккита аналогик даражалари иккита алоҳида тест намуналарига киритилган бўлади.

4-расм. Ажратилган танланган тест схемаси

Ажратилган танланган тест схемасида тест намуналари икки ёки ундан ортиқ қисмларга ажратилади, бунда ҳар би иштирокчи тест намунасининг фақатгина бир қисмини текширадилар (4-расм).

Қисман тест схемасида иштирокчи лабораториялар умумий тест ўтказиш жараёнининг фақатгина маълум бир қисмини бажарадилар[4].

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси марказида ISO/IEC 17025 стандарт талаблари бўйича сифат менеджмент тизимини ташкил этиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш, Марказ лабораторияларини мазкур стандарт талабларига мувофиқ халқаро аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ ишлар 2017 йилдан бошлаб амалга ошириб келинмоқда [5]. Хусусан, 2018 йилдан бошлаб Марказнинг Одам ДНКси суд биологик экспертизаси, Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияларида стандарт талабини бажариш мақсадида «Наркотик моддаларни идентификация қилиш (ТГК, кодеин, морфин, героин)» ва «ДНКни аниқлаш:одам қони ва сўлаги» (Оталикни (оналикни) аниқлаш) аккредитация доиралари бўйича «CTS» ва «ICE» халқаро провайдерларининг профессионал тест текширувларида иштирок этиб келинмоқда. Профессионал тест текширувларининг натижалари халқаро провайдерлар томонидан қониқарли-ижобий баҳоланмоқда[5].

Суд экспертиза соҳасидаги лабораториялараро солиштирма текширувлар тушунчаси остида олдиндан белгиланган шароитларда айнан бир объектни бир неча лабораторияларда текширишни ташкиллаштириш, уни ўтказиш ва натижаларини ўзаро солиштириб таҳлил қилиш тушунилади.

Лабораториялараро солиштирма текширувлар қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

тадқиқот лабораториясида ишлатиладиган синов усулларининг таққосланишини бошқариш;

турли тадқиқот лабораториялари томонидан олинган тадқиқот натижаларини таққосланишини аниқлаш;

тадқиқот лабораториясида олинган текширув натижаларининг сифатига бўлган ишончни таъминлаш;

тадқиқот ўтказишда иштирок этган ходимларнинг малакасини тасдиқлаш;

тадқиқот усуллари учун норматив ва услубий ҳужжатларда кўрсатилган хатолик хусусиятларининг қийматларини аниқлаштириш;

тадқиқот усулларини аттестациядан ўтказиш;

фаолиятнинг айрим йўналишлари бўйича тадқиқот ўтказиш учун энг ваколатли бўлган тадқиқот лабораториясини танлаш учун минтақавий, миллий ёки халқаро махсус дастурларни (тендерлар, танловлар) амалга оширишда лаборатория ишларининг сифатини тасдиқлаш;

арбитраж ва метрологик ишларни ўтказиш учун жалб этилиши мумкин бўлган тадқиқот лабораторияларини аниқлаш.

[5] Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси маркази Қозоғистон Республикаси Миллий Аккредитация Марказининг 2020 йил 23 июндаги №532-ОД–сонли буйруғига асосан, ISO/IEC 17025:2017 стандарт талаблари бўйича халқаро аккредитациядан ўтган ташкилотлар реестрига қўшилган ва Аккредитация Аттестати (№ KZ.T.00.2341) га эга.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси маркази Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги Бош Эксперт Криминалистика марказининг Наркотик моддаларни текшириш лабораториясида «Гашиш ва кўкнори ўсимлик турларидан олинадиган гиёҳвандлик моддаларини хромато-масс-спектрометрик таҳлил усулида идентификация қилиш» аккредитация доираси бўйича лабораторияларарo солиштирма текширувлари ўтказилди. Тадқиқотлар лабораторияларнинг стандарт талабларига кўра ишлаб чиқилган ва тасдиқланган техник жараён ҳужжатлари (SOP) асосида ўтказилди. Хусусан, Марказнинг Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораториясида тадқиқотлар «QТП 8.1-01 (2) Идентификация наркотических средств методом хромато-масс-спектрометрического анализа, получаемых из растений рода Конопля и Мак снотворный» техник жараён ҳужжати асосида ўтказилиб, олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги Бош Эксперт Криминалистика марказининг Наркотик моддаларни текшириш лабораториясида олинган натижалар билан ўзаро қиёсий солиштирилди ва таҳлил қилинди[6].

QТП 8.1-01(2) «Идентификация наркотических средств методом хромато-масс-спектрометрического анализа, получаемых из растений рода Конопля и Мак снотворный» усули турли наркотик модда объектлари таркибида тетрагидроканнабинол, каннабидиол, морфин, кофеин, героин, 6 моноацетилморфин моддаларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, тадқиқотни ўтказиш жараёнини, тадқиқотни ўтказиш учун зарур бўлган техник жиҳозлар ва ускуналар, кимёвий эритмаларни, тадқиқот ўтказиш шароитларини, хавфсизлик чораларини, намуналарни текширувга тайёрлашни, ўлчаш жараёнларини ўтказишни, олинган натижаларни таҳлил қилишни ва тадқиқот натижаларини расмийлаштириш каби қонун қоидаларини аниқлаш имконини беради [6].

Лабораторияларарo солиштирма текширувлар «QОП 7.7 «Обеспечение достоверности результатов» умумий жараён ҳужжатида кўрсатилган қонун-қоидалар ва талаблар асосида ўтказилиб, натижалари тегишли шаклларига кўра расмийлаштирилди. Таҳлил натижасига кўра, иккала лабораторияда текширилган намуналарнинг сифат натижаларида бир хил кўрсатгичлар аниқланди. Ҳеч қандай тафовут ва камчиликлар кузатилмади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, лабораторияларарo солиштирма текширувларни ўтказиш қуйидаги босқичлардан иборат:

лабораторияларарo солиштирма текширувларни режалаштириш, дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

тест намуналарини сотиб олиш, тайёрлаш в сифат назоратини таъминлаш;

иштирокчи лабораторияларга тест намуналари ва тегишли материалларни (дастур, йўриқнома ва б.) юбориш;

иштирокчи лабораториялар томонидан белгиланган муддатларда тест намуналарини текшириб, натижалари ҳақида координаторга маълумот бериш;

олинган натижаларни солиштирма таҳлил қилиш;

координатор томонидан якуний ҳисоботни тайёрланиши ва лабораторияларарo солиштирув текширувларида иштирок этаётган лабораторияларга етказилиши.

Лабораторияларарo солиштирма текширув дастурини ишлаб чиқиш ва режалаштириш босқичида текшириладиган соҳа бўйича малакали экспертларни жалб этадиган координатор бўлиши шарт. Ишлаб чиқиладиган лабораторияларарo солиштирма текширув дастурида лабораторияларарo солиштирма текширувни ўтказиш, тадқиқот лабораториялари ва иштирок этадиган эксперт ходимлар сони ва рўйхати, координаторлар вазифаларининг тақсимоти, текширув намуналарини тайёрлаш, сақлаш, қадоқлаш ва юбориш шароитлари, тадқиқотларни ўтказиш шароити, иштирокчиларга юбориладиган ҳужжат ва материаллар тўплами, текширувларни бошланиш ва тугатиш муддатлари, олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш, олинган маълумотларни юбориш, маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш талаблари ва лабораторияларнинг эксперт ходимлари малакасини баҳолаш мезонлари кўрсатилган бўлиши лозим. Дастур тадқиқотлар бошлангунга қадар келишилган ва ҳужжатлаштирилган бўлиши лозим.

[6] Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги Бош Эксперт Криминалистика маркази ҳам Қозоғистон Республикаси Миллий Аккредитация Марказининг 2020 йил 23 июндаги №532-ОД-сонли буйруғига асосан, ISO/IEC 17025:2017 стандарт талаблари бўйича халқаро аккредитациядан ўтган ташкилотлар реестрига қўшилган ва Аккредитация Аттестати (№ KZ.T.00.2342) га эга ҳисобланади.

Лабораториялараро солиштирма текширувда иштирок этаётган лабораториялар дастур тавсифи, текширув намуналари ва натижаларни расмийлаштириш учун ҳамма учун бир хил бўлган шакллар юборилади.

Дастурда белгиланган текширув объектлари ҳужжатлаштирилган усул бўйича координатор ташкилотнинг масъул ходими томонидан тайёрланади.

Текширув объектлари профессионал тест текширувларида иштирок этаётган лабораториялар суд экспертиза соҳасидаги текширув объектлари типида тайёрланади.

Лабораториялар лабораториялараро солиштирма текширув тадқиқотларида текширув намуналари билан ишлаш соҳасида ўзларининг тасдиқланган стандарт усулларидан фойдаланишлари ва натижаларни ҳам белгиланган талабларга кўра таҳлил қилишлари лозим.

Текширув натижасига кўра лаборатория қабул қилинган шаклга мувофиқ ҳисобот ёзади ва дастурда кўрсатилган муддат ичида координаторга юборади. Координатор натижаларга баҳо беришни амалга оширади ва лабораториянинг техник ваколатлилигига изоҳ беради [7].

Олинган натижалар, уларнинг сифат баҳоси махфий маълумотлар бўлиб, лабораториянинг розилигисиз бошқа ташкилот ёки шахсларга маълум қилинмайди. Бунинг учун барча лабораториялар шифрланади ва уларнинг идентификацион рақамлари провайдерда сақланади. Текширувлардан ўтган лабораториялар лабораториялараро солиштирма текширувларида иштирок этилганлиги ҳақида гувоҳнома ва маълумотномалар тақдим этилади.

Лабораториялараро солиштирма текширув натижалари қониқарли, шубҳали ва қониқарсиз мезонлар билан баҳоланади.

Қониқарли - лабораториялараро солиштирма текширув натижалари белгиланган талабларга мос келади. Лаборатория фаолиятига нисбатан эътирозлар йўқ.

Шубҳали - лабораториялараро солиштирма текширув натижаларининг ишончлилиги шубҳа уйғотади, қўшимча текширув ўтказиш зарурати мавжуд, номувофиқликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш лозим.

Қониқарсиз - лабораториялараро солиштирма текширув натижалари ишончсиз. Лаборатория кўрсатилган усулга амал қилмайди, техник жиҳозлар ва эталонлар яроқсиз ҳолатга келган.

Лабораториялараро солиштирма текширувлардан фойдаланиш қуйидагиларни баҳолаш имконини беради:

лабораториянинг жиҳозланганлик ҳолати;

ўлчовларни тўғри ўтказилганлиги;

эксперт хулосаларини тўғри ва ишончли расмийлаштирилганлиги;

эталон ўлчов воситаларини тўғри танланганлиги;

лабораториянинг ўлчов имкониятлари;

ходимларнинг малакасини [8].

Малака тести, яъни профессионал тест текширувларини ўтказиш билан лабораториялараро солиштирма текширувларини ўтказиш якуний мақсади бир бўлган, бир-бирига ўхшаш жараёнлар бўлсада, ўзаро фарқли томонлари мавжуд.

ISO/IEC 17043:2010 стандартига кўра, лабораториялараро солиштирма текширувлари – бу олдиндан белгиланган шароитларда бир ёки бир неча лабораториялар томонидан бир хил тест намуналарини текширишни ташкиллаштириш, уни ўтказиш ва натижасига баҳо беришдир.

ISO 43 қўлланмасига мувофиқ, малака тести – бу расмий тадбир бўлиб, мувофиқлаштирувчи орган томонидан бошқарилади, бунда стандарт ёки маълумот лабораторияси ҳам иштирок этади. Натижалар провайдер веб сайтида расмий ҳисоботда эълон қилинади.

Бундан ташқари, ISO Guide 43 лабораториялараро солиштирма текширувларни машқ каби тавсифлайди, бунда бир ёки бир нечта иштирок этувчи лабораториялар текширувларни ўтказиб, натижалари расмий ҳисоботларда кўрсатилади.

Шундай қилиб, профессионал тест – бу мустақил учинчи томон ташкиллаштириб бошқариб турадиган лабораториялараро солиштирма текширувидир. Профессионал тестда маълумот лабораторияси ҳам иштирок этади ва унинг натижаларидан иштирокчиларнинг кўрсатгичларини аиқлаш учун фойдаланади. Лабораториялараро солиштирма текширувлар эса маълумот лабораторияси ёки мувофиқлаштирувчи лабораториянинг иштирокини талаб этмайди, бунда иштирокчи лабораториялар ўзларининг олган натижаларини ўзаро солиштириб, натижасини расмий ҳиоботларида кўрсатадилар холос.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, барча суд-экспертиза ташкилотлари натижаларининг ишончлилигини таъминланиши учун малака тести ёки лабораториялараро солиштирма текширувлар ўтказилиши ўта муҳим ҳисобланади. Бу лаборатория лаёқатлилигини ва янги усулларни самарадорлигини текшириш учун кучли қурол бўлиб хизмат қилади. Профессионал тест ёки лабораториялараро солиштирув текширувларида иштирок этган лабораторияларнинг халқаро аккредитация органи томонидан ўтказиладиган ташқи аудит вақтида профессионал тест ёки лабораториялараро солиштирма текширувларида иштирок этганликлари ҳақидаги ҳисобот ва маълумотларни тақдим этишлари орқали уларнинг қай даражада малака ва ваколатли эканлиги исботланади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947. // URL: https://www.lex.uz/acts/3107036.

2. ISO/IEC 17025:2019 Тадқиқот ва калибрлаш лабораторияларининг ваколатлилигига қўйиладиган умумий талаблар, 2019 // URL: https://meganorm.ru/Index/71/71232.h.

3. QОП 7.7 «Обеспечение достоверности результатов», выпуск №3, утв.Директором РЦСЭ от 24.02.2020 г.

4. https://www.isobudgets.com/proficiency-testing-and-interlaboratory-comparisons/.

5. Халилов А.У., Суд экспертиза лабораторияларининг аккредитацияси – суд экспертиза фаолиятини янада такомиллаштириш йўналишларидан бири, // Юрист Ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №1, (2021), Б. 223-224. // URL:https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/182.

6. QТП 8.1-01 (2) Идентификация наркотических средств методом хромато-масс-спектрометрического анализа, получаемых из растений рода Конопля и Мак снотворный, выпуск №2, утв.Директором РЦСЭ от 24.02.2020 г.

7. Сидорова А.К., Опыт проведения межлабораторного профессионального тестирования в области судебной экспертизы, Теория и практика судебной экспертизы, 2014, №3 (35), стр.169-172 // URL: https://www.tipse.ru/jour/article/view/249/249.

8. Дручинин А.П., Евлашкин А.А., Богатырев А.А. О применении межлабораторных сравнительных (сличительных) испытаний // Компетентность / Competency (Russia). – 2019. – № 7 // URL: https://cyberleninka.ru/article/n/o-primenenii-mezhlaboratornyh-sravnitelnyh-slichitelnyh-ispytaniy.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

УМАРХАНОВА Дилдора Шарипхановна
Тошкент давлат юридик университети Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультети декани, юридик фанлар доктори (DSc), доцент
E-mail: dildora080@gamil.com

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМИНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): УМАРХАНОВА Д.Ш. ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМИНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2021), Б. 110-119.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-14

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланган халқаро шартномалар ҳамда унга боғлиқ бўлган халқаро ҳужжатлар ўрганилган ва таҳлил қилинган. Бундан ташқари, муаллиф жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмининг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил этишни осонлаштириш ҳамда ушбу масалани атрофлича тадқиқ этиш мақсадида мазкур ҳужжатларни бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганган.

Калит сўзлар: халқаро жиноят ҳуқуқи, халқаро ҳамкорлик, жиноятчилик, экстрадиция, қидирув, ҳибсга олиш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, конвенция, минтақавий халқаро шартномалар.

УМАРХАНОВА Дилдора Шарипхановна,
Декан факультета «Международное право сравнительное правоведение» Ташкентского государственного юридического университета, доктор юридических наук, доцент
E-mail: dildora080@gmail.com

АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ОСНОВ МЕХАНИЗМА МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА ПО УГОЛОВНОМ ДЕЛАМ

АННОТАЦИЯ

В данной статье изучены и проанализированы международные договоры, являющиеся правовой основой международного сотрудничества по уголовном делам. Вместе с тем, в целях облегчения анализа и детального исследования правового регулирования механизма международного сотрудничества по уголовном делам, автор изучил международные документы раздели на несколько групп.

Ключевые слова: международное уголовное право, международное сотрудничество, преступление, экстрадиция, розыск, арест, взаимная правовая помощь, конвенция, международные региональные договоры.

UMARKHANOVA Dildora
Dean of the Faculty of International Law and Comparative Legislation of
Tashkent state university of law, Doctor of law Sciences, Associate Professor
E-mail: dildora080@gmail.com

ANALYSIS INTERNATIONAL LEGAL BASES OF MECHANISM OF INTERNATIONAL COOPERATION IN CRIMINAL CASES

ANNOTATION

In this article, studied and analyzed the international treaties, which are a legal basis of the international cooperation on criminal cases. At the same time, for simplification of the analysis and detailed research of legal regulation of the mechanism of the international cooperation on criminal cases the author suggests to divide the international documents into some groups.

Keywords: international criminal law, international cooperation, crime, extradition, inquiry, arrest, mutual legal assistance, convention, international regional treaties.

Бизга маълумки, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизми, яъни жиноятлар устидан юрисдикцияни белгилаш, жиноят содир қилган шахсларни ушлаб бериш, жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари давлатлар ўртасидаги икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар, шартномалар мавжуд бўлмаган тақдирда ўзаролик принципи ҳамда миллий қонунчилик асосида амалга оширилади.

Давлатларнинг жиноий ишлар бўйича ҳамкорлигига оид шартномаларни А.И.Бойцов [1, Б.49], икки гуруҳга ажратган: икки томонлама шартномалар ва кўп томонлама шартномалар. Ўз навбатида кўп томонлама шартномаларнинг қуйидаги турларини фарқлаш ўринли деб таъкидлайди: а) айнан жиноятчиларни тутиб беришга бағишланган шартномалар; б) ҳар томонлама ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан экстрадиция масаласига дахлдор қоидаларни қамраб олувчи шартномалар; в) халқаро характердаги ва халқаро жиноятларга қарши курашнинг умумий муаммоларига тааллуқли, шу жумладан улар иштирокчиларининг муайян жиноятлар учун айбланган ёки судланган шахсларни ушлаб бериш (экстрадиция)га оид шартномалар.

Махсус адабиётларда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар гуруҳларига ажратишда бир неча ёндашувлар мавжуд. Ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир қисми тегишли нормаларни давлатнинг ички жиноят қонунчилигига имплементация қилишда ҳуқуқий манба бўлади, деб ҳисоблайдилар. Жумладан, Л.А.Лазутин жиноий-ҳуқуқий масалалар ечимида қуйидаги расмий манбалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб билади: а) ҳуқуқнинг умумий принциплари; б) халқаро шартнома ва халқаро одат; в) халқаро ташкилот қарорлари (асосан суд қарорлари). Бу борада у ўзининг фикрини давом эттирган ҳолда жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳужжатларини икки гуруҳга бўлади: 1) анаъанавий шартномалар (конвенциялар) ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳамкорлик битимлари; 2) субсидиар роль ўйновчи ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги халқаро шартномалар (конвенциялар) ва келишувлар. Биринчи гуруҳга фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш шартномалари; ушлаб бериш шартномалари; маҳкумни фуқароси бўлган давлатга жазо ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги шартномалар. Бу ерда асосан, давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи ҳукуматлараро ва идораларараро шартномаларни ажратилган. Иккинчи гуруҳга эса, халқаро жиноят ва халқаро характердаги жиноятлар юзасидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларини назарда тутган универсал ва локал конвенциялар, мазкур масалаларни тартибга солувчи халқаро суд муассасалари ва халқаро ташкилотларнинг актлари [2, Б.232-236].

П.С.Абдуллоев жиноят процесси соҳасида далилларни йиғиш ва текширишда халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик масалалари юзасидан тадқиқот иши олиб борган бўлиб, унга кўра, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик соҳаси Тожикистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий актлари (Конституция ва Жиноят процессуал Кодекси), халқаро шартномалар (кўп томонлама, икки томонлама, Халқаро Жиноят Суди Статути) каби ҳужжатлар билан тартибга солинади [3, Б.16-17-б.] деб таъкидлаган.

Мамлакатимиз олимлари ҳам халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шунга ўхшаш гуруҳлаштиришни таклиф этганлар [4, Б.88-90], [5, Б.205-208].

Юқоридаги гуруҳлашдан бироз фарқли ўлароқ Б.И.Исмаилов халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўрт гуруҳини фарқлайди ва тўртинчи гуруҳига идораларо битимларни киритади. Буларга қуйидагилар киради: «Мустақил давлатлар ички ишлар вазирликларининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида»ги битими (1992 йил), «Ички ишлар вазирликларининг наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний муомилага чиқарилишига қарши курашдаги ҳамкорлиги тўғрисида»ги битими (1992 йил), «Мустақил давлатлар ички ишлар вазирликларининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида»ги битими (1994 йил), «Ички ишлар вазирликларининг транспортдаги жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида»ги битими [6, Б.32-33].

Юқоридаги олимларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни таснифланишида аҳамият берилиши лозим бўлган томони шундаки, улар асосан жиноятчиликка қарши кураш ва уларни олдини олиш борасидаги халқаро ҳамкорлик ҳужжатларини келтириб ўтганлар. Мазкур тадқиқот ишининг предмети эса, содир этилган жиноят учун жиноий жавобгарлик ва одил судловни таъминлашдан иборат бўлган ҳужжатларни таҳлил қилишдан иборат.

Умуман олганда, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмининг халқаро-ҳуқуқий асосларини таҳлил этишни осонлаштириш ҳамда ушбу масалани атрофлича тадқиқ этиш мақсадида халқаро шартномалар ҳуқуқининг умумий назариясида келтирилган халқаро шартномаларнинг таснифланиши (универсал, минтақавий, иккитомонлама, кўптомонлама, давлатлараро, ҳукуматлараро, идораларо) қоидасидан [7, Б.16-17], [8. Б.72], [9. Б.67-111], [10. Б.24-25] келиб чиққан ҳолда соҳага оид ҳужжатларни бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, халқаро шартномалар бирхиллаштирилган ҳуқуқий механизмни яратиш ва унга таяниш учун ҳам тузилади. Шунга кўра, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг миллий, минтақавий кўлами ва халқаро жиҳатлари назарда тутилган ҳолда халқаро ташкилотлар билан давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги ҳам эътиборга молик.

Биринчи гуруҳ – универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар. Бу гуруҳга жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ томонидан ишлаб чиқилган намунавий шартномалар киради.

Глобал даражада жиноятчиликка қарши кураш ташкилотчиси сифатида БМТ умумий стандартлар, кўрсатмалар, тавсиялар ишлаб чиқади. Бугунги кунда БМТ доирасида ушбу тадқиқот юзасидан намунавий юридик ҳужжатлар ишлаб чиқиш орқали уни тизимлаштиришга қаратилган ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаш ўринли. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид амалдаги икки томонлама шартномалар кўп жиҳатдан эскиргани ва халқаро жиноят ҳуқуқидаги сўнгги янгиликларни қамраб олмаслиги боис Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш қўмитасига юридик ҳужжатлар намунасини ишлаб чиқиш бўйича кодификациявий ишлар олиб бориш вазифаси топширилган. Шу маънода БМТнинг «Ушлаб бериш тўғрисидаги намунавий шартнома», «Жиноят иш юритуви соҳасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги намунавий шартнома», «Шартли айбланган ва озод қилинган ҳуқуқбузарлар устидан назорат қилиш учун топшириш тўғрисидаги намунавий шартнома», «Жиноят иш юритуви учун топшириш тўғрисидаги намунавий шартнома» [11] жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш ҳамда жиноий одил судлов соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўймоқчи бўлган давлатлар учун ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи омил бўлиши кўзда тутилган эди. Мазкур намунавий шартномалар амалдаги икки томонлама шартномаларни қайта кўриб чиқиш учун асос сифатида тақдим этар экан, БМТ замонавий ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан тўғри бўлган – жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид муносабатларни тартибга солувчи халқаро шартномалар муштараклигини таъминлаш мақсадини кўзлади.

Намунавий шартномалар, шубҳасиз, мажбурий характерга эга дегани эмас, яъни давлатлар унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни мустақил равишда амалга оширишлари мумкин.

Жиноий одил судлов ва жиноятчиликни огоҳлантириш бўйича БМТ Конгресси томонидан «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида, ушлаб бериш чора-тадбирларини ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш» [12] номли ҳужжат қабул қилиниб, унда асосан ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва ушлаб бериш масалаларини қамраб олган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ва жиноий одил судлов соҳасида халқаро ҳамкорликнинг асосий тенденциялари, амалиёти ва сўнгги ҳодисалари ўз аксини топган.

Демак, юқорида санаб ўтилган бир қанча намунавий шартномалар асосида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ўз навбатида халқаро ҳамжамиятнинг давлатлараро жиноят иш юритувининг самарадорлигини оширишга хизмат қилди десак муболаға бўлмайди.

Иккинчи гуруҳ – минтақавий ҳужжатлар. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик институтининг аҳамиятини бугунги кунда жаҳонда бу борада кўплаб минтақавий шартномалар тузилганлиги билан ҳам белгилаш мумкин. Ҳозирда ушбу сохага оид шартномалар давлатлараро дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлашга қаратилган одат нормаларга айланиб қолди. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид минтақавий тизимлар амалда дунёнинг барча минтақаларида ўз ўрнини топган**.**

Кўп томонлама шартнома ва келишувлар тузишдан кўзланган пировард мақсад – давлатларнинг географик яқинлиги, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқадорлиги, стратегик манфаатларининг умумийлиги туфайли жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг мақбул механизмини ишлаб чиқишдир. Бу эса, минтақавий ва умумминтақавий конвенцияларда ўз аксини топади.

Жумладан, Европа Кенгаши томонидан жиноят иш юритуви борасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш ҳақида халқаро шартномалари ишлаб чиқилган. «Экстрадиция тўғрисидаги Европа Конвенцияси» [13] иштирокчи давлат Конвенциянинг бошқа иштирокчи давлатларига тергов ҳаракатларини олиб бориш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб берилиши масалаларига бағишланган. Конвенция қоидалари сиёсий ёки ҳарбий жиноят содир этган шахсларга тааллуқли эмас ҳисобланиб, ўз фуқароларини ушлаб беришини рад этиш масаласи ҳам назарда тутилган. Солиқ, бож ва валюта операция қоидаларини бузганлик учун айбланаётган шахсларни ушлаб берилиши масаласи, фақатгина давлатлар ўртасида мазкур жиноятларга нисбатан тегишли келишув мавжуд бўлсагина йўл қўйилиши белгиланган.

Мазкур конвенцияга I-қўшимча протоколида [14] эса, инсониятга ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга йўналтирилган бир қатор янги қоидалар киритилган бўлиб, жиноят содир этган шахсларни ушлаб бериш учун йўл қўйилмайдиган сиёсий жиноятлар рўйхатидан ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятлар чиқариб ташланган. Шунингдек, Протоколда жиноят содир этган шахсларни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровларни рад этиш бошқа бир қатор асослар кўрсатиб ўтилган. Яъни, non bis in idem принципининг қўлланилиши масаласи атрофлича белгилаб берилган.

Конвенциянинг II-қўшимча протоколи [14] асосан «Экстрадиция бўйича Европа конвенцияси»ни қўллаш механизмини амалга оширишга қаратилган. Унга кўра, жиноят содир этган шахсни ушлаб бериши учун асос бўладиган жиноятлар қаторида бўлган молиявий жиноятлар борасидаги қоидалар аниқлаштирилган. Бундан ташқари, сиртдан ҳукм чиқариш ва амнистия борасида ҳам янги қоидалар жорий этилган.

Конвенциянинг III-қўшимча протоколи [14] ушлаб бериш жараёнини соддалаштириш ва тезлаштириш мақсадида шахснинг розилиги олган ҳолда экстрадиция қилишга бағишланган.

IV-қўшимча протоколи [14] эса, конвенцияга бир қанча ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши орқали замонавий талабларга мослаштирилган. Мазкур нормалар асосан, муддатнинг ўтиши, талабнома ва уни тасдиқловчи ҳужжатлар, ихтисослашув қоидаси, транзит ташиш, учинчи давлатга қайта экстрадиция қилиш ҳамда алоқа каналлари ва воситаларига боғлиқ бўлган масалалар ўз аксини топган.

«Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Европа конвенцияси» га [15] мувофиқ эса, давлатлар ўзаро жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини оладилар. Булар қаторига далилларни тўплаш ҳамда гувоҳ, эксперт ва гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш, чақирув қоғозларини топшириш каби масалаларда ёрдам беришлари назарда тутилган. Конвенциянинг амал қилиш доирасига суд ҳукмини ижро этиш, хибсга олиш ҳамда жиноий ҳаракат ҳисобланмайдиган ҳарбий уставни бузган шахсларни таъқиб қилиш киритилмаган. Конвенцияда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни рад этишнинг иккита асослари белгиланган:

а) агар ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни талаб қилаётган давлат томонидан шахснинг қилмиши сиёсий ва молиявий жиноят сифатида баҳоланадиган (квалификация қилинадиган) ҳуқуқбузарликка тегишли бўлса;

б) агар ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни талаб қилаётган давлат учун сўровни бажариш унинг суверенитетига, хавфсизлигига, жамоат тартибини ёки мамлакатнинг бошқа муҳим манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлса.

Мазкур конвенциянинг Қўшимча протоколида [14] унинг Конвенцияда белгиланган молиявий жиноятлар учунгина амал қилиниши таъкидланган бўлиб, унга кўра, айрим ҳужжатларни етказиб бериш, суд ахбороти алмашинуви масалаларига аниқлик киритилган.

«Жиноят суд иш юритуви учун топшириш тўғрисидаги Европа конвенцияси»га [16] мувофиқ ҳар қандай Аҳдлашувчи давлат гумон қилинувчини ишини кўришни бошқа Аҳдланувчи давлатга тақдим қилиши мумкин, бу ўз навбатида талабнома юборилган давлат суд муҳокамасини ўтказиш учун сўровни қаноатлантиришни, агар жиноят бу давлат учун сиёсий характер касб этса ёки сўров гумон қилинувчининг ирқий, диний ёки миллий келиб чиқишига асосланган бўлса рад этиши мумкин.

Юқорида қайд этилган Европа конвенциялари мисолида шуни кўриш мумкинки, давлатлар ўртасида янада яқин ва доимий ҳамкорликни амалга оширувчи ҳудудий органларнинг мавжудлиги, халқаро шартномаларни ишлаб чиқилишини ва қўлланилишини осонлаштиради. Бироқ, ечимини излаётган вазифаларни амалга оширишда алоҳида давлатларнинг манфаатларига зид келиши мумкин. Бу каби тўсиқлар шартномани ишлаб чиқиш босқичида юзага келади. Бундан ташқари, мазкур Европа конвенциялар ва уларнинг қўшимча протоколлари давлатлараро ҳуқуқий ҳамкорлик ва ҳуқуқий масалалар юзасидан ўзаро ҳаракатларини амалга ошириш учун мўлжалланган ҳужжатлар сирасига киритиш мумкин.

2002 йилдан Европа Иттифоқининг барча аъзолари томонидан қамоққа олиш учун европа ордери жорий қилинган. Европа ордери қўлланилиши натижасида жиноят содир қилганликда гумонланаётганларни ушлаб бериш жараёнига кетадиган муддат Европа Иттифоқи бўйича ўртача 45 суткагача қисқартирилган, агарда ушланган шахс экстрадиция қилинишига қаршилик билдирмайдиган бўлса, бу жараён 18 суткагача қисқартирилиши мумкин. Европа ордери жорий қилингунга қадар экстрадиция жараёни ўртача 9 ойгача давом этар эди [17, Б.88]. Кўриниб турибдики, экстрадиция қилиш жараёни ва юридик расмиятчиликни тартибга солишга кетадиган вақт орасидаги тавофутни вужудга келиши юқорида этиб ўтилган европа ордери билан қисман бўлса ҳам бартараф қилинган [18].

Европа мамлакатлари ўртасида мавжуд бўлган яна бир ҳужжат – 1962 йилги Экстрадиция ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Бенилюкс Конвенцияси бўлиб, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург давлатлари томонидан имзоланган. Мазкур конвенция Европа конвенциясининг кўпчилик жиҳатларини ва қоидаларини ўзида акс эттиради. Лекин, унинг асосий моддалари имзолаган давлатлар ўртасидаги яқин муносабатларни ўзига хос хусусиятиларини назарда тутади. Мазкур Конвенция томонлар ўртасидаги жиноят содир этган шахсларни ушлаб бериш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мавжуд аввалги шартномаларни қўллашни инкор қилади, албатта агар махсус декларация ёрдамида бошқа келишувлар мавжуд бўлмаса. Конвенциядан келиб чиқадиган ҳаракатларни амалга оширишда тўсқинлик қилиши ёки ўзгартирилишига сабаб бўлмаслиги учун томонлардан ҳеч бири 1957 йилги Экстрадиция тўғрисидаги Европа конвенциясига қўшилмаган эди [19, Б.53-54]. Ҳозирда мазкур давлатлар бир қанча қўшимча шартлар билан конвенциянинг иштирокчиси ҳисобланади.

Умумминтақавий даражадаги кўп томонлама шартномалар қаторига 1889 йилдаги Аргентина, Боливия, Парагвай, Перу ва Уругвай томонидан тузилган Халқаро жиноят ҳуқуқи тўғрисидаги Монтевидео шартномаси ҳам киради [20, Б.7-10]. Мазкур шартнома биринчи кўптомонлама лотинамерика шартномаси ҳисобланиб, кейинчалик 1902 йил ва 1933 йилда Аргентина, Боливия, Гаити, Гватемала, Гондурас, Доминикан Республикаси, Колумбия, Коста-Рика, Мексика, Никарагуа, Парагвай, Перу, Сальвадор, АҚШ, Уругвай, Чили, Эквадор томонидан тузилган ушлаб бериш тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилиниши учун асос бўлди дейиш мумкин.

1911 йилда Боливия, Венесуэла, Колумбия, Перу ва Эквадор томонидан Каракас Конвенцияси имзоланиб, унинг мантиқий давоми сифатида Боливия, Бразилия, Венесуэла, Гаити, Гватемала, Гондурас, Доминикан Республикаси, Коста-Рика, Куба, Никарагуа, Панама, Перу, Сальвадор, Чили ва Эквадор томонидан Бустаманте кодекси қабул қилинган [19, Б.9]. Халқаро хусусий ҳуқуқ Кодекси бўлишига қарамасдан, унинг III ва IV китоблари Халқаро жиноят ҳуқуқи, халқаро жараёнларга бағишланган. Унда давлатларнинг жиноят қонунлари, келишаётган давлатларнинг жиноят ишлари бўйича юрисдикцияси доираси, давлатларнинг ҳамкорлиги амалга ошириладиган жиноят турлари, судларнинг фаолияти ҳамда жиноят содир этган шахсларни ушлаб бериш, жиноят иши юзасидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги қоидалар батафсил акс эттирилган [21].

Иккинчи Монтевидео конвенцияси 1933 йилда қабул қилинган бўлиб, у биринчисини бекор

қилмаган. Лекин биринчиси бекор қилинганидан сўнг дарҳол кучга кириши белгиланган. Ушбу ҳужжатларга кейинги ўзгартиришлар 1940 ва 1957 йилларда киритилган [19, Б.63].

Америкалараро ушлаб бериш тўғрисидаги шартномаларнинг узоқ тарихий натижаси ҳисобланган 1981 йилда қабул қилинган Америкалараро Экстрадиция тўғрисидаги конвенцияси [22] 1992 йилда келиб кучга кирган бўлиб, Америка давлатлари учун очиқдир. Конвенцияда ушлаб бериш мажбурияти, юрисдикция масаласи, экстрадиция учун асос бўладиган жиноятлар, рад этиш асослари, қочоқлар ҳуқуқи, талабнома жўнатиш, юридик ёрдам, ихтисослаштирилганлик қоидалари, вақтинча ушлаб туриш ва огоҳлантириш чора тадбирлари, соддалаштирилган экстрадиция, транзит ўтказиш, харажатлар, бошқа экстрадицияга оид ҳужжатлар борасида томонлар келишиб олганлар.

Америкалараро ҳужжатлардан яна бири, 1992 йилда қабул қилинган Жиноят ишлари бўйича ўзаро ёрдам тўғрисидаги конвенция [23] ҳамда унга қўшимча Протокол (1993 йил) [24] бўлиб, унда келишувнинг қўлланиш доираси, иккиёқлама жиноятчилик, ҳарбий жиноятлар, ёрдам кўрсатишни рад этиш, талабнома юбориш ва уни бажариш, қидирув, мусодара, мол мулкни топшириш, ижро этиш вақти ва жойи, суд қарорларини ижро этиш, жиноят иши юзасидан гувоҳ ва экспертларни иштирокини таъминлаш, маълумот ва далилларни жўнатиш, улардан фойдаланишдаги чекловлар каби масалаларни ўз ичига олган. Қўшимча Протоколда эса, Конвенциянинг 9-моддасида белгиланган солиққа оид жиноятлар учун рад этиш ҳуқуқи Протокол иштирокчи бўлган давлатлар учун бекор қилинганлиги назарда тутади. Яъни, ёрдам бериш ҳақида талабнома юборган давлат мазкур қилмиш талабномани олган давлатнинг қонунчилигига мувофиқ ҳам жиноий қилмиш деб топилсагина рад этилмаслиги белгилаб олинган.

Минтақавий тузилмаларнинг соҳага оид кўптомонлама шартномалари қаторига Ғарбий Африка давлатларининг Иқтисодий бирлашмаси 1992 йилда Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги конвенцияни қабул қилган бўлиб, мазкур ҳужжат 2003 йилга келиб кучга кирган. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш доираси конвенциянинг 2-моддасида кўрсатилган бўлиб, уларга гувоҳларнинг ариза ва кўрсатмалари, суд ҳужжатларини тақдим қилиш, тинтув ўтказиш, жойларни кўздан кечириш ҳамда ҳужжат ва материалларнинг нусхасини ва аслини тақдим этиш каби ҳаракатларни ўз ичига олади [25, Б.31]. Шунингдек, мазкур Бирлашма томонидан 1994 йил август ойида Абуджеда имзоланган Ушлаб бериш тўғрисидаги конвенция [26] ҳам қабул қилинган. Конвенцияга кўра, ушлаб бериш деганда сўралаётган давлатдан содир этган жинояти ёки суд ҳукмини ижросини таъминлаш учун қидирилаётган барча шахслар ушлаб берилиши назарда тутилган.

Араб давлатлари томонидан қабул қилинган кўптомонлама ҳужжатлар қаторига 1952 йилги Араб мамлакатлари Лигаси шартномасини [27] киритиш мумкин. У Миср, Ироқ, Иордания, Саудия Арабистони ва Сурия каби мамлакатлар ўртасида имзоланган. Мазкур шартнома ушлаб бериш масаласи бўйича асос сифатида хизмат қилсада, иштирокчи давлатлар ўртасида иккитомонлама келишувларни мавжудлигини назарда тутади. Бундан ташқари, Саудия Арабистони Қироллиги, БАА, Оман салтанати, Қувайт, Бахрайн, Қатар каби олтита араб кўрфази мамлакатлари томонидан ташкил этилган Форс Кўрфази Ҳамкорлик Кенгаши номли араб минтақавий ташкилотининг хавфсизликни таъминлашган қаратилган «Ар-Риёд Суд ҳамкорлиги тўғрисида»ги конвенцияларни [27] тилга олсак бўлади. Мазкур хужжатда ҳам давлатларнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлиги масалалари белгилаб қўйилган.

1991 йил мустақилликка эришгач, Озарбайжон беқарор сиёсий вазият, иқтисодий танглик ва Тоғли Қорабоғдаги можаро туфайли мажбурий кўчирилганлар ва қочоқларнинг ички кўчиши боис чегарада юзага келган қийинчилик оқибатида фуқароларининг эмиграциясининг улкан тўлқини билан тўқнашди [3, Б.171-210]. 1990-йиллар бошида диний хусусиятга эга миллатлараро зиддиятлар билан бир қаторда юзага келган иқтисодий танглик ва ишсизлик даражасини кескин ошиши оқибатида меҳнат миграцияси авж олди.

Озарбайжонлик мигрантларнинг аксарияти Россия Федерациясининг меҳнат бозорига кириб борди. Ҳозирги кунга қадар улар Москва, Санкт-петербург, Сочи, Екатеринбург каби йирик шаҳарларда асосан мева-сабзавот савдоси соҳасида фаолият кўрсатиб келади. Шаклланган, миқдор ва сифат жиҳатидан тобора ривожланаётган Озарбайжон диаспораси сиёсий (давлатлараро муносабатларни ривожлантиришга ҳисса қўшиш), ҳуқуқий (ватандошларнинг у ёки бу қисмининг ҳуқуқларини ҳимоясини таъминлаш) ва маданий-маърифий функцияларни бажарувчи жамоат ташкилотларига заруратини туғдирди.

Бизнинг фикримизча, давлат чет элдаги диаспораси билан доимий алоқада бўлишга мажбур. Бинобарин, улар мамлакат ривожланишига бевосита таъсир ўтказади. Иқтисодий ва ташқи сиёсий омиллардан ташқари, мамлакатнинг ички сиёсий вазиятига, қолаверса, обрўсига ҳам путур етказиши эҳтимолдан холи эмас. Бунга мисол сифатида Исроил ва Арманистон ҳукуматларининг сиёсатига чет эл диаспораларининг таъсирини келтиришимиз мумкин [4, Б.93-117].

Озарбайжоннинг миграция сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги давлат бошқарувининг ушбу ютуқлари ва айрим муаммоларининг ҳар бирини тадқиқотимиз доирасида ишлаб чиқилган қуйидаги мезонлар кетма-кетлигида таҳлил қиламиз:

1) миграция ҳуқуқининг конституциявий кафолатланганлиги;

2) миграция соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ стандартларига мувофиқлиги;

3) миграция масаласи билан бевосита шуғулланадиган халқаро ташкилотлар ҳамжамиятига интеграциялашганлиги;

4) миграция соҳасидаги давлат сиёсати концепциясининг қабул қилинганлиги;

5) миграция сиёсатини амалга оширадиган ягона ихтисослашган органнинг мавжудлиги;

6) миграция қонунчилигининг унификациялаштирилганлиги;

7) миграцияни тартибга солишга қаратилган замонавий усуллардан фойдаланилиши.

Биринчи мезон: миграция ҳуқуқининг конституциявий кафолатланганлиги. Озарбайжоннинг миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг асосий пойдеворини мамлакат Конституциясининг 28-моддасида ифодаланган. Ушбу моддада миграцияга оид бир қатор муҳим қоидалар ўрин олган. Унга биноан, ҳар бир киши эркинлик ҳуқуқига эга. Эркинлик ҳуқуқи фақатгина қонун билан чекланиши мумкин. Озарбайжонда қонуний бўлиб турган ҳар бир шахс эркин ҳаракатланиши, яшаш жойини танлаши ва мамлакат ҳудудидан ташқарига чиқишга ҳақлидир. Озарбайжон Республикаси фуқароси исталган пайт ўз мамлакатига тўсиқсиз қайтиб келиш ҳуқуқига эга [5]. Ушбу модда эркин ҳаракатланишнинг барча анъанавий ҳуқуқлардан хусусиятли жиҳати шундаки, мамлакат фуқароси нафақат ҳудуд ичида кўчиб юриши ёки чет элга чиқиб кетиши, балки ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқини «исталган пайт» ва «тўсиқсиз» амалга ошириш имконияти конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Қиёсий таҳлилларимиз натижасига кўра, Арманистон (40-модда) [6], Грузия (14-модда) [7], Озарбайжон (28-модда), Россия (27-модда) [8], Украина (33-модда) [9] ва Қозоғистон (21-модда) [10] конституцияларида эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи мамлакат ҳудудида қонуний бўлиб турган ҳар бир шахс учун кафолатланади.

Беларусь (30-модда) [11], Молдова (27-модда) [12], Тожикистон (24-модда) [13] ва Эстония (36-модда) [14] конституцияларига мувофиқ, эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига фақатгина мамлакат фуқаролари эга бўлиб, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бундай ҳуқуқдан фойдаланишлари кўзда тутилмаган.

Қирғизистон (16-модда) ва Молдова (27-модда) конституцияларида эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқлари билан бир қаторда бўлиш жойини (место пребывания) эркин танлаш ҳуқуқи кафолатланган. Бироқ таҳлил қилинган мамлакатлардаги конституциялар ва қонунчилик ҳужжатларида эркин ҳаракатланиш принципи ҳамда яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи эътироф этилганлигига қарамай, мазкур давлатлар фуқаролари амалда ушбу ҳуқуқларни

амалга оширишда муайян даражада чекланган. Зеро, рухсат берувчи прописка институти МДҲнинг кўпгина давлатларида ҳануз бекор қилинмаган.

Қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролар хорижга чиқишлари, эркин ҳаракатланиши, айниқса, тўсиқсиз ва исталган вақт қайтиб келишлари ҳақидаги норма нафақат Озарбайжон Конституциясида, балки бошқа ривожланган давлатларнинг асосий қонунида ҳам учрайди. Масалан:

Канадада: «6-модда. (1) Эркин ҳаракатланиш. Ҳар бир Канада фуқароси Канадада яшаши, у ердан кетиши ва мамлакатга қайтиб келиш ҳуқуқига эга» [15];

Марокашда: «24-модда. Қонунга мувофиқ давлат ҳудудида барча эркин ҳаракатланиши ва жойлашиш, ундан чиқиб кетиш ва қайтиб келиш ҳуқуқи кафолатланади» [16];

Руминияда: «25-модда. Ҳар бир фуқарога мамлакатнинг исталган жойида ўзининг яшаш ёки бўлиш манзилини белгилаш, чиқиб кетиш ҳамда мамлакатга қайтиб келиш ҳуқуқи таъминланади» [17];

Туркияда: «23-модда. Фуқаролар мамлакатдан чиқартириб юборилиши ва ватанга қайтиб келиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас» [18];

МДҲнинг бошқа мамлакатларида ҳам миграцияга оид қонунчилик қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу давлатлар фуқаролари хорижга чиқишлари, айниқса, қайтиб келишларида тўсиқсиз ва исталган пайт эркин ҳаракатланиши, шу билан бирга, ушбу давлатлар ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ ва равшан белгиланган.

Кўпгина мамлакатларда давлат ҳудудида эркин ҳаракатланиш, яшаш жойини танлаш ва уни тарк этиш қонунда белгиланган тартибда (одатда, суд қарорига мувофиқ) чекланиши мумкинлиги кўзда тутилганлиги, бироқ фуқароларнинг ўз юртига исталган пайт қайтиб келиш ҳуқуқи ҳеч қандай чекловларсиз амалга оширилади.

Бинобарин, дунёдаги ҳар бир мамлакат ўз фуқаросининг Ватанига қайтиш ҳуқуқини чекланишига йўл қўймаслик мақсадида ушбу нормани конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйган.

Жумладан, хорижий мамлакатлар Конституцияларида:

Арманистон: «40-модда. Эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи. 4. Арманистон Республикаси фуқаросининг қайтиб келиш ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилмайди»;

Беларусь: «30-модда. Беларусь Республикаси фуқаролари Беларусь Республикаси ҳудудида эркин ҳаракатланиши ва яшаш жойини танлаш, уни тарк этиш ва тўсиқсиз қайтиб келиш ҳуқуқига эга»;

Қозоғистон: «21-модда. 2. Ҳар бир шахс Республика ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Республика фуқаролари Республикага тўсиқсиз қайтиб келиш ҳуқуқига эга»;

Россия Федерацияси: «27-модда. 2. Россия Федерацияси фуқароси Россия Федерациясига тўсиқсиз қайтиб келиш ҳуқуқига эга»;

Тожикистон: «24-модда. Фуқаро эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш, республика ҳудудидан кетиш ва у ерга қайтиб келиш ҳуқуқига эга»;

Украина: «33-модда. Украина фуқароси Украинага исталган пайт қайтиб келиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас»;

Эстония: «36-модда. Эстониянинг ҳеч бир фуқароси Эстониядан чиқартириб юборилиши ва Эстонияга қайтиб келишига тўсқинлик қилиш мумкин эмас», дейилган.

Иккинчи мезон: миграция соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ стандартларига мувофиқлиги. Озарбайжон 1999 йилда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланадиган Бош Ассамблеясининг 1990 йил 18 декабрдаги 45/158-сонли резолюцияси билан қабул қилинган «Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича» [19] конвенциясини ратификация қилган [20]. Бундан ташқари қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция ва уни тўлдирувчи протоколлари, фуқароликка эга бўлмаганликни қисқартириш, фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги конвенциялар, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва уни тўлдирувчи одам савдоси ва айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тақиқлаш ҳамда бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан жазо қўллаш тўғрисидаги қўшимча Протоколи, Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва уни тўлдирувчи мигрантларни қуруқлик, ҳаво ва денгизда ноқонуний тарзда олиб ўтишга қарши қўшимча Протоколи каби миграцияга доир бир неча ҳужжатларга қўшилган.

Айрим тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, гарчи Озарбайжон фуқароликка эга бўлмаганликни қисқартириш, фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, турмушга чиққан

аёлларнинг фуқаролиги тўғрисидаги конвенцияларни ратификация қилган бўлса-да, бироқ мамлакатнинг миллий қонунчилигидаги ҳуқуқий нормалар ҳар доим ҳам ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга тўла мос келавермайди ва уларни амалга оширишнинг тегишли механизми белгиланмаган.

Озарбайжон МДҲ доирасида 2010 йилдан кучга кирган «Ҳамдўстликка аъзо-давлатлардан келган меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида»ги МДҲ Конвенцияси, 1996 йилдан амалда бўлган «МДҲга аъзо-давлатлар томонидан қабул қилинган меҳнат миграцияси ва меҳнаткаш-мигрантларнинг ижтимоий ҳимояси соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида»ги каби бир қатор имзоланган битимлар бўйича мажбуриятларни зиммасига олган. 2004 йилда Украина билан «Озарбайжон ҳудудида вақтинчалик ишлаётган Украина фуқаролари ва Украина ҳудудида вақтинчалик ишлаётган Озарбайжон фуқароларининг бандлиги ва ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги битим имзоланган [21]. Битим меҳнат стажини тан олиш, ижтимоий таъминот, пенсия ҳуқуқлари ва тиббий суғурта каби масалаларни тартибга солади. Миграция соҳасидаги шунга ўхшаш ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Молдова билан ҳам тузилган.

Учинчи мезон: миграция масаласи билан бевосита шуғулланадиган халқаро ташкилотлар ҳамжамиятига интеграциялашганлиги. Бир неча йиллар давомида БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Озарбайжон Республикасига миграция соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқишда, унинг устувор йўналишларини белгилашда фаол кўмаклашиб, миграция органлари ходимларининг касбий даражасини ошириш ва моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича қўшма дастурларни амалга ошириб келган.

Озарбайжоннинг миграция масалалари бўйича ҳамкорлик соҳасидаги асосий шериги Миграция бўйича халқаро ташкилот ҳисобланади. 1996 йилдан Озарбайжонда МХТнинг техник лойиҳалари ва кўмаклашиш дастурлари амалга оширилмоқда. 2001 йилда Озарбайжон миграция соҳасидаги ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг тўлақонли аъзосига айланди.

МХТ ҳукуматлараро муассаса сифатида Озарбайжон ҳукумати билан биргаликда миграция соҳасида тезкор муаммоларнинг ҳал этишда кўмаклашиш, миграция орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ёрдамлашиш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва мигрантларнинг шаъни, қадр-қимматини таъминлаш каби фаолиятларни амалга оширади.

Бундан ташқари, МХТ ўзининг мандати доирасида Озарбайжон ҳукумати ва фуқаролик жамияти институтларига қуйидаги йўналишда ҳам кўмак беради [22]:

кутилмаган миграция оқимига тезкорлик ва инсонпарварлик билан муносабат билдириш;

низоли вазиятлардан кейин ватанга қайтариш ва турди реинтеграция дастурлари;

меҳнат миграциясига кўмаклашиш;

ноқонуний мигрантларнинг ихтиёрий қайтаришга ёрдамлашиш;

юқори малакали фуқароларнинг ватанга қайтариш дастурларини амалга ошириш;

мураккаб вазиятга тушган мигрантларга кўмаклашиш дастурларини амалга ошириш;

миграция соҳасида фаолият олиб борувчи давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларнинг малакасини ошириш;

одам савдосига қарши курашишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

турли тиббий дастурларни амалга ошириш;

мигрантлар учун ахборот ва таълим дастурларини амалга ошириш;

миграцияни бошқариш ва мигрантларга хизмат кўрсатишга оид тадқиқотлар олиб бориш.

Шунингдек Озарбайжон Европа кенгаши ва ЕХҲТ билан ҳамкорлик қилади. 2006 йил 14 ноябрда Озарбайжон ва Европа иттифоқи ўртасида «Европа қўшничилик сиёсати» доирасида ҳаракатлар режасининг ижроси тўғрисида келишувга эришилди. Ҳаракатлар режаси чегара назорати, ноқонуний миграцияни олдини олиш, реадмиссия, қайтиб келаётган мигрантларнинг интеграцияси тўғрисидаги битимлар каби миграция масалаларини қамраб олган [23, Б. 83].

Тўртинчи мезон: миграция соҳасидаги давлат сиёсати концепциясининг қабул қилинганлиги. 2004 йил 13 июлда қабул қилинган Озарбайжоннинг миграция сиёсати давлат концепцияси давлат органлари олдида турган асосий мақсадларни белгилаб берди. Уни амалга ошириш учун 2006 йил 25 июлда Озарбайжон Республикаси Президентининг «2006-2008 йиллар учун Миграция бўйича давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1575-сонли Фармони [24] қабул қилинди. Мазкур фаолиятнинг устувор йўналишлари орасида Давлат дастурида мавжуд қонунчилик базасини яхшилаш, меҳнат миграцияси соҳасида квота институтини жорий қилиш,

ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Концепция умумий қоидалар, Озарбайжондаги миграция аҳволи, миграция сиёсатининг мақсадлари, принциплари ва вазифалари, шунингдек миграция сиёсатини амалга ошириш механизмлари каби бўлимлардан иборат. Озарбайжон давлат миграция сиёсатининг асосий йўналишлари:

миграция жараёнлари устидан назоратни таъминлаш ва ноқонуний миграцияни олдини олиш;

чет элда истиқомат қиладиган озарбайжонлик ватандошларни Озарбайжонга кўчиб келишларини рағбатлантириш, эмигрантларни қайтиб келишига кўмаклашиш, шунингдек юқори малакали мутахассислар ва мамлакат меҳнат бозорига зарур бўлган чет эллик ходимларнинг иммиграциясини қўллаб-қувватлаш;

Озарбайжонда тадбиркорлик билан шуғулланувчи чет эл фуқаролари учун мамлакатга келиш ва истиқомат қилиш тартибини соддалаштириш ҳисобланади.

Концепцияни амалга оширишнинг асосий механизмлари:

миграция тўғрисидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

миграцияни бошқариш тизимини ривожлантириш ва миграцияни бошқарувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

миграция масаласи бўйича ягона давлат ахборот тизимини яратиш;

миграция жараёнларини тартибга солиш учун тегишли халқаро ташкилотлар ва чет эл мамлакатларининг ҳукумат муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Бешинчи мезон: миграция сиёсатини амалга оширадиган ягона ихтисослашган органнинг мавжудлиги. Дунё мамлакатларининг аксариятида миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солувчи ва миграция сиёсатини амалга оширувчи алоҳида махсус ваколатли органлари фаолият кўрсатади. Одатда, бу каби мамлакатларнинг айримлари мигрантларни қабул қилувчи бўлса, айримлари ишчи кучини экспорт қилувчи ҳисобланади.

МДҲ иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси 43-ялпи мажлисининг 2015 йил 27 ноябрдаги 43-3-сонли қарори билан «Миграция тўғрисида»ги намунавий қонун [25, Б. 224] қабул қилинган бўлиб, «Миграция кодекси»нинг намунавий лойиҳасини ҳам ишлаб чиқиш вазифалари юклатилган.

Қоида тариқасида ҳар бир мамлакатда Миграция кодекси доирасида миграция сиёсатини амалга ошириш бўйича махсус ваколатли давлат органи фаолият кўрсатиши белгиланган.

Айни пайтда Озарбайжон, Қирғизистон, Туркманистонда бу борадаги фаолият алоҳида давлат органи томонидан амалга оширилади. Собиқ иттифоқнинг қолган мамлакатларида ИИВ таркибида, хусусан, Украинада Миграция давлат хизмати, Молдовада Миграция ва бошпана бўйича бюро, Латвияда Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқармаси, Литвада Полиция департаментининг Миграция бўлими, Беларусда Фуқаролик ва миграция бўйича департамент фаолият кўрсатади. Россия Федерациясида 2004-2016 йилларда Федерал миграция хизмати ИИВга ҳисобдор алоҳида хизмат, 2016 йилдан эса ИИВ таркибидаги Бош бошқарма сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Миграция соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, миграция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш тизимини яратиш ва ваколатли давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Озарбайжон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги 560-сонли Фармони билан Давлат миграция хизмати тузилиб, тегишли Низом тасдиқланди. Илгари ушбу орган ИИВ ҳузуридаги бошқарма сифатида президент фармони билан 2005 йил 29 июнда таъсис этилган [26].

Давлат миграция хизмати марказий ижро ҳокимиятининг органи ҳисобланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мақомига эга бўлган миграция жараёнларини тартибга солиш ва бошқариш бўйича ваколатларни амалга оширади.

Давлат миграция хизмати фуқаролик бўйича аризаларни кўриб чиқади, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Озарбайжонда вақтинчалик истиқомат қилишга рухсат беради, уларга вақтинчалик яшаш ҳуқуқини узайтиради, иммигрантлар ёки қочоқларга чет эллик мақомини тақдим этади. Давлат миграция хизматининг фаолияти инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, қонунийлик ва инсонпарварлик каби принципларига асосланади.

Миграция жараёнлари учун тўлиқ жавобгарлик Давлат миграция хизматига тегишлилигига қарамай, ИИВ, ТИВ, Давлат чегара хизмати, Меҳнат ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги, Қочоқлар ва мажбурий кўчирилганлар ишлари бўйича давлат қўмитаси ҳам ўзларининг фаолият

доираларида миграция масалалари билан шуғулланади. Масалан, ТИВда чет эл фуқароларига визалар бериш, хориждаги Озарбайжон фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва уларга консуллик хизматлар кўрсатиш, миграция соҳасидаги халқаро ташкилотлар ва манфаатдор давлатлар билан ҳамкорлик қилиш каби масалалар қолган.

2008 йилда ватандошлар билан алоқаларни ривожлантиришга масъул бўлган Диаспора масалалари бўйича давлат қўмитаси тузилган. Мамлакатда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил девонида чет эл фуқаролари, мигрантлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадиган Қочоқлар ва мажбурий кўчирилганларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича сектор фаолият кўрсатади. Шунингдек, Озарбайжоннинг Нахичеван автоном Республикасида ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратади.

Зеро, минтақада автоном республиканинг қулай географик жойлашуви ва жадал иқтисодий тараққиёт ҳудудга Эрон, Покистон, Туркия, Корея каби мамлакатлардан меҳнат мигрантларни жалб қилди. Автоном республикада миграция жараёнларини самарали тартибга солиш мақсадида бандлик стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тайёрланган.

Бундан ташқари, Омбудсманлар халқаро институти, Европа омбудсманлар институти ва Осиё омбудсманлар ассоциацияси доирасида, шунингдек икки томонлама ҳамкорлик даражасида мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоялаш масалалари бўйича ҳамкорликни амалга оширувчи Миграция масалалари бўйича Омбудсман – махсус маслаҳатчи тайинланган.

Ваколатли давлат органи хусусида мигрантларнинг пул жўнатмаларини қабул қилиш бўйича дунёда 1-ўринда турадиган Ҳиндистон тажрибаси билан солиштириш мумкин. Ҳиндистонда миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат органи ва нодавлат ташкилотлар мавжуд.

ТИВ ҳузурида халқаро миграция масаласи бўйича фаолият кўрсатувчи Ҳиндистон миграция маркази (Indian Centre for Migration) [27] аввал фаолият юритган чет элда бандлик масалалари бўйича Ҳинд кенгаши ўрнида қайта ташкил этилган. Шунингдек, ТИВ тасарруфида 2008 йилда чет элдаги ҳиндларнинг тараққиёт жамғармаси фаолият кўрсатади.

ИИВ ҳузурида мустақил ташкилот сифатида фаолият кўрсатувчи Иммиграция бюроси 1971 йилда ташкил этилган бўлиб, бутун Ҳиндистон бўйича 87 та иммиграцион назорат пунктлари мавжуд.

Хитой нафақат ишчи кучи экспорт қилувчи, балки мигрантлар қабул қилувчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. 2018 йил давомида хитойлик мигрантлар юртларига 67.4 млрд АҚШ доллари миқдорида пул жўнатиб, Ҳиндистондан кейинги 2-ўринни эгаллаган [28, Б. 3]. 2018 йил 2 апрелда ташкил этилган Миллий иммиграция идораси (NIA – National immigration administration) [29] Хитой Халқ Республикасининг Жамоат хавфсизлиги вазирлиги ҳузуридаги алоҳида муассаса ҳисобланади (2018 йил 17 мартдаги 13-Халқ конгрессидаги биринчи қарорга асосан).

Туркияда эса миграция соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланадиган ИИВ ҳузуридаги Миграция хизмати бош бошқармаси 2013 йил 4 апрелдаги «Чет элликлар ва халқаро ҳимоя тўғрисида» ги 6458-сонли Қонун [30] асосида ташкил этилган. Бош бошқарма халқаро ҳимоя, одам савдоси қурбонларини ҳимоялаш, миграция сиёсати ва лойиҳаларни амалга ошириш, чет элликларнинг мослашуви, АКТ, халқаро алоқалар, ноқонуний миграцияга қарши курашиш каби департаментлардан иборат. Ғарбий Европа, хусусан, Германиядаги турк диаспораси катта салмоққа эга. Шу билан бирга, Сурiядаги нотинчлик туфайли мигрантлар оқими Туркияни транзит ҳудудига айланишига олиб келди.

Қирғизистон 2018 йилда МДҲ мамлакатлари орасида миграциядан тушадиган маблағларнинг ЯИМда энг катта улуши тўғри келган мамлакат бўлиб (35.1 %), Давлат миграция хизмати Ҳукумат таркибида мустақил орган сифатида 2015 йил 11 декабрда ташкил этилган [31].

Туркманистон Давлат миграция хизмати давлат бошқаруви органи бўлиб, миграция тизимини тартибга солади ва миграция соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади. Давлат миграция хизмати Президентнинг 2003 йил 21 февралдаги 6133-сонли қарори [32] билан ташкил этилган Чет эл фуқароларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизмати негизида 2008 йил 17 апрелдан қайта ташкил этилган.

Олтинчи мезон: миграция қонунчилигининг унификациялаштирилганлиги. Айни пайтда Озарбайжонда миграция соҳасида 20 дан зиёд қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилади. Жумладан:

Кириш, чиқиш ва паспортлар тўғрисидаги қонун;

Озарбайжон Республикаси Давлат чегаралари тўғрисидаги қонун;

Озарбайжон Республикаси фуқароларининг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома тўғрисидаги қонун;

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонун;

Яшаш жойи ва ҳақиқий манзили бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қонун;

Озарбайжон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги қонун;

Иммиграция тўғрисидаги қонун;

Меҳнат миграцияси тўғрисидаги қонун;

Қочоқлар ва кўчирилган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонун;

Чет элда истиқомат қилаётган фуқароларга нисбатан давлат сиёсати тўғрисидаги қонун [33].

2013 йил 2 июлда мамлакатда чет эллик шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, миграция жараёнларини тартибга солиш ҳамда миграция масалаларида давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ нормаларни жорий қилиш мақсадида Озарбайжон Республикаси Миграция кодекси Президент томонидан имзоланган [34, Б. 89]. Кодекс 6 бўлимдан иборат бўлиб, умумий қоидалар билан бирга Озарбайжон Республикаси ҳудудига кириш ва чиқиш, миграция жараёнига доир зарурий ҳужжатлар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш каби нормаларни қамраб олган [35].

Мазкур кодексда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шартлари, паспортлар, Озарбайжонда вақтинча ёки доимий яшашга келган шахслар, меҳнат миграцияси, яқин қариндошлар, ишлашга рухсатнома, визалар, яшаш жойи ва миграция билан боғлиқ бошқа шартларнинг изоҳи жой олган. Бундан ташқари, миграция фаолиятини рўйхатга олиш мақсадлари ва миграция ёзувини жорий қилиш ва амалга ошириш учун асослар ҳам баён этилган. Кодекснинг ўзига хос хусусиятларидан бири Озарбайжон Республикаси миллий қонунчилиги тарихида илк маротаба визаларнинг батафсил турлари ва таснифи берилган бўлиб, бошқа қонуности ҳужжатларга ҳаволалар озлиги билан фарқланиб туради [36].

Шу билан бирга, Озарбайжоннинг миграцияга доир миллий қонунчилигини мукаммалроқ даражада шаклланган ва ривожланган, деб бўлмайди. Масалан, депортация тўғрисида қонун мавжуд эмас. Депортация қилиш ҳақидаги қарор суд ажримисиз Миграция давлат хизмати томонидан қабул қилинади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари мамлакат ҳудудида 30 кун давомида рўйхатдан ўтмаган ҳолда қолишлари мумкин. Ушбу муддатдан кўп вақтга қолишни истаган шахс яқин жойдаги полиция бўлинмасига мурожаат қилиши, рўйхатдан ўтиши ва регистрация карточкасини олиши керак. ТИВ эса, паспортга белги қўяди. Визага эга шахснинг регистрация карточкаси бўлмаса жарима солинади.

Озарбайжонда ноқонуний миграцияни олдини олиш ва аҳолининг эркин ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида шахснинг биометрик идентификацияси тизимини жорий қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди, Республика Президентининг 2007 йил 13 февралдаги 1963-сонли фармони билан тегишли давлат дастури қабул қилинди. Айнан мана шундан бошлаб иммиграция сиёсати тобора кучайтирилиб, ноқонуний миграцияга қарши курашиш учун қаттиқ жазолар кўзда тутилган нормалар киритилди [37, Б. 34].

Еттинчи мезон: миграцияни тартибга солишга қаратилган замонавий усуллардан фойдаланилиши. Озарбайжоннинг Давлат миграция сиёсати концепциясида белгиланган мақсадларга эришишда зарурий ҳаракатларни амалга ошириш учун 2006-2008 йилларга мўлжалланган Давлат миграция дастури Озарбайжоннинг миграция жараёнлари ҳақида умумий маълумотлар ва уларнинг тавсифи, давлат миграция сиёсатининг асосий йўналишлари ва ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорликни ўз ичига олувчи 3 қисмдан иборат.

Бундан ташқари, Давлат миграция сиёсати доирасида амалга оширилиши лозим бўлган чоралар ҳам белгиланган.

Дастурга мувофиқ, Давлат миграция сиёсатининг асосий мақсади миграция оқимини тартибга солиш ва уни истиқболини белгилаш, Озарбайжоннинг миллий хавфсизлик ва манфаатларини таъминлаш, халқаро нормалар ҳамда замонавий талабларга биноан миграция соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш, қонунларни қўллаш самарадорлигини таъминлаш, миграция соҳасида ягона маълумотлар базаси ва замонавий автоматлаштирилган назорат тизимини яратиш, ноқонуний миграция жараёнларининг салбий оқибатларини олдини олиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Озарбайжон Республикаси Президентининг 2009 йил 4 мартдаги «Миграция жараёнларини

бошқаришда «ягона дарча» принципини қўллаш тўғрисида»ги Фармони ҳам меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжат миграцияни бошқариш механизмини такомиллаштириш ва соҳага оид фаолият шаффофлигини таъминлаш, иммиграция назоратини амалга оширишни енгиллаштириш, мурожаатларни кўриб чиқишда турли бюрократик тўсиқларни камайтириш мақсадида қабул қилинган бўлиб, 2009 йил 1 июлдан бошлаб чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга «ягона дарча» принципи асосида яшаш ва меҳнат қилишга рухсатнома олиш учун хизмат кўрсатила бошланди. Мазкур принцип бўйича ягона давлат органи ваколатини амалга ошириш Озарбайжон Республикаси Давлат миграция хизматига юклатилди. Хизмат фуқаролик масалаларида иштирок этади ва қочоқ мақомини белгилайди [38].

Хуллас, Озарбайжоннинг миграция жараёнларини давлат томонидан бошқариш кўп жиҳатдан замон талабларига тўлиқ жавоб бера олади. Хусусан, Озарбайжон миграция соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормалари эътироф этган ҳолда халқаро механизмлар тизимига интеграциялашган, давлат миграция сиёсати концепцияси, уни амалга ошириш бўйича давлат дастури ижро қилинган, ваколатли алоҳида давлат органи таъсис этилган, мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантириб, Миграция кодекси қабул қилинган ва миграцияни тартибга солишга қаратилган замонавий усуллардан самарали фойдаланилмоқда. Бироқ мутахассисларнинг фикрича, асосий камчилик шундаки, институционал механизмлар жиҳатидан, мамлакатдаги миграцияга доир турли процедуралар билан ҳанузгача ҳар хил идоралар шуғулланади. Масалан, шахсни тасдиқловчи вақтинчалик ҳужжат ва рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш ИИВнинг ваколатларида қолмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Халбаева А.М. Политическое управление миграционными процессами в современной России: опыт, тенденции, риски. Диссертация на соискание ученой степени кандидата политических наук. Москва, 2015. –
2. «Azərbaycan» qəzeti, 5 mart 2009-cu il, №51.
3. José Ángel López Jiménez. El conflicto de Nagorno-Karabaj: Disputa territorial entre Armenia y Azerbaiyán. Madrid: Dykinson, 2017. – P.171-210.
4. Ofira Seliktar. The American Jewish diaspora as a spoiler. Indiana University Press, 2019. – P.93-117.
5. Azərbaycan Respublikasının Konstitusiyası // Электрон манба: URL: http://www.e-qanun.az/framework/897 (мурожаат вақти: 11.01.2019).
6. Հայաստանի Հանրապետության Սահմանադրություն // Электрон манба: https://www.president.am/hy/constitution/ (мурожаат вақти: 24.04.2019).
7. საქართველოს კონსტიტუცია (Конституция Грузии с изменениями от 23.03.2018 г., № 2071) // Электрон манба: URL: http://www.parliament.ge/ge/kanonmdebloba/constitution-of-georgia-68
8. Конституция Российской Федерации // Электрон манба: URL: http://www.constitution.ru.
9. Конституція України // Электрон манба: URL: https://www.president.gov.ua/documents/constitution (мурожаат вақти: 01
10. Қазақстан Республикасының Конституциясы // Электрон манба: URL: http://www.constitution.kz/kaz/
11. Канстытуцыі Беларусі // Электрон манба: http://pravo.by/pravovaya-informatsiya/normativnye-dokumenty/konstitutsiya-respubliki-belarus/
12. Consolidation of Constitution Acts, 1867 to 1982 // Электрон манба: URL: http://laws.justice.gc.ca/eng/Const/Const_index.html.
13. Конститутсияи Ҷумҳурии Тоҷикистон // Электрон манба: URL: http://www.prezident.tj/taxonomy/term/5/111
14. Eesti Vabariigi põhiseadus // Электрон манба: https://www.presi-dent.ee/en/republic-of-estonia/the-constitution/index.html
15. Consolidation of Constitution Acts, 1867 to 1982 // Электрон манба: URL: http://laws.justice.gc.ca/eng/Const/Const_index.html
16. دستور المغرب // URL: http://www.chambredesrepresent-ants.ma/fr/node/41494
17. Constituţia României // URL: http://www.cdep.ro/pls/dic/site2015 page?den=act1_1&par1=0&idl=0
18. Türkiye Cumhuriyeti Anayasasi // URL: https://www.tbmm.gov.tr/anayasa.htm
19. БМТнинг «Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш бўйича» конвенцияси // URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/migrant.shtml

20. Озарбайжон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги // Электрон манба: URL: http://www.mfa.gov.az/en/content/118.

21. «Озарбайжон ҳудудида вақтинчалик ишлаётган Украина фуқаролари ва Украина ҳудудида вақтинчалик ишлаётган Озарбайжон фуқароларининг бандлиги ва ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги битим // URL: https://azerbaijan.mfa.gov.ua/ru/ukraine-az/legal-acts

22. Миграция бўйича халқаро ташкилот – Озарбайжон портали // Электрон манба: URL: http://www.iom.az/ (мурожаат вақти: 23.05.2019).

23. Шабельникова О.В. Участие Азербайджанской Республики в Европейской политике Соседства. Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Международные отношения, 2012, №4. – С.83.

24. «Azərbaycan Respublikasının Qanunvericilik Toplusu»nda dərc edilmişdir (31 iyul 2006-cı, № 7, maddə 623).

25. Информационный бюллетень Межпарламентской Ассамблеи государств – участников СНГ, 2016. №64, ч.1.

26. Azərbaycan Respublikasının Qanunvericilik Toplusu, 2007, № 3, maddə 239.

27. Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги // Электрон манба: URL: https://www.mea.gov.in/icm.htm.

28. Migration and remittances // Recent Developments and Outlook. World Bank, April 2019.

29. Хитой Халқ Республикаси Миллий иммиграция идораси – 国家移民管理局 // URL: https://s.nia.gov.cn/mps/main.html

30. Turkey: Law No. 6458 of 2013 on Foreigners and International Protection // URL: https://www.refworld.org/docid/5167fbb20.html

31. Государственная миграционная служба Киргизстана // URL: http://ssm.gov.kg/история-2/

32. Государственная миграционная служба Туркменистана // URL: http://migration.gov.tm/ru/gosudarstvennaya-migratsionnaya-sluzhba-turkmenis tana/

33. Азербайджанская Республика (Базовый миграционный профиль – 2015)/ // URL: http://www.migrationpolicycentre.eu/docs/migration_profil es /Azerbaijan.pdf

34. Рзаев Мирза Ага-Рза Оглы. Регулирование Международной трудовой миграции в Азербайджане. Наука, техника и образование. 2018, №11(52). – С.89.

35. Миграционный Кодекс Азербайджанской Республики от 2 июля 2013 года № 713-IVQ (с изменениями и дополнениями по состоянию на 11.11.2016 г.) // URL: http://online.zakon.kz/Document/?doc_id= 31448427#pos=0;0

36. Миграционный кодекс Азербайджанской Републики // Электрон манба: URL: http://www.e-qanun.az/code/23

37. Азербайджанская Республика (Базовый миграционный профиль – 2015) // Международный Центр по Развитию Миграционной Политики (МЦРМП) секретариат Пражского процесса, 2015.

38. «Azərbaycan» qəzeti, 5 mart 2009-cu il, №51.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

МАҲМУДХОДЖАЕВА Умида Муминовна
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Фуқаролик ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси
E-mail: musanifa-88@mail.ru

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): МАХМУДХОДЖАЕВА У.М. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2021), Б. 161-167.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-20

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари таҳлил этиб берилди. Шунингдек, ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари атрофлича ўрганилиб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: хизмат, хизмат турлари, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси.

МАҲМУДХОДЖАЕВА Умида Муминовна
Преподаватель кафедры Гражданско-правовых дисциплин
Академии МВД Республики Узбекистан
E-mail: musanifa-88@mail.ru

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКИ В СФЕРЕ ОКАЗАНИЯ ПЛАТНЫХ УСЛУГ ОРГАНАМИ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

АННОТАЦИЯ

В статье были проанализированы вопросы совершенствования практики правоприменения в сфере оказания платных услуг органами внутренних дел. В том числе, всесторонне изучив мнения и рассуждения ученых правоведов, были разработаны предложения и рекомендации по указанной теме.

Ключевые слова: услуги, виды услуг, оказание платных услуг, договор об оказании платных услуг

MAKHMUDKXODJAYEVA Umida
Lecturer at the Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan
E-mail: musanifa-88@mail.ru

ISSUES OF IMPROVEMENT OF THE PRACTICE OF LAW ENFORCEMENT IN THE FIELD OF PAID SERVICE BY THE INTERNAL AFFAIRS BODIES

ANNOTATION
The article deals with the issues of improvement of the practice of law enforcement in the field to paid service by the internal affairs bodies. Some proposals and recommendations were elaborated having studied the opinions of legal scholars as well.
Keywords: service, types of service, paid service, paid service contract.

XXI асрда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳаси бутун дунёда шиддат билан тараққий этиб бораётган ва айни пайтда, мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳал қилувчи соҳалардан бири сифатида ҳуқуқий майдонга чиқмоқда. Бу эса цивилистика фани олдига ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий воситаларни ишлаб чиқиш бўйича янгидан-янги вазифаларни келтириб чиқариши табиий ҳисобланади.

Бинобарин, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай давлат органлари сингари ички ишлар идоралари тизимида ҳам хизмат кўрсатиш соҳасининг янгидан-янги турларини жорий этиш долзарб вазифаларидан бўлиб, ушбу устувор чора-тадбир халқ манфаатларига хизмат қилиши баробарида, Ички ишлар вазирлиги ва унинг таркибий тузилмаларининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг кўп босқичли механизимни ташкил этиш орқали ижтимоий ҳаёт ва аҳоли турмуш шароити учун муносиб шарт-шароитлари яратилади, шахснинг эҳтиёжлари қондирилади.

Бунинг учун назаримизда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда, шунингдек ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаларини ўрганган ҳолда Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий ва соҳавий тузилмалари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар мажмуини (стратегияни) ишлаб чиқиш зарур.

Бу борада россиялик олимлар ҳам полиция қиёфасини ўзгартириш, уни ҳарбийлаштиришдан воз кечиш, полиция фаолиятини ихтисослаштириш тамойиллари ва жамият учун ижтимоий хизмат ғоясини бирлаштирадиган Ички ишлар вазирлигининг ижтимоий моделини яратиш зарурлигини таклиф этишмоқда [1, Б. 31-37].

Ушбу ўринли ғоя ҳам ички ишлар органларини «халқпарвар тизим»га айлантиришга хизмат қилади ҳамда аҳолига, фуқароларнинг кундалик эҳтиёжларига хизмат қилишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ю.А.Аврутин ҳам «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти умуман, шу жумладан ички ишлар органлари фаолияти жамиятнинг ижтимоий ҳаётига органик равишда кириб боради, у билан белгиланади ва ўзи унга таъсир қилади» [2], деган фикрни илгари суради. Қолаверса, ички ишлар органларининг ўз ваколатига оид муаммоларни ҳал қилишдаги фаолияти уларнинг мулкий ва шахсий номулкий муносабатларда иштирок этиш имкониятини назарда тутади ва юридик шахс сифатида битимлар тузиш ваколатини беради [3, Б.99].

Айни пайтда бизнинг нуқтаи-назаримизга кўра, ички ишлар органлари тизимида хизмат кўрсатиш соҳасини комплекс ривожлантириш 2 та алоҳида йўналишда, шу жумладан улар томонидан давлат хизматларини тақдим этиш ҳамда шартнома асосида жисмоний ва юридик шахслар учун пуллик хизматлар тақдим этиш йўналишларида амалга оширилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги фуқаролик қонунчилиги ички ишлар органлари фуқаролик ҳуқуқининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида кўриб тан олади. Шунинг учун ички ишлар органлари иштирокидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ушбу органларнинг махсус ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ўзгариш ва чекловларсиз фуқаролик ҳуқуқининг умумий нормалари билан тартибга солинади. Маълумки, бугунги кунда ички ишлар органларининг соҳавий фаолиятларида кўплаб хизматлар ҳақ эвазига кўрсатилиб келинаётган бўлса-да, бироқ кўрсатиладиган хизматлар

учун тўланадиган маблағлар маҳаллий бюджетга ёки давлат унитар корхоналарига ўтказиб келинмоқда. Жумладан, ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш, алмаштиришва йўқолганларни ўрнига янгисини бериш, Автотранспорт воситаларига ва тиркамаларига (ярим тиркамаларига) рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш ва қайд этиш гувоҳномасини бериш, автотранспорт воситалари ва тиркама (ярим тиркама)ларга транзит рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгисини бериш ва ҳисобдан чиқариш, транспорт воситаларини сотишда бериладиган қатьий ҳисобдаги ҳисоб маълумотларини бериш, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқида хавфли юкларни автомабиль транспортида ташиш йўналиши схемасини келиш,Ўзбекистон Республикасида оҳир вазнли ва катта хажмли юкларни автомабиль транспортида ташишда йўналиш схемаларини келиш, енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш хизматларини келтириш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги «Ички ишлар органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 389-сонли қарор [4] билан Ички ишлар вазирлиги ҳузурида «Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси ташкил этилган.

Мазкур корхона фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 30 майда «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 149-сонли буйруғи қабул қилинган.

Мазкур буйруқ асосида қабул қилинган уставга кўра марказ давлат хизматларини кўрсатишда ички шлар органларига кўмаклашиш, шунингдек ички ишлар органларида хужжатларни расмийлаштириш ва тайёрлашда аҳолига ҳақ эвазига сифатли хизматларни кўрсатиб келмоқда. Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларга автотранспорт воситалари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларининг янги намуналрини олиш бўйича хужжатларни йиғиш ва тайёрлаш юзасидан хизматлар кўрсатиш, ички ишлар органларининг миграция ва ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига мурожаат этган шахсларга ўрнатилаган шаклдаги бланкаларни тўлдириб бериш, хужжатлардан нусҳа кўчириш каби хизматларни келтириш мумкин.

Шунингдек, рўйхатдан ўтказиш ва рухсат берувчи тартиб-таомилларни автоматлаштириш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда ички ишлар органларига кўмаклашиш марказ фаолиятининг йўналишлари ҳисобланади. Мазкур хизматлардан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар унинг фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Хориж тажрибсини таҳлил этганимизда ривожланган давлатлар полициясида аҳолига пулли ахборот хизматларини тақдим этиш фаолияти самарали йўлга қўйилганлигига гувоҳ бўламиз. Чунки, бугунги кунда, замонавий ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишнинг муҳим омили - бу ахборот жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши бўлиб, ички ишлар органлари фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш тизим фаолияти самарадорлигини оширишнинг зарурий ва алмаштириб бўлмайдиган манбаи ҳисобланади.

Ахборот технологияларидан ички ишлар органлари фаолиятида фойдаланиш соҳа фаолияти самарадорлиги ва самарадорлиги даражаси, унинг шаффофлиги, шунингдек, хизматлар сифати ва мавжудлигини ошириш имконини беради. Шунинг учун жамият тараққиётининг замонавий босқичида энг катта аҳамиятга эга бўлган муносабатлардан бири бу пулли хизматларини кўрсатиш соҳасини ички ишлар органлари тизимида тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш заруратини вужудга келтирмоқда. Шу сабабли, ички ишлар органларида аҳолига пулли хизматлар тақдим этиш соҳасидаги фаолиятини кенгайтириш ҳамда ички ишлар органлари тизимида жаҳон стандартларига тўла жавоб бера оладиган ахборот хизматларини жорий этиш, ҳамда соҳавий хизматлар фаолиятида кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларга ички ишлар органларининг миграция ва ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига мурожаат этган шахсларга ўрнатилаган шаклдаги бланкаларни тўлдириб бериш, хужжатлардан нусха кўчириш каби хизматларни аҳолига ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш механизмини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги «Ички ишлар

органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш киритиш, Вазирлик ҳузурида ташкил этилган «Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонасининг ички ишлар органларига кўкамлашаиш билан боғлиқ фаолиятни тўла хажмда ички ишлар вазирлиги тизимига жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Чунки, бошқа давлат органлари томонидан ички ишлар органларига доир аҳолига кўрсатилаётган пулли хизматлар ички ишлар органлари соҳавий хизматлари томонидан амалга оширилганда:

Биринчидан, ички ишлар органлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматлар турларининг комплекст механизими вужудга келади.

Иккинчидан, ички ишлар органларига алоқадор пулли хизматлар бошқа давлат органлари, ташкилотлари томонидан амалга оширилишини олди олинади.

Учинчидан, ички ишлар органлари томонидан пулли хизматлар кўрсатилиши натижасида тушган маблағлар, давлат бюджети ёки бошқа давлат органлари ва ташилотларига эмас балки, ички ишлар органларига тегиш бўлади.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 авустдаги ПҚ-3216 сонли «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ташкил этилган. Мазкур ўқув муассасаларига номзодларнинг хужжатларини қабул қилиш жараёни Ички ишлар вазирлиги кадрлар бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Бу эса айни пайтда кадрлар жамоасининг меҳнат хажмининг ошганлиги, вақт тақсимотининг етишмаслиги натижада эса иш самарадорлигининг сифатига салбий таъсир қилмоқда. Шу боис мазкур муаммоларнинг олдини олиш мақсадига ички ишлар вазирлиги кадрлар бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида номзодлар хужжатини расмийлашда замонавий коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда номзодлар учун пулли ахборот хизматларини (махфий хужжатлар бундан истисно) ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Замонавий тенденцияларни инобатга олган ҳолда ҳамда давлат органлари томонидан юридик шахсларга хизматлар кўрсатишда қулайликларни яратиш мақсадида пуллик асосда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЭКБМ ва бўлинмалари томонидан эксперт-криминалистика фаолияти соҳасида экспертлик, илмий тадқиқот ва ахборот хизматларини кўрсатиб келинмоқда. 2020 йил давомида пуллик асосда 29 маротаба жами 19 274 000 сўмлик хизматлар кўрсатилган, шулардан 28 таси экспертлик ва илмий-тадқиқот, 1 таси ахборот хизмати[5] дан иборат. Мазкур статистик маълумотлардан кўриш мумкинки, ИИО ЭКБлар томонидан юридик шахслар учун кўрсатилаётган хизматлар хажмининг камлиги, бу эса кўрсатилган эксперлик хизматлари доирасини кенгайтиришн тақазо этади.

Айни пайтда амалдаги қонунчиликка кўра экспертлик хизматлари учун тўловлар ИИО ЭКБнинг хисоб рақамига аввал 15%, кейин эса қолган 85% миқдорда тўловни амалга ошириш талаб этилади. Бу эса кўрсатилган экспертлик хизматлари учун тўловни амалга оширишда юридик шахсларга ортиқча ортиқча қоғозбозлик ва қўшимча вақтни талаб этади. Шу боисдан эксперт-криминалистика фаолияти соҳасида экспертлик, илмий-тадқиқот операцияларини электрон тўлов тизимлари орқали ва бир вақтнинг ўзида тўлиқ миқдорда амалга оширишни қўлга қўйиш таклиф этилади.

Шунингдек бугунги кунда ЭКБМ ва унинг бўлинмаларида юридик шахсларга пуллик хизматлар кўрсатиш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида барча мамурий ишлар бўйича ўтказиладиган экспертиза ва тадқиқотларни пулли асосда ўтказишни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жумладан, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ экспертиза ва тадқиқотларни келтириш мумкин. Маълумки, Ўзбекистон республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-155-СОНЛИ қонуни ҳамда ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги 141-сонли, Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги 222-сонли қарорлари қабул қилинган. Мазкур норматив хужжатларда белгиланганиек транспорт ҳодисаси содир бўлиши натижасида суғурта тўлови амалга оширилишига асос бўлган мустақил экспертиза (баҳолаш) қиймати мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан ўрни қопланиши лозим бўлган зарарлар таркибига киритилади. Йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши натижасида жабрланувчига зарар етказилганда шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини зарар етказилиши ҳолатларини аниқлаш ва ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини белгилаш мақсадида суғурталовчига кўздан кечириш ва мустақил экспертизани (баҳолашни) ташкил этиш суғурталовчининг зиммасига юклатилади. Бунда суғурталовчи шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини кўздан кечириши ва унинг мустақил экспертизасини (баҳоланишини) ташкил этиши шарт. Ушбу экспертизани (баҳолашни) ўтказиш хизматини Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан юридик шахсларга пуллик асосда экспертлик, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасида кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар турига кўшиш мақсадга мувофиқ саналади. Бу биринчидан, эксперт-криминалистика хизматлар сонини кенгаяшига сабаб бўлса, иккинчидан ЭКБМ томонидан кўрсатилан хизматлар учун тўлов[8]ни суғурталовчи ташкилотлар қоплаб берилиши тўлиқ амалиётга жорий этилади. Хусусан, Айни пайтда амалдаги қонунчиликка кўра ЭКБМ амалиётида Давлат божхона хизмати томонидан ноқонуний айланаётган қимматбаҳо металлар ва заргарлик буюмлари бўйича экспертиза ўтказилиб келинмоқда. Мусодара қилинган ашёвий далилллар суммасининг 8% Давлат божхона хизматига «хужжатларни расмийлаштириш харажатлари учун» ўтказилиб келинмоқда. ЭКБМнинг мазкур хизматларни амалга ошириш учун лабаратория, моддий техник жиҳозлари етарли бўлмаганлиги сабаб вино-ароқ махсулотлари бўйича тадқиқот ўтказишнинг имконига эга эмас. Шу боисдан эксперт-криминалистика фаолияти соҳасида Давлат божхона хизмати томонидан ноқонуний айланаётган қимматбаҳо металлар ва заргарлик буюмлари бўйича экспертлик, илмий-тадқиқот операцияларини тақдим этганлиги учун ашёвий далиллар суммасининг маълум бир фоизини ЭКБМнинг моддий техник базасини ривожлантириш мақсадида давлат божхона томонидан маблағ ўтказиш фаолиятини йўлга қўйиш ва бунинг механизими ҳамда норматив хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хориж тажрибаси (Россия, Германия, Испании, Канада, АҚШ, Финляндия, Франция и Чехия)ни таҳлил этганимизда, ички ишлар органлари (полиция) эксперт-криминалистика марказлари қуйидаги экспертиза ва тадқиқот хизмат турларини амалга ошириб келаётганлигига кўриш мумкин. Жумладан; дактилоскопик, трасологик, баллистик, совуқ ва ўқотар қуроллар экспертизаси, портрет экспертизаси, қўл ёзмалар экспертизаси, автотехник экспертиза, транспорт ва унинг излари экспертизаси, бухгалтерия ҳисоби экспертизаси, ботаник экспертиза, молиявий экспертиза, солиқ экспертизаси, молия-таҳлил экспертизаси, молия-кредит экспертизаси, тиббий-криминалистик экспертиза, ёнғин-техникаси экспертизаси, тупроқшунослик экспертизаси, озиқ-овқат ва алкоголли маҳсулотлар экспертизаси, материаллар, моддалар ва маҳсулотлар экспертизаси, компютер экспертиза, биологик экспертиза, нефт маҳсулотлари ва ёқилғи-мойлаш материалларини тадқиқ қилиш, ўққа тутилган маҳсулотларни тадқиқ қилиш, металлар ва қотишмаларни тадқиқ қилиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп кучли ва заҳарли моддаларни тадқиқ қилиш каби хизматлардан иборат. Мазкур маълумотлардан кўриш мумкинки, эксперт криминалистика бўлинмаларининг хизматларини кўрсатиш доираси ҳозирда жуда кенг. Айниқса фуқаролик, маъмурий суд ишларини юритиш доирасида эксперт криминалистика тақиқотлари, экспертизаларига талаб ортиб бормоқда. Шу боис ички ишлар органларининг эксперт криминалистика бўлимлари томонидан пуллик эксперт-тадқиқот хизматларини кўрсатилиши бугунги кунда энг оммабоп бўлиб келмоқда. Хориж тажрибасида эксперт тадқиқотларидан судгача фойдаланиш анъанавий равишда оталикни белгилаш (генотипоскопия), суғурта ҳодисасининг юзага келиш эҳтимолини (асосан ёнғин техникаси бўйича тадқиқотлар), қурилиш экспертизасини,

[8] ***Изоҳ**: Ҳуқуқни қўллаш назариясида йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши натижасида жабрланувчига зарар етказилганда шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини зарар етказилиши ҳолатларини аниқлаш ва ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини белгилаш мақсадида суғурталовчига кўздан кечириш ва мустақил экспертизани (баҳолашни) ташкил этиш суғурталовчининг зиммасига юклатилган бўлсада, бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиётида, суғурталовчи эмас балки, жабрланувчининг экспертиза хизмати учун тўловларни амалга оширилиши кузатилади.*

автотранспорт воситаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномасини тузишда транспорт воситаларининг экспертизасини ва бошқаларни белгилашда қўлланилади. Мазкур ҳолатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ҳақ эвазига экспертиза ҳизматларини кўрсатиш шартномаси билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида бугунги кунда мурожаат қилувчиларнинг ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлари сифатидан қониқиш даражаси ва уларнинг мавжудлигини таъминлаш бўйича мониторинг натижаларини қўллаш ва улардан фойдаланиш нуқтаи назаридан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслигини ҳам кўриш мумкин. Бу эса мазкур хужжатни қабул қилиш бўйича ислоҳотларни амалга оширишда муҳим ҳисобланади. Чунки аҳолини кўрсатиладиган хизматлар сифатидан қондириш ва уларнинг мавжудлигини таъминлаш бўйича ўтказилган мониторинг натижалари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш механизими ички ишлар органларининг пулли хизмат кўрсатиш фаолиятида шаффофлик ва очиқлик тамойили амалиётда ўз исботини топади. Шу билан бирга фуқароларни ички ишлар идораларига ишончни ошириш, ўтказилаётган мониторинг натижаларининг шаффофлигини таъминлаш учун уларнинг натижалари билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Шу муносабат билан мониторинг натижаларини ҳар йили Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар қуйидагилар билан изоҳлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биринчидан, аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб ички ишлар органларининг юридик шахс сифатидаги мақомидан тўла фойдаланиш замон талабларига жавоб берадиган тизимни амалиётга жорий этиш зарур.

Иккинчидан, ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлардан келиб тушадиган дарамодлар ва бундай маблағлардан фойдаланиш йўналишлари ҳамда сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш ва аниқ механизимни амалиётга жорий этиш мақсадида Ички ишлар органларининг маъсул мансабдор шахсларининг ҳисоботларини амалиётга жорий этиш ҳамда бундай маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилишда ички ишлар органларида фаолият юритадиган касаба уюшмалари иштирок этиши лозим.

Учинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида бугунги кунда мурожаат қилувчиларнинг ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлари сифатидан қониқиш даражаси ва уларнинг мавжудлигини таъминлаш бўйича мониторинг натижаларини қўллаш ва улардан фойдаланиш нуқтаи назаридан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги сабаб, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги принципи ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий хужжат қабул қилиш бўйича ислоҳотларни амалга оширишда муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга фуқароларни ички ишлар идораларига ишончни ошириш, ўтказилаётган мониторинг натижаларининг шаффофлигини таъминлаш учун уларнинг натижалари билан танишиш имкониятига эга бўлишлари учун мониторинг натижаларини ҳар йили Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, Ички ишлар вазирлиги кадрлар бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида номзодлар хужжатини расмийлаштиришда замонавий коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда номзодлар учун пулли ахборот хизматларини (махфий хужжатлар бундан истисно) ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан пуллик асосда кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажмини кенгайтириш, бунда хизматларни юридик шахслар билан бир қаторда, жисмоний шахсларга ҳам кўрсатишни имкониятини яратиш, шунингдек анъанавий таълим ҳамда масофавий онлайн таълим тизими орқали экспертиза соҳаси билан боғлиқ хизматларни ҳақ эвазига ўқитишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар турига қуйидаги хизмат турларини (суғурта ҳодисасининг юзага келиш эҳтимолини (асосан ёнғин техникаси бўйича тадқиқотлар), қурилиш экспертизасини, автотранспорт воситаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномасини тузишда транспорт воситаларининг экспертизаси) амалиётга жорий этиш фаолиятини ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Еттинчидан, Давлат божхона хизмати томонидан ноқонуний айланаётган қимматбаҳо металлар

ва заргарлик буюмлари бўйича ЭКБМ томнидан экспертиза ўтказилиб келинмоқда. ЭКБМнинг мазкур хизматларни амалга ошириш учун лабаратория, моддий техник жиҳозлари етарли бўлмаганлиги сабаб вино-ароқ махсулотлари бўйича тадқиқот ўтказишнинг имконияти мавжуд эмас. Шу боисдан эксперт-криминалистика фаолияти соҳасида давлат божхона хизмати томонидан ноқонуний айланаётган қимматбаҳо металлар ва заргарлик буюмлари бўйича экспертлик, илмий-тадқиқот операцияларини тақдим этганлиги учун ашёвий далиллар суммасининг маълум бир фоизини ЭКБМнинг моддий техник базасини ривожлантириш мақсадида давлат божхона томонидан маблағ ўтказиш фаолиятини йўлга қўйиш ва бунинг механизими ҳамда норматив хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш зарурлиги мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб ички ишлар органларининг юридик шахс сифатидаги мақомидан тўла фойдаланиш замон талабларига жавоб берадиган тизимни амалиётга жорий жорий этиш зарур.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Грищенко А.Н. Функции полиции в сфере предоставления государственных услуг населению // Административное право и процесс. – Москва, 2018. № 5.

2. Аврутин Ю.Е. Эффективность деятель ности органов внутренних дел: государственно-правовые, социальные и организационные аспекты изучения, оценки, проектирования: автореф. дисс. … д-ра юрид. наук. СПб., 199 автореф. дисс. … д-ра юрид. наук. СПб., 1998

3. Числов В.И. Виды государственных услуг, оказываемых ОВД физическим и юридическим лицам на возмездной основе //Юридическая наука и правоохранительная практика. – М.: 2019. – № 2.(5). – С.99.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги «Ички ишлар органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 389-сонли қарори. // URL: https://www.lex.uz/docs/3237501

5. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош марказининг архив материаллари.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

АМИНОВ Умид Шарипович
Независимый исследователь
Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: aminov_u_sh_717@mail.ru

ПОНЯТИЕ И ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЮРИДИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): АМИНОВ У.Ш. ПОНЯТИЕ И ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЮРИДИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2021), С. 168-171.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-21

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена сущности и содержанию категории «юридическая безопасность», общей характеристике и определению его места и роли в системе национальной безопасности. В ней рассматриваются различные подходы определения юридической безопасности, анализируются концепции правовой безопасности, а также отличия содержательного характера, дающих основания для разделения юридической и правовой безопасности. Сформулированы научные выводы, имеющие теоретическую значимость и важность для дальнейшего совершенствования научной базы и законодательства Республики Узбекистан в области юридической безопасности.

Ключевые слова: безопасность, государственная безопасность, национальная безопасность, правовая безопасность, обеспечение национальной безопасности.

АМИНОВ Умид Шарипович
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси
E-mail: aminov_u_sh_717@mail.ru

ҲУҚУҚИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА УМУМИЙ ТАЪРИФИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола «ҳуқуқий хавфсизлик» категроиясининг моҳияти ва мазмуни, умумий хусусиятлари ва миллий хавфсизлик тизимидаги ўрни ва ролини аниқлашга бағишланган. У ҳуқуқий хавфсизликни аниқлашга турли хил ёндашувларни ўрганади, ҳуқуқий хавфсизлик тушунчасини таҳлил қилади, шунингдек ҳуқуқий ва ҳуқуқий хавфсизликни ажратиш учун асос бўлган моддий фарқларни таҳлил қилади. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий хавфсизлик соҳасидаги илмий базаси ва қонунчилигини янада такомиллаштириш учун назарий аҳамиятга ега бўлган илмий хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: хавфсизлик, давлат хавфсизлиги, миллий хавфсизлик, ҳуқуқий хавфсизлик, миллий хавфсизликни таъминлаш.

AMINOV Umid
Independent researcher of Tashkent State University of Law
E-mail: aminov_u_sh_717@mail.ru

CONCEPT AND GENERAL DESCRIPTION OF LEGAL SECURITY

ANNOTATION

This article is devoted to the essence and content of the category «legal security», general characteristics and definition of its place and role in the national security system. It examines various approaches to the definition of legal security, analyzes the concept of legal security, as well as substantive differences that give grounds for separating juridical and legal security. Scientific conclusions have been formulated that have theoretical significance and importance for the further improvement of the scientific base and legislation of the Republic of Uzbekistan in the field of legal security.

Keywords: security, state security, national security, legal security, ensuring national security.

Юридическая безопасность – неотъемлемый компонента правовой государственности и верховенства закона. В преамбуле Конституции Республики Узбекистан говорится, что народ Узбекистана, ставит перед собой задачу создания гуманного демократического правового государства, в целях обеспечения гражданского мира и национального согласия [1]. Это означает формирования его механизма, легитимацию и регулирование его полномочий в целях правового обеспечения и защиты прав и свобод человека.

Правовая система Республики Узбекистан на современном этапе содержит в себе немало недостатков и противоречий, которые мешают нормальной, слаженной работе всей правовой системы, ущемляют права граждан, сказываются на эффективности правового регулирования, состоянии законности и правопорядка, правосознании и правовой культуре общества. Разработка проблем юридической безопасности нацелена на минимизацию такой негативной составляющей правовой сферы, выявление и преодоление недостатков, совершенствованию законодательства и практики его реализации, укрепление единства и целостности правового пространства, обеспечение правового прогресса в Республике Узбекистан.

Сегодня одной из главных и первоочередных задач внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан является эффективная реализация Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021гг.

Для достижения этой цели перед внешнеполитическим ведомством республики поставлены ряд задач, среди которых важное место занимает задача сохранения и укрепления мира, стабильности в Центральной Азии, превращение региона в зону безопасности и устойчивого развития [2].

Проблемы безопасности (международной, региональной и национальной) относятся к числу важнейших и сложнейших проблем современности. Реализация этих проблем особенно важна для современного Узбекистана, находящейся на пути принципиального реформирования, построения правового государства и формирования гражданского общества. Поэтому не случайно научные проблемы национальной безопасности в последнее время находились в центре внимания отечественных ученых.

В связи с этим, как с теоретической, так и с практической точки зрения представляет большой интерес исследования вопросов юридической безопасности как одного из взаимосвязанных элементов системы национальной безопасности, так как данные вопросы не исследованы в Республике Узбекистан.

Перед тем как рассмотреть юридическую безопасность, мы должна разобраться понятиями «безопасность», «государственная безопасность», «национальная безопасность»

Понятие безопасности носит широкий характер и предполагает тесную взаимосвязь между отдельными ее элементами. Обеспечение безопасности одного вида невозможно без обеспечения иных видов безопасности.

В пункте 1 статьи 4 Закона о службе государственной безопасности Республики Узбекистан дано поняние «государственная безопасность - состояние защищенности конституционного строя, суверенитета, территориальной целостности и иных государственных интересов Республики Узбекистан от внешних и внутренних угроз, обеспечивающее ее устойчивое развитие и реализацию

конституционных прав и свобод граждан;» [3].

Т.В. Владимирова рассматривает государственную безопасность как одно из направлений в обеспечении национальной безопасности наравне с безопасностью общественной (безопасность общества) и безопасностью личности. Считается, что разница между ними обусловлена интересами этих субъектов, которые не всегда совпадают между собой.

Так же, по её мнению, национальная безопасность выступает как совокупность практик по защите и интересов частного, и интересов целого; это и защита права субъекта на девиацию/инновацию, и защита нормы, закона как ограничения коммуникации/практики, гаранта безопасности целостности и упорядоченности, стабильности. Государственная безопасность предполагает иное – прежде защиту целостности и порядка. В этом смысле, система государственной безопасности по природе своей противостоит девиации/инновации как вариативности коммуникации (вариативности социальных практик), нарушающей порядок [4, С.18-28].

По мнению Жоржио Пекес-Барба Мартинеца, правовая безопасность – это философское понятие современного мышления. Главный его тезис состоит в том, что правовая безопасность - это принцип, который порождает систематизацию и стабильность правового порядка и гарантирует права человека в смысле безопасности человека и общества. Также автор анализирует концепцию правовой безопасности от ее исторической эволюции до основных структурных аспектов, кроме того, он подчеркивает правовую безопасность как историческую и культурную концепцию современного мира и проводит структурный анализ концепции правовой безопасности в современном охранном порядке, выделяя различные области, в которых она существует: государство - процессуальные гарантии как предел власти – внутреннее функционирование правовой безопасности. система - общество - социальный статус движения [5].

Мы считаем, что позиция Жоржио Пекес-Барба Мартинеца представляет большой интерес, так как в наши дни идея правовой безопасности расширяет свое влияние.

Также не менее интересна позиция А. Ф. Галузина, который юридическую безопасность трактует как состояние защищенности прав, свобод и интересов личности, общества и государства посредством юридической деятельности [6, С.77].

Большой интерес представляет концепция юридической безопасности А. А. Тер-Акопова, одного из видных специалистов в сфере юридической безопасности. По его концепции юридическая безопасность рассматривается как механизма обеспечения национальной безопасности, элементами которой являются «право, правотворчество, правоприменение, представляющие собой самостоятельную сферу безопасности - юридическую безопасность». Основанием ее выделения в самостоятельный вид безопасности, по мнению автора, является «воплощенность юридической составляющей в базисные сферы развития общества». Отсюда и юридическую безопасность он определяет, как «механизм противодействия различным угрозам юридическим средствами» [7, С.11-13].

На наш взгляд, указанные определения не содержат принципиальных отличий содержательного характера, дающих основания для разделения юридической и правовой безопасности. Полагаем, целесообразным характеризовать рассматриваемую безопасность как юридическую. Подобное определение наиболее полно отражает роль и место этого вида безопасности в системе национальной безопасности. В таком случае правовая безопасность предполагает защиту системы права, законодательства, правовой системы в целом от опасностей и угроз. И в этом смысле она как правовое явление обеспечивает безопасность всех видов безопасности (национальной, государственной, экологической, экономической). В силу этого она занимает центральное место в системе национальной безопасности, что в свою очередь требует дальнейшего научного исследования и практического совершенствования.

При характеристике безопасности различных сфер общественных отношений на первое место выдвигаются шесть групп интересов, среди них - экономические, политические, социальные, экологические, оборонные и информационные. Соответственно этому рассматриваются и достаточно подробно анализируются шесть видов безопасности. К сожалению, столь же активно в науке длительное время не рассматривались проблемы юридической (правовой) безопасности. И хотя в последние время проблемам юридической или правовой безопасности посвящено достаточно большое количество работ за рубежом, единой концепции правовой безопасности в государствах, удовлетворяющей потребностям науки и практики, не выработано до сих пор.

Рассматривая феномен юридической безопасности в качестве самостоятельного предмета

научного анализа, представляется вместе с тем наиболее конструктивной некая синтетическая позиция, в соответствии с которой, выделяя специфику юридической безопасности, не следует преувеличивать ее автономный характер, а учитывать наличие связей взаимообусловленности и юридической, и экономической, и политической, и социальной, и экологической и иной безопасности.

Юридическая безопасность как один из основных приоритетов современности прочно и, очевидно, навсегда войдет в наш лексикон и нашу правовую сферу. Однако, несмотря на глобальную значимость, этот институт еще не приобрел своего места в нашей правовой системе, научной и учебной литературе. Однако прежде чем наука и практика начнет широко оперировать категорией «юридическая безопасность» в самых различных ракурсах, нужны ее глубокие исследования.

В заключении следует отметить, что только справедливые и полноценные законы, их безусловное уважение и строгое соблюдение со стороны всех субъектов права могут гарантировать нашему обществу столь необходимую стабильность и твердую легитимную государственность. В позитивной форме задача состоит в том, чтобы, используя технико-юридические возможности, обеспечить своевременное, полное и адекватное отражение сбалансированных интересов в праве, создать эффективный юридический механизм их реального функционирования и безопасности. Не субъект должен существовать для права, а право должно существовать для субъекта и определяется им. Именно субъекты права, их юридическая безопасность есть система правовых координатов, исходная точка отсчета для всех правовых явлений.

Введение в социальный, правовой и научный оборот категории юридической безопасности позволит решить целый ряд задач, актуальных для стабилизации современного общества в Узбекистане. Речь идет об оптимизации накопленного правоприменительного опыта разрешения социальных конфликтов, выстраивании новой схемы взаимоотношений государства и личности, совершенствовании действующих правоположений. Обеспечение юридической безопасности является процессом, требующим постоянного мониторинга источников угроз, их природы и причин возникновения, непрерывного научного осмысления путей обеспечения юридической безопасности субъектов права в реально сложившейся ситуации.

Юридическая безопасность - это принцип, обеспечивающий систематизацию и стабильность правовых норм, упорядочивать и гарантировать человеческие права в смысле безопасности человека и общества, через законотворчество и правосудие.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 76 б. // URL: https://lex.uz/docs/20596

2. Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021гг. // URL: https://www.gazeta.uz/ru/2017/02/07/strategy

3. Закон о службе государственной безопасности Республики Узбекистан. №ЗРУ-471. 05.04.2018. URL: https://www.lex.uz/docs/3610937

4. Владимирова Т.В. К вопросу соотношения национальной и государственной безопасности. // Социодинамика. 2016. № 6. С. 18-28. DOI: 10.7256/2409-7144.2016.6.18305 URL: https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=18305

5. Gregorio Peces-Barba Martínez. Legal Security from the Point of View of the Philosophy of Law. // URL: https://www.researchgate.net/publication/229949832_Legal_Security_from_the_Point_of_View_of_the_Philosophy_of_Law

6. Галузин, А. Ф. О соотношении понятий «квазиправовая юриспруденция», «юридическая и правовая безопасность» / А. Ф. Галузин // Инновации в государстве и праве: материалы Всероссийской научно-практической конференции. - Ч. 1. - Н. Новгород: Изд. Нижегородского госуниверситета, 2007.

7. Тер-Акопов, А. А. Юридическая безопасность человека в Российской Федерации (основные концепции) / А. А. Тер-Акопов // Государство и право. - 2001. - № 9.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ЁШ ОЛИМЛАР МИНБАРИ

ҒАЙБУЛЛАЕВА Зилола Ғайбулло қизи
Тошкент давлат юридик университети магистранти
E-mail: zilolagaybullayeva97@gmail.com

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ХАРИДЛАР ВА ЭЛЕКТРОН ШАРТНОМАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ҒАЙБУЛЛАЕВА З. ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ХАРИДЛАР ВА ЭЛЕКТРОН ШАРТНОМАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2021), Б. 172-178.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-23

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ижтимоий тармоқлар, улар орқали электрон савдони амалга ошириш имкониятлари ва бу муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий муаммолар ҳақида баён этилади. Ижтимоий тармоқлар орқали битимлар тузилганда томонларни идентификация қилиш, уларнинг мажбуриятларини бажариш тартиби ва жавобгарликни бажармаганлик учун ҳуқуқий жавобгарликни беглилашдаги муаммолар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: ижтимоий тармоқ, электрон тижорат, электрон имзо, истеъмолчи, мажбурият, тўлов, электрон хабар, электрон оферта, офертага таклиф қилиш, электрон акцепт, мобиль рақам, идентификация.

ГАЙБУЛЛАЕВА Зилола
Магистрант Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: zilolagaybullayeva97@gmail.com

ВОПРОСЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННОЙ ТОРГОВЛИ И ЭЛЕКТРОННЫХ ДОГОВОРОВ, ОСУЩЕСТВЛЯЕМЫЕ ПУТЕМ СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ

АННОТАЦИЯ

В статье описаны возможности социальных сетей для электронной коммерции и заключения электронных договоров, а также правовые аспекты регулирования этих отношений. Кроме того, анализируются проблемы идентификации сторон при заключении сделок через социальные сети, порядок выполнения их обязательств и определение юридической ответственности за их несоблюдение.

Ключевые слова: социальная сеть, электронная торговля, электронная подпись, потребитель, обязательство, платеж, сообщение данных, приглашение делать оферты, электронное предложение, электронный акцепт, номер мобильного телефона, идентификация.

GAYBULLAEVA Zilola
Master student of Tashkent State University of Law
E-mail: zilolagaybullayeva97@gmail.com

ISSUES OF E-TRADE AND E-CONTRACTS THROUGH SOCIAL NETWORKS

ANNOTATION

This article describes opportunities of social networks for e-commerce and e-contracts through them, as well as legal issues in the regulation of these relations. In addition, the problems of identifying the parties while concluding transactions through social networks, the procedure for fulfilling their obligations and the definition of legal liability for non-compliance are analyzed.

Keywords: social network, e-trade, electronic signature, consumer, obligation, payment, data message, invitation to treat, electronic offer, electronic accept, mobile number, identification.

Инсоният ҳаётига интернет хизматлари чуқурроқ кириб келгани сайин қулай бўлгани сабабли жисмоний шахслар онлайн тарзда харид ва режадаги ишларини амалга оширишга одатланиб бормоқда. Қолаверса, бизнес вакиллари ҳам онлайн товар ва хизматларини таклиф этмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистонда харидорлар томонидан ижтимоий тармоқлар, айниқса, Telegram ва Instagram тармоғидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Айни пайтда нафақат қайсидир манзилда савдо дўконига эга бўлган сотувчиларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали буюртмалар қабул қилиб етказиб беришни йўлга қўйган, балки тўлалигича электрон савдо ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган сотувчилар ҳам мижозлар билан муносабатга киришмоқда ва томонлар бир-бирини юзма-юз кўрмасдан туриб, электрон битимлар асосида савдо ва харидларни амалга оширмоқда.

Параллел равишда эса ҳуқуқшуносларни электрон тармоқлар орқали тузилган шартномаларни расмийлаштириш ва унинг анъанавий битимлардан фарқли жиҳатларини ўрганиб чиқиш масалалари ўйлантирмоқда. Ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилаётган муносабатлар, харидлар ҳам алоҳида ўрганиш талаб этади, уларни электрон шартномалар сифатида тоифалаш мумкин ёки йўқлигини таснифлашда ҳам асосли далилларга таяниш керак бўлади.

Флорида Gulf coast университети профессорлари **Carl Pacini, Christine Andrews, William Hillisonнинг** қайд этишича, электрон тижоратда одатий савдо-сотиқдан фарқли равишда бошқа бир қанча ҳуқуқий муаммолар ҳам мавжуд. Бундай масалалар юридикция, томонларни идентификация қилиш, шартномани расмийлаштириш, шартноманинг ҳақиқийлиги, шартномадаги хатоликлар ва шартномага ўзгартириш киритиш тартиби каби ҳал қилиш бўйича алоҳида ёндашув талаб қилинадиган жиҳатларни ўз ичига олади [1, Б.3].

Озарбайжонлик ҳуқуқшунос Назрин Маҳмудованинг шартнома ҳуқуқи бўйича мутахассисларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда ёзишича, инновациялар ва ахборот технологияларининг оммалашиши шартноманинг ҳуқуқий таҳлилини бутунлай ўзгартириб юборди. Бундай ўзгаришлар 18-19 асрларда юриспруденция фан ва технологиялар инқилобига мослашгани сингари ҳозир ҳам ҳуқуқий институтлар зиммасига замонавий технологияларнинг юридик муносабатларга таъсирини ўрганиб чиқиши вазифасини юкланаётганини кўрсатади.

Изланишлар олиб бориш талаби ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилаётган савдо муносабатларида шартнома элементи мавжудлигини кўриб чиқишни ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги “Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 185-сонли қарори билан тасдиқланган «Электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари»га кўра, **электрон шартнома** – товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси учун ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда сотувчи ва харидор ўртасида тузиладиган шартнома ҳисобланади.

Ахборот тизими эса ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари [3].

«Investopedia» веб сайти луғатига кўра, ижтимоий тармоқ деб оила, дўстлар, ҳамкасблар, сотувчилар, харидорларни интернет тармоғи орқали бир-бири билан боғлайдиган ижтимоий сайтлар тўплами назарда тутилади [4].

Ижтимоий тармоқлар ҳам ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш ва қайта ишлаш каби имкониятларга эга эканлигини ҳисобга олиб, ижтимоий тармоқлар орқали тузилган шартномаларни ҳам электрон шартномалар сифатида таснифлаш мумкин.

Маълумки, электрон шартнома тузилганда шартнома томонларини идентификация қилиш имкони бўлиши лозим.

«Электрон имзо тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-сонли қарори билан тасдиқланган «Электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари»га кўра, *электрон ҳужжат, электрон хабар ва электрон имзо* электрон муносабатларни амалга ошираётган томонларни идентификация қилиш имконини беради.

2003 йил 11 декабрдаги «Электрон имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига кўра, *электрон рақамли имзо* — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо ҳисобланади [5].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-сонли қарори билан тасдиқланган «Электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари»да *электрон хабар* ахборотни жўнатувчини идентификациялаш имконини берувчи электрон шаклда қайд этилган ахборот эканлиги қайд этилган.

Электрон ҳужжатга эса 2004 йил 29 апрелдаги «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонунда «Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот» сифатида таъриф берилади [6].

Хорижда, хусусан, *АҚШ тажрибасида* эса электрон имзо фақат сертификат билан тасдиқланган очиқ ва ёпиқ калитлардан иборат имзодан ташқари томонини тасдиқлаш имконини берадиган электрон белги, овоз ва жараёнларни ўз ичига олади.

АҚШнинг *«Халқаро ва миллий савдода электрон имзодан фойдаланиш акти»да (The ESIGN act – Electronic Signatures in Global and National Commerce)* электрон имзога мантиқан шартнома ёки бошқа ахборотга боғланган ва уни имзолаш (тасдиқлаш) мақсад қилинган электрон товуш, белги ёки жараён дея таъриф берилади [7]. Яъни фақатгина сертификатга эга бўлган, махсус ваколатли органда тасдиқланган очиқ ва ёпиқ калитли имзо эмас, балки ҳужжатни тасдиқлаш учун фойдаланиладиган бошқа электрон усуллар ҳам электрон имзо сифатида эътироф этилади. Ўзбекистон қонунчилигида эса электрон товуш, белги, электрон амалга оширилган жараён унинг амалга оширувчисини идентификация қилиш воситаси сифатида тан олиниши ҳақида маълумот берилмаган.

АҚШ ижтимоий тармоқлар орқали амалга ошириладиган харидларни ҳам электрон тижорат сифатида тан олган. 2019 йилда АҚШда ижтимоий тармоқлар орқали 22 миллиард долларлик электрон савдо амалга оширилган. 2024 йилда бу кўрсаткич 84,2 миллионга етиши тахмин қилинмоқда.

2019 йилда АҚШда 65,2 миллион одам ижтимоий тармоқлар орқали харид қилган, уларнинг сони 2022 йилда 94,3 миллион бўлиши прогноз қилинган. Электрон савдо муносабатлари электрон шартномалар орқали амалга оширилишини ҳисобга олсак, демак, АҚШ ижтимоий тармоқлар орқали тузилган шартномаларни электрон шартномалар сифатида таснифлаши яна бир бор ойдинлашади [8].

Бундан ташқари, ўтказилган сўровномага кўра, АҚШда 2020 йилда давлатда истеъмолчиларнинг 65 фоизи мобиль телефон орқали харид амалга оширишганини маълум қилишган [9].

Юқоридаги таҳлиллар асосида ижтимоий тармоқлар орқали ҳам харидларни амалга ошириш орқали шартномавий муносабатларга киришиш мумкинлигини қайд этиш мумкин. Айни пайтда Ўзбекистонда амалиётда бундай муносабатлар тўхтовсиз амалга оширилмоқда. Лекин ижтимоий тармоқлар орқали битимлар тузилганда томонларни идентификациялаш электрон ҳужжат асосида тузиладиган шартномаларга нисбатан мураккаб ҳисобланади. Сабаби аккаунтларни ўзгартириш ва ёки уни ўчириб юбориш ҳам мумкин. Масалан, Telegram ижтимоий тармоғида фойдаланувчи ўз рақамини бутунлай ўчириб юбориши ҳам мумкин, бунда фойдаланувчи «Deleted account» кўринишига ўтиб қолади ва юборилган барча хабарлар ҳам уни юборган томонни идентификация

қилиш имконини йўқотади. Ёки мобиль рақам эгасининг алмашиши билан ижтимоий тармоқ аккаунтининг бошқа фойдаланувчига ўтиши ҳам ижтимоий тармоқдаги аккаунтнинг тўла ишончли эмаслигини англатади. Лекин мобиль рақамлар ёрдамида томонларни идентификация қилиш усулидан фойдаланиш мумкин.

Мобиль рақамлар ўз фойдаланувчисини идентификация қилиш воситаси сифатида қонунчиликда қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майда қабул қилинган «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 3724-сонли қарорининг 5-банд иккинчи қисмида «Мижозларни мобиль алоқа рақамига боғлиқ ҳолда масофадан идентификация қилиш механизмининг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида 2018 йил якунига қадар мобиль алоқа тармоғи абоненти бошқа мобил алоқа тармоғига ўтганда телефон рақамини сақлаб қолиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин», деб қайд этилади [10].

Бу эса ижтимоий тармоқлар орқали тузиладиган битимларни ҳам мобиль алоқа рақамлари орқали идентификация қилиш мумкинлигини англатади. Бундан ташқари, электрон почта орқали ҳам бир томон иккинчи томонни текшириши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Тошкент шаҳри ва вилоятларда умумий овқатланиш шаҳобчаларининг етказиб бериш хизмати яхши ривожланмоқда. Бу тармоқ бизнеси эгалари Telegram тармоғида бот орқали буюртмаларни қабул қилиб, буюртмачи билан электрон шартнома тузади ва уни етказиб беради.

Масалан, бир қанча умумий овқатланиш шаҳобчаларининг маҳсулотларни етказиб беришга ихтисослашган Bringo.uz тармоғининг бот орқали амалга оширадиган операцияларини таҳлил қилиб кўриш мумкин. Ботга кирилгач, автоматик равишда фойдаланувчидан мобиль рақам, жойлашган ҳудуди локациясини юбориш сўралади. Ботга бу манзил юборилгач, энг яқин кафе ва ресторанлар рўйхати (офертага таклиф) чиқади. Фойдаланувчи ушбу таклифни кўриб чиқиб, ўзи учун маъқул келган маҳсулотларни виртуал саватчасига қўшиб боради ва унга охирида умумий ҳисоб-китоб қилиб берилади. Шундан сўнг фойдаланувчидан телефон рақамини юбориш сўралади. Бот мобиль алоқа рақамини автоматик қабул қилиб олгандан сўнг, буюртма қабул қилингани ҳақида хабар билан бирга буюртма рақами юборилади ва тўлов турини танлаш мумкин бўлади.

Агар электрон тўлов тури танланса, чек СМС кўринишида юборилади. Аҳамиятли томони, озиқ-овқат тармоқлари томонидан амалга оширилаётган электрон битимларда хизмат кўрсатаётган томон буюртма берилганини «Тасдиқлаш» тугмасини босганидан сўнг ҳам яна бир марта қайта тасдиқлаш ҳам сўралади ёки телефон қилиб аниқлаштириб олинади. Бу офертадан кейинги жараён бўлиб, инглиз шартнома ҳуқуқидаги «офертани тасдиқлаш» талабига мос келади.

Тахминан, мана шу кўринишда ижтимоий тармоқдан фойдаланган ҳолда электрон шартнома тузиш мумкин. Бунда ҳамма маълумотлар киритилган ва шартнома шартлари ва томонлар аниқ.

Лекин электрон муносабатларни тўлалигича тартибга солиш имконига эга бўлиш қийин. Чунки ҳозирги кунда Хитой Халқ Республикаси ва Туркия Республикаси каби давлатларнинг кийим-кечак, уй-рўзғор буюмларини сотаётган савдо гуруҳлари ва каналлари ҳам жуда кўп. Уларнинг аксари мижоз билан чатда ёзишиб, ўзаро маълумот алмашиш билангина шартнома тузадилар. Лекин бу шартномаларда томонларни идентификация қилиш ва шартноманинг етарлича аниқ бўлмаслиги сабаблари билан алданиб қолиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-сонли қарори билан тасдиқланган «Электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари»нинг 11-бандида сотувчи электрон тижоратнинг бошқа иштирокчиларини ўзи тўғрисида электрон шаклда давлат тилида, зарурият бўлганда эса бошқа тиллардаги ишончли ахборотдан тегишли фойдаланишини таъминлаши шартлиги белгиланган, ахборот қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

юридик шахс учун — тадбиркорлик фаолияти субъектининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда унинг тўлиқ номи; юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи **жисмоний шахс учун** — фамилияси, исми, отасининг исми бўлиши кераклиги қайд этилган.

Лекин аксар ҳолларда телеграм орқали қилинган харидда онлайн дўкон сотувчиси ҳақида аниқ маълумотлар берилмайди.

«Электрон тижоратда иштирок этаётган томон ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи ёки хусусий тадбиркорнинг фамилияси, исми ва шарифи, юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг манзили ва давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида маълумот, солиқ тўловчининг идентификацион рақами, электрон манзили, почта манзили ва телефони ҳамда агар мавжуд бўлса, сайтининг номи, таклиф қилинадиган ёки буюртма бериладиган маҳсулотлар, ишлар ёки хизматлар рўйхати, уларни тақдим этиш шартлари, ҳисоб-китоб тартиби кабиларни мажбурий тарзда иккинчи томонга тақдим этиши керак. Бундан ташқари, электрон тижоратда иштирок этаётган томон юридик якка тартибдаги ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи ёки хусусий тадбиркорнинг фамилияси, исми ва шарифи, юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг манзили ва давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида маълумот, солиқ тўловчининг идентификацион рақами, электрон манзили, почта манзили ва телефони ҳамда агар мавжуд бўлса, сайтининг номи, таклиф қилинадиган ёки буюртма бериладиган маҳсулотлар, ишлар ёки хизматлар рўйхати, уларни тақдим этиш шартлари, ҳисоб-китоб тартиби кабиларни мажбурий тарзда иккинчи томонга тақдим этиши керак» каби тартиблар батафсил кўрсатиб ўтилган, айни пайтда кучини йўқотган ТИАИСВ, ДБҚ ва ДСҚнинг 2007 йил 5 октябрдаги 1740-сонли қарори билан тасдиқланган «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шаклларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом»ида қайд этилган электрон истеъмолчи ва сотувчи учун белгиланган талаблар Электрон тижорат ҳақидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда эса батафсил белгиланмаган [11].

Бундан ташқари, электрон тижоратда ахборот технологиялари орқали тузилаётган шартномаларда кўп ҳолларда белгиланган тартибларга амал қилиш, «рамкада бўлиш»дан кўра, чегарани бузиш ҳолатлари кўп учрайди.

Масалан, электрон шаклда оммавий оферта юбораётган шахслар ўзлари ҳақидаги маълумотни тақдим этишлари лозим эканлигини таҳлил қилдик. Лекин аксар ҳолларда ижтимоий тармоқлар орқали тижоратни йўлга қўйган бизнеслар маълумотларни етарлича тақдим этмаслик ҳолатлари учрайди.

UNCITRAL Model Law on Electronic Commerce - Электрон тижорат тўғрисида намунавий қонуни бўйича электрон шартнома тузиш жойини қуйидагича белгиланади.

«Электрон хабарни юбориш жойи агар томонларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ахборот жўнатувчиси ёки унинг воситачиси жойлашган манзил ҳисобланади. Электрон хабарни қабул қилиш жойи эса уни қабул қилувчи жойлашган манзил ҳисобланади.

Агар ахборот юборувчи ва қабул қилувчи икки ёки ундан ортиқ бизнес манзилга эга бўлса, унда шартнома мазмунига энг яқини қабул қилиш ёки юбориш жойи ҳисобланади.

UNCITRALнинг Электрон тижорат тўғрисида намунавий қонуннинг 15-моддасида агар электрон ахборот юборувчи ёки қабул қилувчида юридик манзил бўлмаса, уларнинг яшаш жойи электрон ахборот юбориш ва қабул қилиш жойи ҳисобланади», деб белгиланган [12].

Ижтимоий тармоқлар орқали тузиладиган битимларда ҳам жой масаласи худди шундай белигиланиши ва оферта акцептланиши билан шартнома тузилган ҳисобланиши мумкин. Бироқ томонларни идентификация қилиш, шартнома шартларини, мажбурият ва жавобгарлик масалаларини аниқлаштириб олиш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 3724-сонли қарорининг 1-бандига мувофиқ, электрон тижорат иштирокчилари томонидан хизматлар кўрсатиш жараёнида ахборот тизимлари томонидан шакллантириладиган, битимлардаги томонларни идентификациялаш имконини берувчи электрон чеклар, квитанциялар, хабарлар ва бошқа усуллар товарлар (хизматлар) учун тўловларни тасдиқловчи квитанциялар, талонлар, чипталар ва бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади. Томонлар бу маълумотлардан ҳам идентификация мақсадида фойдаланиш имконига қонунан эга.

Пандемия шароитида ижтимоий масофа сақлаш қоидаларининг амал қилиши, карантин чекловлари жорий этилиши фуқароларда электрон тижоратдан фойдаланишга бўлган рағбатни оширди. Электрон тижорат бошлашга қизиқиш сотувчиларда ҳам ошди. Давлат бу тенденцияни тўғри англаган ҳолда ҳар иккала томон учун фойдали ислоҳотлар бошламоқда.

Хусусан, Давлат солиқ қўмитасининг хабар беришича, электрон тижорат билан шуғулланадиган фуқаролар ўзини ўзи банд қилганлар рўйхатига қўшилиши мумкин [13].

Бу бўйича «Электрон тижорат маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида» Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган [14].

Бу тартиб ҳам ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилаётган савдо муносабатларини рағбатлантириш ва ундаги муносабатларни тартига солишга сабабчи бўлиши мумкин. Сабаби фақат онлайн тижорат билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни ўз-ўзини банд қилган фуқаролар рўйхатига киритилиши орқали давлатнинг улар билан муносабатлари яхшиланади ва ҳуқуқий муаммоларга ечим топиш ҳам осонроқ бўлиши мумкин.

Бироқ айни пайтда Ўзбекистон қонунчилиги электрон тижорат ва электрон шартномаларга оид такомиллаштиришларга муҳтож.

Биринчидан, «Электрон тижорат тўғрисида», «Электрон имзо тўғрисида»ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги асосий қонунларда томонларни идентификация қилиш воситалари алоҳида кўрсатилмаган. Бу эса электрон шартномаларни расмийлаштиришда тушунмовчиликлар юзага чиқишига сабаб бўлиши мумкин. «Электрон имзо тўғрсида»ги қонунда худди АҚШ қонунчилиги сингари идентификация қилиш имконини берадиган электрон имзо тушунчасини кенгроқ изоҳлаш фойдали бўлиши мумкин.

Иккинчидан, электрон тижоратда ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширалаётган харидлар фоизи ошаётганини ҳисобга олиб, ижтимоий тармоқлар орқали тузиладиган шартномани расмийлаштириш талабларини ишлаб чиқиш фойдали бўлиши мумкин. Унда электрон тижорат субъектларига қўйиладиган талаблар, мажбуриятларни бажариш муддатлари кўрсатилиши лозим.

Учинчидан, электрон тижоратда муаммоларга дуч келмаслик учун аҳолининг ҳуқуқий ва ахборий саводхонлиги юқори бўлиши талаб этилади. Шу мақсадда ҳуқуқий саводхонликни ошириш учун турли дастурлар ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. C. Pacini, Ch. Andrews, W. Hillison. To agree or not to agree: Legal issues in online contracting. Business Horizons/January-February 2002. // URL: https://www.researchgate.net/publication/223171363_To_agree_or_not_to_agree_Legal_issues_in_online_contracting.

2. Nazrin Mahmudova. Legal issues raised by contracts in the electronic world. // URL: https://www.lawels.com/en/2019/10/27/legal-issues-raised-by-contracts-in-the-electronic-world-2/#_ftnref11.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 28.12.2020. // URL https://lex.uz/docs/2973939#2973995.

4. Business Marketing Essentials, What Is Social Networking? // URL: https://www.investopedia.com/terms/s/social-networking.asp.

5. Ўзбекистон Республикаси «Электрон рақамли имзо тўғрисида» Қонуни. 11.12.2003 й // URL: https://lex.uz/docs/64467.

6. Ўзбекистон Республикаси «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» Қонуни. 29.04.2004 й // URL: https://lex.uz/docs/165079.

7. US Electronic Signatures in Global and National Commerce, 2000, // URL: https://www.govinfo.gov/content/pkg/PLAW-106publ229/pdf/PLAW-106publ229.pdf .

8. Social commerce sales in the United States from 2019 to 2024 // URL: https://www.statista.com/statistics/277045/us-social-commerce-revenue-forecast/.

9. Which of the following devices have you used for online shopping in the past 12 months? // URL: https://www.statista.com/forecasts/997098/online-purchases-by-device-in-the-us.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 15.05.2018 й // URL: https://lex.uz/docs/3744594.

11. Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шаклларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом, ТИАИСВ, ДБҚ ва ДСҚнинг 2007 йил 5 октябрдаги 1740-сон қарори билан тасдиқланган. // URL: https://lex.uz/docs/1275421.

12. UNCITRAL Model Law on Electronic Commerce. // URL: https://www.uncitral.org/pdf/english/texts/general/12-57491-Guide-to-UNCITRAL-e.pdf.

13. Электрон тижорат ўзини ўзи банд қиладиганлар фаолият турларига қўшилиши мумкин // URL: https://soliq.uz/press-services/news/show/elektron-tizhorat-ozini-ozi-band-qiladiganlar-faoliyat-turlariga-qoshilishi-mumkin.

14. **“**Электрон тижорат маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида” Президент қарори лойиҳаси. // URL: https://regulation.gov.uz/ru/d/29566.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ХОЖИЕВА Рўзигул Худайбердиевна
Тошкент давлат юридик университети магистранти
E-mail: ruzigulkhojiyeva@gmail.com

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ХОЖИЕВА Р.Х. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2021), Б. 179-184.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-23

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф томонидан давлат харидлари билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича фикр-мулоҳазалар, бу борада Республикамизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, уларнинг натижалари ҳамда ушбу ислоҳотларни олиб боришдаги муаммолар бўйича долзарб масалалар баён қилинган. Шунингдек, ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилиб, улар асосида давлат харидлари билан боғлиқ коррупциявий жиноятларга қарши кураш тизимини такомиллаштириш юзасидан хулоса ва таклифлар баён қилинган.

Калит сўзлар: коррупция, давлат харидлари, давлат харидларининг ижрочиси, манфаатлар тўқнашуви, жамоатчилик назорати.

ХОЖИЕВА Рўзигул Худайбердиевна
Магистрант Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: ruzigulkhojiyeva@gmail.com

СЛУЧАИ КОРРУПЦИИ В СФЕРЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК И ПРОБЛЕМЫ ИХ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье изложены взгляды автора на выявление и предотвращение дел, связанных с государственными закупками, меры, принимаемые в стране в этой связи, их результаты и текущие проблемы в реализации данных реформ. Также был изучен опыт развитых стран, на основании которого были сделаны выводы и рекомендации по совершенствованию антикоррупционной системы в сфере государственных закупок.

Ключевые слова: коррупция, государственные закупки, исполнитель государственных закупок, конфликт интересов, общественный контроль.

Xojiyeva Ruzigul
Master student of Tashkent State University of Law
E-mail: ruzigulkhojiyeva@gmail.com

CASES OF CORRUPTION IN THE FIELD OF PUBLIC PROCUREMENT AND PROBLEMS OF THEIR PREVENTION

ANNOTATION

In the article was describedof the author's views on the identification and prevention of cases related to public procurement, measures taken in the country in this regard, their results and current problems in the implementation of these reforms. As well as, the experience of developed countries was also studied, on the basis of which conclusions and recommendations were made for improving the anti-corruption system in the field of public procurement.

Keywords: corruption, public procurement, public procurement contractor, conflict of interest, public control.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисоди тобора ривожлана бориб, бу давлат ва жамият эҳтиёжларини таъминлаш, давлат манфаатини учун муҳим давлат харидларини амалга оширишга замин яратмоқда.

Давлат харидлари давлат фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб, у мазмун-моҳияти жиҳатидан давлат ёки фуқароларнинг нарса ва хизматларни муайян ҳақ эвазига сотиб олишларисаналиб, бу тушунча моҳияти хусусида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, В.В.Мельников фикрига кўра, давлат харидлари ишлаб чиқарилган махсулот ёки муайян хизматларни давлат буюртмаси асосида сотиб олиш ҳисобланади.

В.И.Кузнецев фикрича эса, давлат харидлари давлат ва жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маъмурий, молиявий, фуқаровий муносабатларнинг натижасидир.

Миллий қонучилигимизда бу тушунчага аниқ ва ягона таъриф берилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелда қабул қилинган 472-сон "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасига биноан, давлат хариди – товар (иш ёки хизмат)ларни давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш ҳисобланади [1].

Бу тушунча кириб келганига ҳали кўп бўлмаган бўлсада, бу соҳада юзага келаётган муаммолар, қонунбузарликлар жуда кўп бўлиб, бу ҳолатлар давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфатларига жиддий зарар етказади. Айни шу сабабдан ҳам давлат харидлари соҳасида юзага келадиган қонунга зид ҳаракатлар, хусусан коррупциявий ҳаракатларга қарши курашиш долзарб масала ҳисобланади. унда соҳада коррупцион ҳаракатларни вужудга келишига имкон яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Давлат ҳаридлари соҳасида коррупцион ҳолатлар юзага келишига бирқанча омиллар сабаб бўлиб, хусусан давлат харидларининг янги кўриниши бўлган электрон давлат харидлари, яъни электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион каби махсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат харидларини амалга ошириш усули ҳам бу соҳада ёлғон кўрсаткичларни келтириш орқали коррупцион ҳолатларни амалга оширишни келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, давлат харидларини амалга оширишда мансабдор манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги, натижада танлов ўтказиш қоидаларининг бузилиши, танлов ҳужжатларини сохталаштириш ҳам "Давлат харидлари тўғрисида"ги ва "Рақобат тўғрисида"ги Қонуни ормалари қоидаларининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Республикамизда давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бўлиб, ушбу орган давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солишни амалга ошириб, ушбу соҳада коррупцион ҳолатлар, жумладан давлат буджетини ўзлаштириш ҳолатларининг авж олишининг яна бир омили сифатида ваколатли органларнинг самарали фаолият кўрсата олмаётганлиги, қонунда белгиланган ваколатларни суиистеъмол қилинаётганлигини таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, шу кунгача давлат харидлари доирасида тузилган барча шартномалар тўғрисида маълумотларни жамлаш ягона реестри мавжуд эмаслиги, шунингдек, тўғридан-тўғри шартномалар

тузилганлиги тўғрисидаги ахборот давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилмаслиги ҳолатлари бу соҳада ўзбошимчалик, давлат мулкини ўзлаштириш ҳолатларини юзага келтириб чиқармоқда.

Статистик маълумотларга кўра, Адлия вазирлиги томонидан қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим вадавлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари экспертизадан ўтказилганда, 226 та қонун ҳужжатининг 65 тасида (29 фоизи) 292 такоррупциявий омиллар мавжудлиги аниқланган бўлса, давлат харидлари соҳасидаги 16 та ҳужжатнинг 12 тасида 46 та коррупциявий омил аниқланган [2].

Бундан ташқари, давлат харидларини амалга оширишда бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион савдоларини четлаб ўтиш, шунингдек давлат харидлари талабларига зид равишда, тендер савдоларини ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар орқали товарлар қиммат нархларда харид қилиниши ва ортиқча маблағлар сарфланганлиги, Вазирлар Маҳкамаси томонидан рухсат этилмаган ташкилотларга, белгиланган меъёрдан ортиқча ва Молия вазирлиги билан келишилмаган ҳолда енгил автомашиналар харид қилинганлиги каби бир қатор тизимли қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди [3].

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат харидлари соҳасини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги айрим бўшлиқлар, давлат органлари иш фаолиятида очиқлик ва шаффофликнинг лозим даражада эмаслиги, рақобат муҳитини ва жамоатчилик назоратини чекловчи бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги ҳам бу соҳада коррупция илдиз отишига замин яратди. Бунинг натижасида, 2018-2019 йиллар ва 2020 йилнинг 5 ойи давомида 278 та ташкилот томонидан 100,3 млрд сўмлик битимлар электрон дўкон орқали тузилиб, чекланган миқдордан ортиқча харидлар амалга оширилган. Ушбу давр мобайнида 8255 таташкилот томонидан 176 млрд сўмлик битимлар электрон дўкон орқали давлат харидини амалга ошириш учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдоридаги чекловдан ортиқча харидлар амалга оширилган. 2018-2019 йиллар давомида 10 та бюджет ташкилотлари томонидан 5,2 млрд сўмликхаридлар танловдан қочиб, аукцион шаклида амалга оширилган [4].

Давлат харидлари соҳасида коррупциявий ҳолатлар юзага келишида юқоридаги каби оимиллардан ташқари, давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш муддатларининг қисқа эмаслиги ҳам коррупция ҳолатларини вужудга келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 14 майда 3013-сонбилан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 1 майдаги 180-сон буйруғи билан тасдиқланган Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ,етти иш кунигача ичида кўриб чиқиши белгиланган [5]. Тўғри, шикоятларни кўриб, ўрганиб чиқиш учун ҳам кам вақт кетмайди. Бироқ шу вақт ичида белгиланган шартноманинг амал қилиш муддати тўхтатиб турилиб, бу ўз навбатида манфаатдор томонлар ҳуқуқларига зарар етказиши мумкин.

Бизнингча, бу бўйича янада қисқа муддат белгилаш лозим бўлиб, хусусан Европа Иттифоқининг аъзоси бўлган Германияда давлат тизими харидлар Европа қонунчилиги талабларига жавоб бериб, ушбу соҳани мустақил муассаса шаклидаги апелляция инстансияси ва суд органи амалга оширилади ва шикоятларни кўриб чиқишнинг тезлаштирилган тартиби (3 кун ичида кўриб чиқилади) ўрнатилган бўлиб, бу инвестиция жараёниларининг секинлашувичга сабаб бўлмайди [6].

Бундан ташқари, ушбу давлатда яна бир ўзига хос тизим мавжудки, экспертлар ва олимлардан ташкил топган “Давлат буюртмаси Форуми” жамоат ташкилоти фаолият юритиб, ушбу форум доирасида жоимий фикрлар алманишуви, давлат харидлари соҳасида юзга келадиган янги муносабатлар шакллантирилиб, давлат хариди бўйича энг яхши илмий иш учун мукофот тақдим қилинади.

Шунингдек, АҚШ тажрибасига ҳам назар ташлайдиган бўлсак, ушбу давлатда давлат харидлари соҳасидаги фаолиятни умумий мувофиқлаштириш Федерал харид сиёсати бошқармаси (Office of Federal procurement Policy) томонидан амалга ошириб, давлат харидлари бошқа давлатлардан фарқли равишда соддалаштирилган тартибда амалга оширилиб, бу тартибга қуийдагилар киради:

- баҳо котировкалари сўровномаси;
- жуда кичик ҳажмдаги (2500 долларгача) харидни амалга оширишда корпоратив харид пластик карталаридан фойдаланиш;

- харид учун буюртма жойлаштириш;
- турлари кўп бўлган махсулотни доимий сотиб олишда наъмунавий-меёрий шартномалардан фойдаланиш кабилардир[7].

Бунда шартнома суммаси катта бўлмаганда ва йилига 5 млн АҚШ долларидан ортмаганда қўлланилади. Бунда сунъий равишда, харид ҳажмини пасайтириш (майда қисмларга ажратиш орқали) таъқиқланади.

Айни шу тажрибаларни миллий қонучилик тизимига олиб кириш, ўйлаймизки, давлат харидлари соҳасида коррупциявий омилларнинг олдини олишда ижобий натижа беради.

Сўнги йилларда бу соҳада коррупцион ҳолатларнинг олдинии олиш, давлат харидлари соҳасида шаффоф тизимни яратиш борасида бир қанча ислоҳотлар амалга оширилиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат харидлари соҳасида масъулиятни ошириш ва коррупцияни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни талабларини, шу жумладан харид қилиш тартиб-таомиллари турларини белгилаш ва ижрочини танлаш шартларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш вазифаси юклатилган [8, Б.25]. Шунингдек, мазкур фармонда давлат харидлари доирасида тузилган шартномаларни мажбурий равишда эълон қилиш, давлат харидларини танлов ва тендер савдолари орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тартибини жорий этиш зарурлиги белгиланган.

Шу билан бирга, Жорий йилнинг 12 март куни Олий Мажлис Сенатининг йиғилишида Янги таҳрирдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун маъқулланди ва ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида депутатлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Ушбу лойиҳада давлат харидлари соҳасида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш, хусусан, давлат харидларининг очиқ ва шаффоф ҳамда самарали тизимини яратиш орқали коррупциянинг олдини олиш кўзда тутилган бўлиб, бир қанча тушунчаларга аниқлик киритилган. Жумладан, давлат харидлари соҳасида давлат харидларининг ижрочиси, ихтисослашган ташкилот, манфаатлар тўқнашуви, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг аффилланган шахси каби тушунчалар мазмуни кенгайтирилди.

Шунингдек, бу соҳадаги коррупцион ҳолатлар учун жавобгарлик масаласи ҳам тубдан ислоҳ қилиниб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 январдаги ЎРҚ-666-сонли қонунига асосан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс 175[8]-модда билан тўлдирилди ҳамда давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутилди [9].

Унга кўра, давлат харидлари режаларини, шу жумладан режа-жадвалларини шакллантириш ва жойлаштириш тартиби бўйича қонунчилик талабларига риоя этмаслик, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда давлат харидларини амалга ошириш чоғида махсус ахборот порталига давлат харидлари бўйича эълонлар жойлаштириш тартибини, мажбурий муҳокама ўтказиш тартиби ва муддатларини ҳамда давлат хариди натижаларини жойлаштириш муддатларини бузиш, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат харидлари тўғрисидаги эълонларга ва харид ҳужжатларига қонунчиликда тақиқланган ҳамда рақобатни чекловчи ахборотни, ҳаволалар ва талабларни киритиш, харид ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда буюртмаларни шакллантириш тартибларини бузиш эса, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, мазкур нормада тендер ўтказиш тартибини бузганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, модданинг учинчи қисмига кўра, товарларни, ишларни ва хизматларни етказиб берувчиларни тендер ўтказиш йўли билан аниқлаш талабларини бузиш, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ товарларни етказиб берувчини, иш бажарувчини ва хизмат кўрсатувчини рақобатли харид усули воситасида аниқлаш белгиланган ҳолларда, давлат харидларини ягона етказиб берувчидан ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шу билан бирга, давлат харидлари жараёнидаги аффилланганлик ва манфаатлар тўқнашуви ҳақида давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда хабар бермаслик, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилмаган ҳолларда, давлат харидлари бўйича таклифларни қабул қилмаслик ёки таклифларни тақдим этиш муддатларини давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид равишда қисқартириш, шунингдек таклифлар солинган конвертларни очиш ва харид ҳужжатларига мувофиқ таклифларни баҳолаш талабларини бузиш ҳаракатлари эса, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат харидлари соҳасида юзага келадиган коррупцион ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида жавобгарлик масаласини кучайтиришни ижобий натижа бериб, буни бир қанча тадқиқотчилар ҳам маъқуллашган. Хусусан, тадқиқотчи О.Н.Ходасаевич фикрича, давлат харидлари соҳасида коррупция ҳолатлари кучайган тақдирда шахсларга, хусусан ҳокимият вакилларига нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтириш лозим [10].

Шунингдек, давлат харидлари тартиб-таомилларини ҳам соддалаштириш лозим бўлиб, тадқиқотчи Р.И. Мищенконинг фикрича, давлат харидларини амалга оширишни соддалаштириш, давлат харидари билан боғлиқ қонуларда мавжуд тушунча ва атамалрга аниқлик киритиш, шунингдек нормалар ўртасида зиддиятларнинг олдини олиш лозим [11].

Амалга оширилаётган ушбу ислоҳотлар ва билдирилган таклифлар ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси бу тизимга тадбиқ қилиниши давлат харидлари соҳасида коррупцион ҳолатларнинг олини олишига ижобий натижа бериб, қўшимча тариқасида яна ушу тавсияларни бериб ўтмоқчимиз.

Биринчидан, коррупциянинг олдини олиш нуқтаи назаридан ошкоралик, рақобат ва қарорларни қабул қилишнинг холисона мезонларига асосланадиган харид тизимларини яратиш учун харид эълонлари ва тузилган шартномаларни давлат харидлари порталига жойлаштириш, жамоатчиликка ошкор қилиш ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишга етарли шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, харидларда савдо ғолибларини танлаш ва қарорларни қабул қилиш мезонларини ҳамда иштирок этиш шартларини олдиндан очиқ эълон қилиш зарур.

Учинчидан, давлат харидлари жараёнида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чекловлар, яъни иштирокчиларнинг яқин қариндошлари ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда иштирокчини давлат харидларида иштирок этишига йўл қўйилмаслик лозим.

Тўртинчидан,давлат харидлари доирасида тузилган барча шартномалар тўғрисида маълумотларни жамлаш ягона реестр орқали амалга оширилиши тартибини белгилаш лозим.

Бешинчидан, давлат харидларини амалга оширишда тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборот давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилмаган бўлса, ушбу шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмаслиги лозим.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш нуқтаи назаридан ошкоралик, рақобат ва қарорларни қабул қилишнинг холисона мезонларига асосланадиган харид тизимларини яратиш учун харид эълонлари ва тузилган шартномаларни давлат харидлари порталига жойлаштириш, жамоатчиликка ошкор қилиш ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишга етарли шарт-шароитлар яратиш масаласига ҳам эътиборқаратиш лозим. Ҳуқуқшунос Ш.Рахманов таъкидлаганидек, коррупцияга қарши курашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш зарур, чунки коррупция даражаси мамлакат тараққиёти, давлатчилик ва жамият ривожланишининг умумий даражасини белгилаб беради [12].

Ҳозирча, бу турдаги жиноятлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бундай жиноятлар учун жиноий жавобгарлик масаласини ҳам ислоҳ қилиш лозим.

Ўйлаймизки, ушбу ислоҳотлар келгусида тадбиркорлар орасида ҳалол рақобат муҳитини яратишга, очиқлик ва шаффофликни таъминлашга, жамоатчилик назоратини кучайтириб, коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Иқтибослар /Сноски / References

1. Мельников В.В. Совершенствование механизма публичногозакупки на основе повышения эффективностиКонкурсные торги в Российской Федерации: Дисс.Кандидат экон. Наук.- Новосибирск, 2005.– С. 32.

2. Кузнецов В.И. Правовое регулирование государственного заказаучреждение: дис. Кандидат юридические науки: 12.00.14. М., 2005.

3. Ўзбекистон Республиккасининг “Давлат харидлари тўғриси”даги Қонуни.

Коррупцион жиноятлар асосан ким томонидан содир этилиши маълум қилинди// URL: https://www.gazeta.uz/uz/2021/03/30/corruption/.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 1 майдаги 180-сон буйруғи билан тасдиқланган Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом. // URL: https://nrm.uz/contentf?doc=544348_davlat_haridlari_sohasidagi_shikoyatlarni_ko%E2%80%98rib_chiqish_tartibi_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_nizom.

5. Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржасининг расмий сайти. // URL: https://uzex.uz/uz/pages/public-procurement-FAQ

6. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ахборот хизматининг расмий сайти. // URL: https://anticorruption.uz/uzc/item/2020/11/21/korruptsiyaga-qarshi-kurashish-millij-kengashining-ikkinchi-jigilishi-bolib-otdi.

7. У.Бурханов. Давлат харидлари. Ўқув-қўлланма. – Т: “infoCOM.UZ”, 2010. – // URL: file:///C:/Users/user/Downloads/7d3118303e90f8685e736e7956ec0640.pdf.

8. У.Бурханов. Давлат харидлари. Ўқув-қўлланма. – Т: “infoCOM.UZ”, 2010. – Б.28. URL: file:///C:/Users/user/Downloads/7d3118303e90f8685e736e7956ec0640.pdf.

9. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. 22.09.1994. URL: https://www.lex.uz/acts/97664.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Фармони. ПФ-6013-сон 29.06.2020 // URL: https://lex.uz/docs/4875784.

11. Ходасевич О. Н., Шаламова Е. Ю. Коррупция в сфере государственных закупок // Научно-методический электронный журнал “Концепт”. – 2018. –№ 3 (март). – 0,4 п. л. – URL: http://e-koncept.ru/2018/183012.htm.

12. МищенкоР.И. Предотвращение и противодействиекоррупции в сфере государственных закупок: анализ опыта Украины изарубежных стран. Стаья. – 2014. Actualissuesofmodernsciencean dsociety**.** –№1.УДК 351.824.5:339.13.

13. Rakhmanov Shukhrat. LEGISLATIVE MEASURES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FOR THE PURPOSE OF ANTI-CORRUPTION: REVIEW, CLASSIFICATION AND CONDITIONS OF EFFICIENCY. Journal of Law Research. 2019, 6 vol., issue 1, pp. 52-63.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ТОШЕВ Зафар Бобоқулович
Тошкент давлат юридик университети магистранти
E-mail: toshevzafars1998@mail.ru

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ТОШЕВ З.Б. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2021), Б. 185-190.

2 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-2-24

АННОТАЦИЯ

Мақолада интеллектуал мулкнинг таркибий қисми бўлган муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар, давлат-ҳуқуқий сиёсатининг устувор йўналишлари ва ваколатли давлат органларининг ваколатлари кўрсатилган. Муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар табиати таҳлил қилинган ҳамда жиноятлар хусусиятлари очиб берилган. Муаллифлик ҳуқуқи соҳасида жиноий жавобгарликнинг белгиланиши билан боғлиқ хорижий давлатлар тажрибаси қиёсланган ва амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқи, мониторинг, ҳуқуқни қўллаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик, жиноят, контрафакт, жиноий жазо.

ТОШЕВ Зафар Бобоқулович
Магистрант Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: toshevzafars1998@mail.ru

ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ УГОЛОВНОЙ-ПРАВОВОЙ ОХРАНЫ АВТОРСКОГО ПРАВА

АННОТАЦИЯ

В статье описываются текущие правовые реформы по защите авторского права, которое является неотъемлемой частью интеллектуальной собственности, приоритеты государственной и правовой политики, а также полномочия компетентных государственных органов. Проведен анализ природы правонарушений, а также раскрыт характер преступлений в области авторского права. Сопоставлен опыт зарубежных стран по определению уголовной ответственности в сфере авторского права и выдвинуты предложения по совершенствованию действующего уголовного законодательства.

Ключевые слова: интеллектуальная собственность, авторское право, мониторинг, правоприменение, административное правонарушение, преступление, контрафакт, уголовное наказание.

TOSHEV Zafar
Master student of Tashkent State University of Law
E-mail: toshevzafars1998@mail.ru

PROBLEMS AND PROSPECTS OF CRIMINAL LEGAL PROTECTION OF COPYRIGHT

ANNOTATION

The article describes the current legal reforms for the protection of copyright, which is an integral part of intellectual property, the priorities of state and legal policy, as well as the powers of the competent state authorities. The nature of copyright infringement is analyzed and the nature of the crimes is revealed. The experience of foreign countries in defining criminal liability in the field of copyright is compared and proposals are made to improve the current criminal legislation.

Keywords: intellectual property, copyright, monitoring, law enforcement, administrative offense, crime, counterfeit, criminal punishment.

Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳимоясига доир қонунчиликни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожи ҳамда мамлакатнинг интеллектуал ишлаб чиқариши ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Шунни ҳисобга олган ҳолда кейинги пайтларда ижодкорлар, маданият, санъат аҳли ва ижрочиларга давлатимиз раҳбари ва Ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини ошириш, уларни мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг кенг тарғиботчиларига айлантиришга ҳаракат қилинаяпти. Айниқса, ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш, пандемия шароитида ижодкорларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўллари қидирилмоқда. Шу боис илмий-ижодий фаолиятни моддий таъминлаш, иқтисодиётни инновацион босқичга ўтказиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, айниқса, соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини кучайтириш, ҳуқуқ эгаларининг тегишли ҳуқуқларига оғишмай риоя этиш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Мамлакатда очиқлик ҳукм сураётган ва соҳага оид миллий қонунчилик такомиллаштирилаётган бўлса-да, лекин асарлардан рухсатсиз ва ўзбошимчалик билан фойдаланиш одат тусига айланган, муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг асарларидан фойдаланганда уларга ҳақ тўлаш тизими кучсизлигича қолмоқда. Шунга кўра, мамлакат иқтисодиётида интеллектуал мулкнинг улуши паст, соҳани ривожлантиришга инвестициялар жалб этилмаяти, давлат ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларини бажаришда маълум қийинчиликлар юзага келмоқда, ҳуқуқни қўллаш амалиёти яхши йўлга қўйилмагани мамлакатнинг халқаро имиджига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 12 октябрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги видеоселектор йиғилишида амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга қатор муаммолар муҳокама қилинди, соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан мутасадди идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш мамлакатимизнинг жаҳон интеграциясидаги асосий омил эканлигидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 28 январь куни «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4965-сон қарори қабул қилинди [1].

Қарор билан интеллектуал мулк муҳофазасини мустаҳкамлаш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди. «Йўл харитаси»да контрафакт маҳсулотлар реализациясининг олдини олиш бўйича реал механизмларни назарда тутувчи қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун

лойиҳасини ишлаб чиқиш: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси - интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилишига оид тегишли моддалардаги санкцияларни кучайтириш, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси - муаллифлик ва турдош ҳуқуқлари бузилиши ҳамда бошқа объектлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш юзасидан жавобгарликни кучайтиришга оид нормаларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди. Шунингдек, мазкур қарор билан Интеллектуал мулк агентлигида Интеллектуал мулк ҳимояси бошқармаси ва вилоятларда юридик шахс мақомига эга бўлмаган Интеллектуал мулк ҳимояси марказлари ташкил этилди.

Марказларнинг асосий вазифалари этиб контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг муомаласига, шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилишига қарши тизимли ва самарали курашишда бевосита иштирок этиш, хусусан, огоҳлантирув ва тақдимномалар киритиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни тузиш, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунининг 62-моддасига кўра «асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг такрорланиши ёки тарқатилиши муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган ҳолда амалга ошириладиган нусхалари контрафакт нусхалар» деб тан олинади [2]. Шунингдек, муҳофаза қилинадиган асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг бундай асарларни ва турдош ҳуқуқлар объектларини муҳофаза қилиш тўхтатилган ёки ҳеч қачон муҳофаза қилинмаган давлатлардан ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз импорт қилинадиган нусхалари ҳам контрафакт нусхалар ҳисобланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, соҳага оид қонунчиликда жавобгарлик асосларини кучайтирмасдан туриб, муаллифлар ҳуқуқларини амалда таъминлаб бўлмайди. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик чораларининг белгиланиши ва кучайтирилиши ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаат ва ҳуқуқларини муҳофаза қилиниши билан биргаликда жамиятда муаллифлик ҳуқуқига нисбатан ҳурмат руҳини шакллантиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади [3, Б.24].

А.Юлдашовнинг таъкидлашича, жавобгарликнинг белгиланиши ҳуқуқ эгаларининг интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини мустаҳкамлашда, контрафакт маҳсулотларининг айланиш (тасарруф этиш) ҳолатлари олдини олиш ва чек қўйишда, интеллектуал мулк соҳасидаги қоида ва нормаларни халқаро меъёрий ҳужжатларга мувофиқлаштиришда ҳамда фан, адабиёт ва санъат соҳасини ҳалол рақобат асосида ривожланишида муҳим туртки ролини ўйнайди [4 Б.126].

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексининг 149-моддасида муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган, хусусан тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш учун жазо белгиланган.

Кўп давлатларда муаллифлик ҳуқуқи соҳасида содир этилган жиноятлар учун қаттиқроқ жазо чоралари белгилангани, ушбу соҳада жиноятларнинг олдини олиш имконини бермоқда. Хусусан, Россия Федерациясининг Жиноят кодекси (РФ ЖК)да муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириш натижасида муаллифга ёки бошқа ҳуқуқ эгасига катта миқдордаги зарар етказиладиган бўлса, икки юз минг рублгача миқдорда жарима ёки 18 ой давомида айбдорнинг ойлик иш ҳақи ёки бошқа даромадларидан ушлаб қолиш ёки 480 соатгача мажбурий ишларга жалб этиш ёки олти ойгача қамоқ жазоси қўлланилади.

Агарда, юқоридаги ноқонуний ҳаракатлар олдиндан келишилган ҳолда шахслар гуруҳи ёки уюшган гуруҳ томонидан ёки жуда йирик миқдорда ёки ўзининг хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, беш йилгача мажбурий ишларга юбориш, олти йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва беш юз минг рублгача жарима ёки уч йилгача ойлик иш ҳақи ёки

айбланувчининг бошқа даромадларини ушлаб қолиш билан биргаликда ёки уларни қўшмаган ҳолда жазо тайинланади. Россия қонунчилигига кўра, йирик миқдор бу-фонограмма ёки асарларнинг нусхалари ёки муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларини фойдаланиш натижасида етказилган зарар юз минг рублгача баҳоланса, жуда йирик миқдор эса бир миллион рублга қадар баҳоланади [5].

Беларусь Республикасининг Жиноят кодексида муаллифликка мажбурлаш ёки муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштирганлик учун жамоатчилик ишларига юбориш, жарима ёки икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишларига юбориш жазоси қўлланилади. Грузия жиноят қонунчилигига кўра, муаллифликни ўзлаштириш ёки ҳаммуаллифликка мажбурлаш жарима ёки икки йилгача бўлган аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган. Ушбу хатти-ҳаракатни кўп бор содир этиш уч йилгача озодликни чеклаш ёки ушбу муддатга қадар озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади [6].

Айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасида белгиланган жиноят элементлари ва уларни тергов қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар юридик адабиётларда етарлича очиб берилмаган. Айни вақтда, РФ ЖКнинг 146-моддаси таркиби анча кенг бўлиб, унга кўра муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ жиноятларнинг хусусиятлари, элементлари ва унинг мазмуни аниқ берилгани туфайли бу соҳадаги жиноятларни тергов қилиш амалиёти яхши йўлга қўйилган.

Россия Федерациясида интеллектуал мулк ҳуқуқини бузиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар жиноят сифатида баҳоланади. Бу турдаги жиноятлар инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар сирасига киради. Шунга кўра, интеллектуал мулк ҳуқуқини бузганлик учун жиноий жавобгарлик масаласи РФ ЖКнинг бир қатор моддаларида ўз аксини топган. Жумладан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузиш (РФ ЖКнинг 146-моддаси), ихтирочилик ва патент ҳуқуқларини бузиш (РФ ЖКнинг 147-моддаси), товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш (РФ ЖКнинг 180-моддаси).

Интеллектуал мулк объектлари тадбиркорлик соҳасида фуқаролик муамаласида иштирок этишини эътиборга олсак, ноқонуний тадбиркорлик ҳам жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади (РФ ЖК 171-моддаси), контрабанда (РФ ЖК 188-моддаси), технологияларни ноқонуний экспорт қилиш (РФ ЖК 189-моддаси), солиқ тўлашдан бўйин товлаш (РФ ЖК 199-моддаси) ва бошқалар. Демак, интеллектуал фаолият натижаларининг номоддий хусусияти интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни енгиллаштирмайди.

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги асосида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасида назарда тутилган қоидалар бир қатор ўзгартиришларни талаб қилади. Чунки, Жиноят кодексининг ушбу моддасига асосан интеллектуал мулк соҳасидаги жиноятларни таснифлаш ва уларга нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари содир этилган ҳуқуқбузарликнинг объектив ва субъектив томонлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланмаган. Масалан, Эстония Жиноят кодексининг XV-»Интеллектуал мулкка қарши қаратилган жиноятлар» номли боби 277-283-моддалари интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ муносабатлар Хитой Халқ Республикаси Жиноят Кодекисининг VII-»Интеллектуал мулк ҳуқуқига қарши жиноятлар» боби 213-220-моддалари орқали тартибга солинади.

1. Интеллектуал мулк соҳасидаги жиноятларга нисбатан жавобгарлик чоралари АҚШ Жиноят кодексининг XVII-боб 506, 1201-1205, 2319А, 2320-параграфлари, XVIII-боб 497, 1341, 1343, 1831-1839, 2318-2320, 2512-параграфлари ҳамда XXXV-боб 553, 605-параграфларида ўз аксини топган [7, Б.13]. АҚШда жисмоний шахс томонидан қасддан ва савдо-сотиқни кўзлаб ёки молиявий даромад олиш мақсадида муаллифлик ҳуқуқи бузилса, қонун бўйича 250 минг АҚШ долларигача миқдорда жарима ва 10 йилгача қамоқ жазоси қўлланилади. Агар, бирор ташкилот томонидан шу тарзда муаллифлик ҳуқуқи бузилса, 500 минг АҚШ доллари миқдоригача жарима ёки 10 йилгача қамоқ жазоси берилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк ҳуқуқбузарлиги соҳасидаги жавобгарлик чораларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жиддий ўзгартиришлар киритилиши керак. Яъни, Жиноят кодексига «Интеллектуал фаолият натижаларига қарши қаратилган жиноятлар» боби киритилиши ва ушбу соҳадаги жиноятлар хавфли қилмиш объектининг хусусиятларидан келиб чиқиб таснифланиши ва жавобгарлик чоралари белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Жаҳон савдо ташкилотининг Интеллектуал мулкнинг савдо аспектлари бўйича битими (ТРИПС) нинг 61-моддасига кўра давлатлар муаллифлик ҳуқуқи объектларидан тижорат мақсадларида қонунсиз фойдаланишлари, қонунсиз катта даромадлар олишларининг олдини олиш мақсадида, жиноят қонунчилигига янги нормаларни киритиб туриши ва жазо чораларини белгилаб боришининг мажбурлиги кўрсатилган. Жазо чоралари сифатида пуллик жарималар, мол-мулкини мусодара қилиш, қамоқ билан боғлиқ жазоларни белгилашлари лозим [8]. Қонунсиз ишлаб чиқарилган, кўпайтирилган ва сохталаштирилган, контрафакт нусхаларга арест солиш, уларни мусодара қилиш, йўқ қилиб ташлаш каби йўллар билан бу қонунбузарликларга барҳам беришга эришиш таъкидланади. Шунингдек, қонунсиз асар нусхаларини ишлаб чиқаришда қўлланилган техника воситалари, автомобиллар ва бошқа ашёлар ҳам мусодара қилиниши кўзда тутилиши даркор [9]. О.Андрийчукнинг фикрича, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар ўз маҳсулотларини ички бозорга мутаносиб нархларда сотадиган мамлакатларда ҳам «қароқчилик» масаласи долзарб бўлиб турибди, бундай ҳолат бозорда маданий қароқчилик маҳсулотларининг мавжудлигининг сабабларидан биридир [10].

Интелектуал мулк объектлари ҳуқуқий муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига бир қатор ўзгартишлар киритилди [11]. Хусусан, 2019 йил 3 декабрь куни мазкур Кодекснинг 177-моддаси (Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш) янги таҳрирда қабул қилинди. Кодекснинг 177^1-моддаси (Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш), 177^2-модда (Ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузиш) номли янги моддалар билан тўлдирилди. Эндиликда республикамизда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида жиноий жавобгарликни белгилашда қатор маъмурий ҳуқуқбузарликлар белгилаб олинди.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида бир йил ичида икки марта маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда, у жиноий қилмиш сифатида баҳоланиши ва тегишли жиноят деб қаралиши лозим. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига келажакда асар ёки фонограмма нусхаларини қалбакилаштириш (149-прим 1-модда), фойда олиш мақсадида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш (149-прим 2-модда), кўп миқдорда рухсатсиз фонограмма ишлаб чиқариш (149-прим 3-модда), турдош ҳуқуқлар билан ҳимоя қилинадиган объектларни рухсатсиз ишлаб чиқариш ва сотиш (149-прим 4-модда), тегишли рухсатномаси бўлмаган турдош ҳуқуқлар объектларини республика ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиш (149-прим 5-модда) ва бошқалар шу каби нормалар ўрнатилиши лозим. Фикримизча, амалдаги Жиноят кодексига фойда олиш мақсадида муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш мазмунидаги янги жиноий-жазо нормалар ҳам киритилишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги интеллектуал мулк соҳаси қонунчилигини такомиллаштириш, уни янги нормалар билан бойитиш, қонунчиликдаги мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш зарурияти субъектив қараш ёки фикр бўлмасдан, балки интеллектуал мулк ҳимояси масалалари билан шуғулланиб келаётган халқаро ташкилотларнинг ҳам талабидир [12], [13].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, интеллектуал мулк дунё даражасида катта даромад олиб келадиган ва маданиятлар алмашинувининг объекти экан, у бутун дунёда бир хилда ҳимоя қилинади. Интеллектуал мулк соҳасида содир этиладиган ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар таъқиб қилиниши ва айбдорлар аниқланиб, тегишли жазога тортилиши керак. Ўзбекистонда ҳам интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва бу соҳадаги ҳар қандай ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда самарали тезкор-қидирув ишларини олиб бориш орқали қонунсиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни фош қилиш, унда фойдаланилган барча техника ва ашёларни мусодара қилиш, қонунчиликда жазо чораларини кучайтириш, муаллифлар манфаатидан келиб чиқиб бу ҳақида ўз вақтида жамиятга ахборот тарқатиб туриш амалиётини кенгайтириш лозим.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2021 йил 28 январдаги «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4965-сон қарори //, 29.01.2021 й. // URL: https://lex.uz/docs/5248263

2. Ўзбекистон Республикаси «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуни. 2006 йил 20 июль, ЎРҚ-42-сон // URL: https://www.lex.uz/acts/1022944.

3. Толчёнова Ю.В. Уголовная ответственность за нарушение авторских и смежных прав. Дисс. на соискание учёной степени кан.юрид. наук. – Москва, 2010.

4. ЮЛДАШЕВ А. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БЎЙИЧА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА БУТУНЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИНИНГ БУ БОРАДА ТУТГАН ЎРНИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2020), Б.53-59 // URL: https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/56.

5. «Уголовный кодекс Российской Федерации» от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 17.06.2019) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.07.2019).

6. Уголовный кодекс Грузии. URL: http://www.matsne.gov.ge.

7. Wisconsin Criminal Code… State Bar of Wisconsin CLE Books. 1999.

8. Imhlications of the TRIPS agreement on treaties administered by WIPO. – GENEVA: WIPO, 1997. – P. 65.

9. Соглашение по Торговым аспектам прав интеллектуальной собственности. -Женева.: ВТО, 1995. – С.58.

10. Андрийчук О. Реальная виртуальность: интеллектуальное пиратство в цифровую эпоху / Сайт URL: http://gazeta.zn.ua /SOCIETY/ realnaya_virtualnost_intellektualnoe_piratstvo_v_tsifrovuyu_epohu.html.2021.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–534-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон. URL: https://lex.uz/docs/4320255.

12. Тошев Б.Н. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларининг ҳуқуқий мақоми. – Т.: «Voris-Nashriyot». 2007.

13. ХУДАЙБЕРДИЕВА Г.А. ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА // Юрист ахборотномаси–Вестник юриста–Lawye rherald. №1(2021), Б.110–118 // URL: https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/170.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

2 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 2, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 2, ISSUE 1

TOSHKENT-2021